



ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРГАН КИТОБ

人生は三歳までにつくられる!

幼稚園では
遅すぎる*

Масару Ибука

2-
нашр

Учдан кейин
кеч

1-китоб



Масару Ибука

Учдан кейин кеч

Нурмуҳаммад Наргиза
Ҳамидулла қизи таржимаси



Тошкент
«Akademnashr»
2022

УУК: 159.9

КБК: 88.4

И-14

И-14 Ибука, Масару.

Учдан кейин кеч [Матн] / М. Ибука. – Тошкент: Akademnashr, 2022. – 288 б.

ISBN 978-9943-5652-7-2

УУК: 159.9

КБК: 88.4

Ҳар бир болада бир даҳо яширин. Унинг ким бўлиб вояга этиши эса катталарнинг муносабати, тарбиясига боғлиқ. Китобни ўқиб, сиз бола тарбиясига оид oddий ва тушунарли усуллар билан танишасиз. Фақат бу борада кечикиб қолмаслигингиз лозим.

Китоб ўз фарзандининг келажаги учун қайғурадиган барча ота-оналарга мўлжалланган.

Япон тилига қиёслаб таҳрир қилувчи:
Дилнора Мадумарова

Рассом:
Миркамол Зокиров

ISBN 978-9943-5652-7-2

© Масару Ибука, 1971

© Нурмуҳаммад Наргиза
Ҳамидулла қизи, 2022

© «Akademnashr»,
«Учдан кейин кеч», 2022

Мундарижа

Кириш	5
Биринчи қисм	
Боланинг яширин имкониятлари.....	10
Иккинчи қисм	
Эрта тажрибанинг таъсири	56
Учинчи қисм	
Гудак учун нима фойдали?.....	86
Тўртинчи қисм	
Тарбия қоидалари	146
Бешинчи қисм	
Нимадан ўзни чегараламаслик керак?	
Келажакка назар	238
Ибука ва эрта ёш таълими	
Чиба университети фахрий профессори	
Таго Акира шарҳи.....	283

Кириш

Қадим замонлардан буён ноёб қобилият, энг аввало, ирсий, табиат инъоми деб ҳи-собланади. Бизга: «Моцарт уч ёшида пианино чалган» ёки «Жон Стюарт Милл лотин ти-лидаги мумтоз адабиётларни ҳам айнан шу ёшда үқиган», – десалар, күпчилигимиз од-дийгина қилиб: «Албатта, ахир улар даҳо-ку», – деб қўя қоламиз.

Аммо Моцарт ва Миллнинг гўдаклик чоғидаги ҳаёти борасида олиб борилган чуқур таҳлиллардан маълум бўлишича, уларнинг оталари ўз фарзандлари буюк шахс сифатида камол топиши учун натижали тарбия усулла-ридан фойдаланганлар. Менинг фикримча, Моцарт ҳам, Милл ҳам даҳо бўлиб дунёга келмаган. Уларнинг қобилияти гўдакликда-ноқ яратилган қулай шарт-шароит ва берил-ган самарали таълимдан тўлиқ ривожланди.

Аксинча, янги туғилган чақалоқ дастлаб табиатига хос бўлмаган муҳитда тарбияланса, келажакда унинг тўлиқ ривожланиши ҳамда табиат инъом этган истеъдодининг шаклланиши имконияти йўқолади. Энг яққол мисол «бўри қизлар» тарихи бўлиб, улар 1920 йилда Калькутта (Хиндистон)дан жануби-ғарбий томондаги фордан миссионер ва унинг хотини томонидан топилган опа-сингил Амала ва Камаладир. Эркак бўри ва унинг жуфти бирга боқиб улгайтирган қизларга инсоний сифатларни сингдириш учун қанча уриниш масин, барча ҳаракатлари беҳуда бўлди. Ўз-ўзидан аёнки, одам бўлиб туғилган чақалоқ – одам, бўрининг боласи эса бўридир. Бироқ бу қизларда инсоний шарт-шароитларда ҳам бўрига хос қилиқлар намоён бўлишда давом этаверди. Демак, чақалоқ туғилганидан бошлаб уни ўраб турган атроф-муҳит ва таълим-тарбия боланинг ким бўлиб етишишини аниқ белгилаб беради!

Бу мисоллар ҳақида фикр юритиб, мен янги туғилган чақалоқقا таълим-тарбия ва атроф-муҳитнинг қанчалик кучли таъсир қилиши ҳақида кўпроқ ўйлайман.


Бу муаммо нафақат баъзи болаларнинг, балки инсониятнинг саломатлиги ва бахти учун бекиёс аҳамиятга эга. Шу боис 1969 йилда мен «Япония эрта ривожланиш уюшмаси» ташкилотини тузишга киришдим. Доктор Шиничи Сузукининг кичкитойларга скрипка чалишини ўргатишга асосланган ва айни вақтда бутун дунё эътиборини тортган ўқитув услубини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда амалиётга татбиқ этишни янада кенгайтириш учун маҷаллий ва хорижий олимлар йиғилиб, тажрибавий синфларида фикр алмаша бошладилар.

Ишимиз олдинга силжигани сари бизга болалар тарбиясига анъанавий ёндашув нақадар нотўғри эканлиги аён бўла борди. Одатда, биз болалар ҳақида барча нарсани биламиз деб ўйлаймиз. Аслида, уларнинг ҳақиқий имкониятлари ҳақида жуда кам тасаввурга эгамиз. Биз уч ёшдан катта болаларга нимани ўргатиш масаласига кўп эътибор берамиз. Аммо, замонавий тадқиқотларга кўра, бу ёшгача бош миядаги ҳужайраларнинг 70 - 80 фоизи ривожланиб бўлади. Бу биз ўз хатти-харакатимизни уч ёшгача бўлган болалар миясини эрта ривожлантиришга йўналтири-

шимиз зарурлигини англатмайдими? Эрта таълим бериш дегани чақалоқларни рақамлар ва ҳар хил маълумотлар билан мажбуран ақлий ривожлантиришга эришиш дегани эмас, албатта. Асосийси, ҳамма тажриба ва таълим усулларини «ўз вақтида» қўллай олишдадир. Буни эса чақалоққа туну кун ғамхўрлик қила-диган онадан бошқа ҳеч ким уddeлай олмайди, айнан она бола тарбиясидаги «керакли вақт»ни аниқ ҳис қиласди.

Биз таълим деганда ўқиб-ўрганишни ту-шунамиз, бошқача айтганда, таълим ўқиб-ўрганишдан иборат деб ўйлаймиз. Лекин мактабгача таълим ўқиб-ўрганишдан аввалги босқичдаги таълимдир. «Ўз вақтида» эрта таълимга эътибор беришнинг алоҳида жиҳати бўлиб, буни ташкил этадиган шахс она-дир, ундан ўзга киши эмас. Албатта, боланинг таълим олиш масъулиятига жавобгар оналар фарзандининг келажаги борасида қайғуриб, уларга кўпроқ эътибор қаратиш тўғрисида доим ўйлайдилар деб ҳисоблайман. Шу маънода мазкур китоб ана шундай оналарга кўмаклашиш мақсадида ёзилди.

Муаллиф



Биринчи қисм

**Боланинг
яширин
имкониятлари**

1. Мұхым давр

Боғча даври – жуда кеч

Эҳтимол, ҳар бириңиз мактаб даврингизни яхши эсларсиз? Масалан, синфдаги үткир зеҳнли ўқувчи ҳеч қандай машаққатсиз синф етакчиси бўлар, айни пайтда, бошқа бир ўқувчи қанча ҳаракат қилмасин, билим олишда ортда қоларди.

Менинг ўқувчилик пайтимда ўқитувчилар бизларни шундай рағбатлантирар эдилар: «Ақллимисан ёки йўқми, бу наслга боғлиқ эмас. Барча нарса ўз хатти-ҳаракатингта боғлиқ». Аммо шахсий тажриbam аълочи доимо аълочи, иккичи эса доим иккичи эканини кўрсатарди. Худди қобилият аввалдан белгилаб қўйилгандек. Бу номувофиқликни қандай ҳал қилиш керак?

Менинг хулосам шундан иборат бўлдики, инсоннинг қобилият ва феъл-автори туғилганида белгиланмай, унинг аксарият қисми ҳаётининг маълум даврида шаклланади. Инсонни унинг насли шакллантирадими ёки у оладиган таълим ва тарбиями? Инсоният қадим замонлардан буён шу савол устида баҳс юритиб келади. Аммо бугунги кунга қадар бирон-бир ишончли назария бу баҳсларга чек қўёлган эмас.

Ниҳоят, бир тарафдан, миянинг физиологик тадқиқоти, иккинчи томондан, болалар психологиясини ўрганиш натижаларига кўра шу нарса маълум бўлдики, бола ақлий қобилиятининг ривожланиш калити - бу унинг биринчи уч йилда, яъни мия ҳужайраларининг ривожланиш даврида олган шахсий тажрибасидир. Барча инсонлар дунёга бир хил ҳолатда келади, яъни ҳеч бир бола ўткир зеҳнли ёки нодон бўлиб туғилмайди.

Туғилгандан бошлаб оладиган таълим-тарбияси сабабли, инсон ноёб қобилиятга эга бўламан деса, ноёб қобилият эгаси, ёмон хислатга эга бўламан деса, шундай бўлиш эҳтимоли йўқ эмас. Бироқ истаган пайт,

масалан, улғайгач, бирон ноёб қобилият соҳиби бўламан дегани самара бермайди. Туғилгандан уч ёшгача бўлган оралиқда инсоннинг қобилияти ва феъл-автори деярли шаклланиб бўлади. Шунинг учун мактабга борганида қобилияти бола билимни ҳеч қандай қийинчиликсиз, қобилияти етарлича шакллантирилмагани эса доим узоқ вақт сарфлаб, мاشақкат билан ўзлаштиришига тўғри келишиadolatcizlikdek кўринса-да, лекин бу ҳеч қачон йўқотиб бўлмайдиган ҳолат саналади.

Барчаси бола келажагини ҳал қилувчи ҳаётӣй босқич, яъни уч ёшгача бўлган даврдаги гўдак миясининг ривожланиш даражасига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам туғилишдан уч ёшгача бўлган давр ва шу ёшгача берилган таълим жуда муҳимдир. Айни пайтда, фарзанд тарбиясини унинг болалар боғчасига чиқиш даврига қадар қолдириш жуда кечдир.

Барчаси ўқитиш усулига боғлиқ

Ўқувчи ҳайрон бўлиши мумкин: «Нега мен, мутахассислик бўйича муҳандис ва ҳозирда компания президенти, инсоннинг эрта ривожланиш масалалари билан шуғулланишга киришдим?». Бунинг сабаблари қисман «ижтимоий»дир. Аввало, ҳозирги кундаги ёшларнинг исёнига бефарқ эмасман ва ўз-ўзимдан сўрайман: «Ёшларнинг ҳаётдан қониқмаслигига замонавий таълим қанчалик айбдор?» Бундан ташқари, мазкур масалада шахсий сабаблари ҳам бор, яъни ўз фарзандим ақлий ривожланишда ортда қолмоқда эди.

Бу каби нуқсонлар билан туғилган бола, унга туғилишидан тўғри таълим берилса, оддийгина ўқимишли инсон бўлиб камол топиши мумкинлиги фарзандим жуда ёш бўлган

пайтда менинг хаёлимга ҳам келмаган. Доктор Шиничи Сузуки кўзимни очди. Унинг таъкидлашича: «Қолоқ болалар йўқ. Барчаси ўқитиш усулига боғлик». Доктор Сузукининг гўдакларни скрипка чалишга ўргатиш учун қўллаган ва ҳайратланарли натижаларни кўрсатган «Ноёб истеъдодни тарбиялаш» усули билан танишганимда ота сифатида фарзандимга ўз вақтида ҳеч нима қилмаганимдан илк бор афсусландим.

Мен энди талабалар ғалаёнлари муаммоси билан шуғуллана бошлаганимда таълимнинг аҳамияти ҳақида чуқур ўйладим ва нима сабабдан бизнинг тизим шу қадар тажовузкорлик ва қаноатсизликни вужудга келтираётганини тушунишга ҳаракат қилдим. Аввалига менга бу тажовузкорлик илдизлари университет таълим тизимида мавжуддек туюлди. Бироқ муаммони чуқур ўргангач англашимки, айни масала ўрта мактаб учун ҳам хос экан. Сўнг мактабнинг ўрта ҳамда бошланғич тизимини ўргандим ва шундай хulosага келдимики, болага боғчада ҳам таъсир кўрсатиш кеч бўлар экан. Кутимаганда мазкур фикр док-

тор Сузуки ва унинг ҳамкаслари шуғуллана-ётган иш билан мос келди.

Доктор Сузуки ўзининг «Сузуки методи» деб аталадиган, гўдакларга мўлжалланган ғайриоддий таълим усулини ўттиз йилдан бери амалиётда қўлламоқда. Бунга қадар у таълимнинг анъанавий усулларини қўллаб, бошлангич ва юқори синфларда дарс берган. Унинг аниқлашича, юқори синфларда қобилиятли ва қобилиятысиз ўқувчилар ўртасидаги фарқ жуда каттадир. Шунинг учун у ёши кичикроқ болалар билан шуғулланишга ҳаракат қилди. Шундай қилиб, аста-секинлик билан ўқитаётган болалари ёшини кичрайтириб борди. Мен талабалар ғалаёни ҳақида ўйлай бошлаганимда Сузуки бу борадаги услубларини аллақачон, ўттиз йил олдин, амалиётда қўллаб бўлган эди. Доктор Сузуки скрипка чалишни ўргатади, чунки ўзи скрипкачи. Бу усулни таълимнинг исталган соҳасида қўллаш мумкинлигини тушунганимда «эрта ривожлантириш» муаммосини жиддий ўрганишга қарор қилдим.

Эрта таълим буюк даҳоларни тарбиялаб етиширишни мақсад қилмайди

Мендан қўпинча: «Эрта таълим буюк даҳоларни тарбиялайдиган таълимми?» – деб сўрайдилар. Мен: «Йўқ», – деб жавоб бераман. Эрта таълимнинг ягона мақсади болани ақлли ва соғлом, ўткир зеҳнли ва гапга қулоқ соладиган қилиб тарбиялашдир.

Барча одамлар, агар жисмоний нуқсонлари бўлмаса, деярли бир хил ҳолатда туғиладилар. Болаларнинг ақлли ёки нодон, маъсум ёхуд тажовузкор бўлиши уларнинг тарбиясига боғлиқ. Агар ҳар бир болага керакли нарса зарур вақтда берилса, у ўткир зеҳнли ва кучли иродага эга бўлиб улғаяди.

Одамлар ва кучукларда кечадиган жа-раёнларни таққослаш ғайритабиий туюлиши мумкин. Лекин қанчалик ажойиб, зотдор наслдаги кучук бўлса ҳам, эгасиз, дайди итлар тўдасига қўшиб қўйсак, у тобора ваҳшийлаша-ди. Сўнг охири чинакам дайди итга айланади. Таъкидлаш шарт эмаски, янги туғилган чақа-лоқнинг мияси итнинг миясига нисбатан суст ривожланган бўлиб, тарбияланиш усулига қараб (одамлар орасига эмас, итлар орасига ташлаб қўйилса – таржимон изоҳи) осонгина «дайди ит»га ҳам айлана олади.

Менинг фикримча, барвақт ривожланти-ришнинг асосий мақсади баҳтсиз болалар пайдо бўлишининг олдини олишдир. Болага ёқимли мусиқа әшиттириш ёки скрипка ча-лишни ўргатиш унинг машҳур мусиқачи сифатида камол топиши учун амалга оши-рилмайди. Унга хорижий тил бетакрор тилшу-нос бўлиб улғайиши ёки уни «яхши» болалар боғчасига ёхуд бошланғич мактабга тайёрлаш учун ўргатилмайди. Асосийси, боладаги чек-сиз имкониятларни ривожлантириш орқа-ли унинг ҳаётига ва дунёсига кўпроқ қувонч олиб киришдир.

Чақалоқнинг ривожланмаганлиги – унинг улкан имкониятлари калити

Фикримча, эрта ривошланиш янги туғилган чақалоқнинг ақлий салоҳияти ва чексиз яширин имкониятлари билан боғлиқ.

Албатта, энди туғилган чақалоқ мутлақо ожиз, аммо айнан шу ожизлик остида яширин имкониятлар бекиёсдир.

Инсон чақалоги ҳайвон боласидан анча ожиз бўлиб туғилади: у фақат бақириб йиғлаш ва сут эмишни билади. Ҳайвонлар, масалан, кучук, маймун ёки отнинг боласи эса эмаклаши, ёпишиши ва ҳатто ўрнидан туриши, юриши мумкин.

Зоологларнинг таъкидлашича, янги туғилган чақалоқ энди дунёга келган ҳайвон боласидан 10 – 11 ойча орқада қолади. Бунинг

сабабларидан бири инсоннинг, аникроғи, ҳомиладор аёлнинг юришдаги ҳолатидир. Одам вертикал юрганида бачадондаги ҳомила ўзининг тўлиқ ривожланиш ҳолатига етмайди, шунинг учун ҳам чақалоқ ожиз бўлиб туғилади. Инсонлар туғилганидан кейин ўз таналаридан фойдаланишни (яъни ҳаракатланиш, юриш – таржимон изоҳи) ўрганишларига тўғри келади.

Худди шу тарзда улар мия имкониятларидан фойдаланишни ҳам ўрганиб оладилар. Ҳайвон боласининг мияси туғилгунига қадар шаклланиб улгурган бўлса, янги туғилган чақалоқнинг мияси тоза қофоз кабидир. Ана шу қофозга нима ёзилиши боланинг қанчалик зеҳнли бўлишини белгилаб беради.

Мия тузилиши уч ёшгача шаклланади

Айтишларича, инсон мияси тахминан 1,4 миллиард ҳужайрадан иборат, бироқ янги туғилган чақалоқларда уларнинг аксарияти ҳали шаклланиб улгурмаган бўлади. Янги туғилган чақалоқларнинг мияси гўёки оппоқ қоғоздек.

Мия ҳужайралари алоҳида-алоҳида, тарқоқ ҳолда ишламайди. Миянинг микросуратига қарасангиз, туғилгандан кейин вақт ўтиб онги ривожланган сари унинг ҳужайралари орасида маҳсус кўприкча-шохчаларнинг шаклланишини кўришингиз мумкин.

Янги туғилган чақалоқ ва вояга етган инсон мия ҳужайраларини таққослаш шуни кўрсатмоқдаки, мия ривожланиши давомида унинг ҳужайраларини бир-бири билан боғловчи кўприк-шохлар пайдо бўлади. Бош

мия ҳужайралари сезги аъзоларидан олган маълумотларини бир-бирига узатиш учун гўёки бир-бирига қўлини чўзади. Бу жараён электрон компьютерлардаги транзистор ва микросхемаларнинг ишини эслатади. Алоҳида олинган транзисторнинг бир ўзи ишлай олмайди, фақатгина ягона тизимга боғлангандан сўнггина компьютер каби ишлай бошлияди.

Хужайралараро алоқалар энг фаол шаклланадиган давр – бу боланинг туғилишидан уч ёшгача бўлган давридир. Шу вақт давомида бундай бирикмаларнинг тахминан 70 – 80 фоизи пайдо бўлади. Улар ривожлангани сари миянинг имкониятлари кенгайиб боради. Туғилгандан кейинги биринчи олти ой давомида миянинг салоҳияти 50 фоизга, уч ёшгача эса 80 фоизга етади. Албатта, бу гўдакликдан кейин бола мияси буткул ривожланишдан тўхтайди дегани эмас. Тўрт ёшдан бошлаб миянинг бошқа бир қисмидаги ҳужайравий алоқалар ишга тушади. Уч ёшгача асосан миянинг орқа қисми шаклланади, тўрт ёшдан эса бу мураккаб жараёнга «пешона бўлимлари» деб аталувчи қисм қўшила-

ди. Уч ёшгача ва ундан кейинги ҳужайравий алоқалар шаклланишидаги фарқ шундаки, уч ёшгача шаклланган ҳужайра күприкларини компьютердаги «техник таъминот» десак, уч ёшдан кейингиси эса компьютердаги «дастур билан таъминлаш»га мос келади.

Миянинг ташқи сигнални қабул қилиши, унинг тасвирини яратиши ва уни хотирада сақлаб қолиш сифати асосий қобилият ҳисбланиб, бу бош ўзак айнан биз назарда тутган компьютердирки, боланинг келажакдаги интеллектуал ривожланишига фундаментал асос бўлади. Фикрлаш, эҳтиёжлар, ижодкорлик, ҳис-туйғулар каби етук қобилияtlар уч ёшдан кейин ривожланиди, аммо улар бу ёшгача шаклланган базадан фойдаланадилар.

Шундай қилиб, агар дастлабки уч йилда мустаҳкам база (фундамент) шаклланмаган бўлса, ундан фойдаланишни ўргатиш беҳуда, яъни ҳаракат натижа бермайди. Бу худди бузилаёзган компьютерда ишлаб яхши натижаларга эришишга уриниш кабидир.

Замонавий тарбия

«Қаттиққұллик» даври билан

«хамма нарса мумкин»

даврини үзгартыриб

хато қилмоқда

Хозирги кунда ҳам күпгина психологлар ва педагоглар, айниқса, «илфор» (прогрессив) педагоглар болани ёшлигидан үқитишни нотүғри деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, маълумотнинг кўплиги боланинг асаб тизимига салбий таъсир қиласди, шу сабабдан уни ўз-ўзига қўйиб бериш ва ўзи истаган нарсани қилишга имкон яратиш ўринлидир. Баъзилар ҳатто бу ёшдаги болаларнинг худбин эканига ва барча ишларни фақат ўз курсандчилиги учун қилишига ишонишади.

Шу сабабли бутун дунёдаги ота-оналар бундай фикрлар таъсири остида онгли ра-

вишда болани «тинч қўйиш» тамойилига амал қиласилар.

Худди шу ота-оналар бола боғча ёки мактабга борганида дарҳол бу тамойилдан воз кечиб, бирдан ўз фарзандларига бирон нарсани ўргатишга ва тарбиялашга уриниб, қаттиққўл бўлиб қоладилар. Ҳеч бир сабабсиз «мулоийим» оналар «шафқатсиз» оналарга айланадилар.

Юқоридаги маълумотларга асосан, бунинг тескариси бўлиши керак. Бола ҳаётининг, айниқса, биринчи йилларида у билан қаттиққўл ҳамда мулоийим бўлмоқ, уч ёшдан кейин, ўз «мен»ини таний бошлаганида эса унинг иродасини ҳурмат қилишни ўрганмоқ зарур. Аникроқ қилиб айтсак, ота-она таъсири боғчагача тугатилмоғи лозим. Гўдакликда аралашмаслик ва кейинроқ болага босим ўтказиш ундаги қобилиятни сўндириши ва қаршиликни вужудга келтириши мумкин.

2. Ёш бола нима қила олади?

Катталарнинг «қийин»
ва «осон» тушунчалари
болаларга тұғри келмайды

Биз – катталар у ёки бу китоб бола учун жуда қийин ёки бола мумтоз мусиқани бақолай олмайды дея қатъий ишонамиз. Аммо қандай асосға таяниб бундай хулосалар қиласыз?

Бола учун аниқ белгилаб қўйилган «қийин» ёки «осон» деган тушунчалар йўқ. Инглиз ёки япон тилими, Бах ёки ёш болалар мусиқасими, бир хил оҳангдаги ва бир турдаги куй ёхуд товушлар уйғунлигими – барчаси бир вақтда ўргатила бошланиши керак, бола учун ҳаммаси янги.

Ҳиссиётлар асосида қилинган хулоса билимга боғлиқ әмас, аксинча, билим ҳиссиётлар учун түсік бўлиши мумкин. Эҳтимол, кўпчилик машҳур санъат асарига қараб ўз-ўзига: «Жуда бетакрор, шоҳ асар», – деган, аслида эса сиз асарни кўрганда унга нисбатан ҳеч қандай ҳисни туймагансиз. Сиз учун суратнинг қадр-қиммати рассомнинг исми ва суратнинг баҳоси билан боғлиқ. Бола эса доимо ростгўй. Бирор-бир нарса ёки машғулот унга қизиқ бўлсагина унинг эътиборини бутунлай ўзига тортади.

Америкада ёш болаларга мўлжалланган «Sesame Street» номли жуда кенг оммалашган телекўрсатув бор. Кунжут кўчасини «кунжут хиёбони» деб таржима қилсак ҳам бўлади. Нью-Йоркдаги Ҳарлем кўчаси мана шу телекўрсатувнинг асосий манбаси бўлиб, ундағи қаҳрамонлар шу ерда яшайдиган қўғирчоқлардир. Бу телекўрсатувнинг қизиқ томони шундаки, ундағи қаҳрамонлар алоҳида алоҳида бўлса-да, ўта аниқ феъл-авторга эга саналиб, қўшниларига ҳам бирмунча ўхшаб кетади. Бундай феъл-автордаги одамлар серқирра, «Ёши иккилар атрофидаги болалар

уларни тушуна олмайди», – деб ўйласам, ундей әмас әкан. Гўдакларнинг ҳам кўнглига ёқадиган қаҳрамони бўлиб, бу қаҳрамон экранда кўриниши билан унга маҳлиё бўлиб қолар эди. Айниқса, гўдаклар эътиборини жалб қиласидигани – бу канарейка қуши. Унинг феъл-автори шундайки, бегамлигидан доим муваффақиятсизликка учрайди, лекин барibir бунга айбсиздек бепарво бўлиб, ҳеч ҳам ўрганиш ниятидан қайтмайди. Томошабин ҳали сўзларни ҳам талаффуз қила олмайдиган гўдак бўлсалар-да, катталардан фарқ қилмаслиги, шунингдек, уларда қўғирчоқларнинг мураккаб феъл-авторини тушуниб, «мен бунга хайриҳоҳман» деган тушунчанинг бўлиши жуда муҳим ҳисобланади. Катталарнинг фикри саналган «гўдаклар учун» деган тушунча, аслида, қандай қилиб чақалоқларга мос келмаслигини мана шу мисол орқали изоҳлаш мумкин.

Болалар «шаклга қараб таниб олиш» деган үзига хос хусусиятли қобиلىят әгасидир

Кўпдан бери кўришмаган икки яшар набирам уйимга меҳмонга келган пайтдаги бир воқеани эслайман. У ойнага қаради ва менга янги осилган неон лампа билан ёритилган лавҳани кўрсатди-да, ғурур билан: «Бу «Хитачи», бу эса «Тошиба», – деди. Ўз завқимни яширишга ҳаракат қилиб, икки ёшдаги набирам хитойча иероглифлар саналмиш «Хитачи» ва «Тошиба»ни ўқийди деб ўйладим. Унинг онасидан қачон хитой алифбосини ўрганганини сўрадим. Аниқ бўлдики, у хитойча «Хитачи» ва «Тошиба»ни ўқиган эмас, балки савдо белгиларини шакллар сифатида эслаб қолиб ажратади олган. Ҳамма: «Содда,

суюкли бобо», – деб устимдан кулди, аммо, ишончим комилки, бу күпчиликтә бўлади.

Яқинда менинг эрта ривожланиш ҳақидаги бир қатор мақолаларимни ҳафталик журналда ўқиган фуджисавалик 28 ёшли онадан хат олдим. Унинг хатидан билдимки, аёлнинг икки ярим яшар ўғли автомашина русумларини икки ёшлигида эслаб қолиши бошлаган. Икки-уч ой ичидаги тахминан 40 та ҳам япон, ҳам хорижий русумдаги автомашиналарнинг номини, баъзида ғилофда турган автомашина русумини ҳам осонлик билан айта олган. Бироз олдинроқ, «Экспо-70» телекўрсатуви таъсирида бўлса керак, у турли мамлакатларнинг байроқларини ёдлашни бошлаган ва 30 та мамлакатнинг байроғини таниган ҳамда айтиб берган. Ҳаттоқи катта одамлар ҳам қийинчилик билан эслаб қоладиган Монголия, Панама, Ливан байроқларини ҳам таниган ва тўғри номлай олган. Бу мисол болаларда катталарда йўқ бир сифат борлигини англашади.

Ёш болага қиёфа (шакл)га қараб нарсаларни таниш қобилияти берилган ва бу таҳлил қилиш билан боғлиқ эмас, буни бола кечроқ

ўрганади. Бу фаразни тасдиқловчи ёрқин мисол чақалоқ ўз онасининг юзини таний олиш қобилиятидир. Кўп чақалоқлар, бегона одам уларни ўз қўлига олса, йиғлашни бошлайди ва ўз онаси қўлида тинчланади, кулади. Онасининг меҳрини сезишидан ташқари чақалоқ унинг қўлида кўтариш усулини ҳам бир на муна сифатида эсда сақлаб қолади.

Тажриба сифатида жаноб Исао Ишии «Япония эрта ривожланиш уюшмаси»да хитой ёзуви дарсларини ўтиб берди. Уч ёшли болалар «каптар» ва «жирафа» каби мураккаб хитой иероглифларини осонгина ёдлаб олдилар. Гап шундаки, юздаги ҳатто кичик ўзгаришларни ҳам ҳеч қийинчиликсиз ёдда қолдирадиган бола учун хитой иероглифларини эслаб қолиш мураккаблик туғдирмайди. Мавхум сўзлардан кўра, масалан, «тўққиз» каби, бола учун қанчалик қийин бўлмасин, «жирафа», «тулки» каби аниқ бир нарсани билдирувчи сўзларни ёдлаш осонроқ. Шунинг учун ҳам ёш бола катта одами қартада ютиши ажабланарли ҳол эмас. Агар катта одам жой, сана ва расмни онгли равишда эслаши зарур бўлса, ёш болада ажойиб рамзий хотира мавжуд.

Ёш болага арифметикадан кўра алгебрани ўрганиш осон

Математиканинг фундаментал ғояларидан бири қаторлар назариясидир. Аввал сонлар тушунчасини, кейин геометрия ва алгебрани ўрганган катта одам учун бу назарияни тушуниш қийин. Ёш бола учун эса қаторлар ёки тўпламлар назарияси мантигини тушуниш осон.

Математикани ўргатиш бўйича шухрат қозонган аёл Мадам Ришени Феликснинг таъкидлашича, болага математикани исталган ёшда ўргатиш мумкин.

«Қатор» ёки «тўплам» – бу умумий сифатга эга предметларнинг бирлашмасидир. Бола улар билан кубиклар ўйнашни бошлаганида танишади. Бола уларни бирма-бир олиб, тузилишига қараб ажратади: квадрат, учбурчак

ва бошқалар. Шу ёшдан у ҳар бир кубик – «қатор»нинг элементи ва квадратлар тўплами – бу бир қатор, учбурчакларники эса бошқа эканини яхши англайди. Предметларни маълум бир хусусияти бўйича гурӯҳларга ажратиш мумкин деган оддий фикр қаторлар назариясининг асоси ҳисобланади. Бола учун оддий ва мантиқий тўпламлар назариясини арифметиканинг мураккаб ва чалкаш назариясидан кўра тушуниш осонлиги табиий ҳолдир.

Шундай қилиб, мен аминманки, катталарнинг «Арифметика осон ва алгебра қийин» деган анъанавий тушунчаси болаларнинг имконияти хусусидаги яна бир янглиш фикрдир. Бола мияси осонлик билан тўпламлар назарияси мантигини қабул қиласди ва бу алгебра асосларини тушунишда замин бўлади.

Арифметик масалага бир мисол: «Ҳайвонот боғида ҳаммаси бўлиб 8 та ҳайвон бор: тошбақалар ва турналар. Уларда 20 та оёқ бор. Ҳайвонот боғида нечта тошбақа ва турна бор?»

Келинг, аввало, бу масалани алгебравий усул ёрдамида ечамиз. Турналар сонини x , тошбақалар сонини у десак, $x+y=8$, $2x+4y=20$. Ҳисоблаймиз, $x+2y=10$, яъни $x=8-y=10-2y$; де-

мак, $y=2$, $x=6$. x нинг ўрнига айлана, y нинг ўрнига учбурчакни олсак ҳам бўлади. Демак, 2 та тошбақа ва 6 та турна бор.

Энди бу масалани арифметика ёрдамида ечамиз. Агар барча ҳайвонларни тошбақа деб олсак, унда уларда 32 та оёқ бўлиши керак. Аммо масалада 20 та берилган, демак, 12 та оёқ ортиқча. Ортиқчалиги сабаби, биз ҳайвонларнинг барчасини 4 оёқлик тошбақа деб тасаввур қилдик, амалда эса баъзилари турналар ва уларда 2 та оёқ бор. Шунинг учун ортиқча 12 та оёқ – бу турналар сони иккита ҳайвон оёқларининг фарқига кўпайтирилганидир; 12 ни 2 га бўлсак, 6, демак, 6 та турна, агар 8 – ҳайвонларнинг умумий сонидан турналар сони – 6 ни айириб ташласак, тошбақалар сони келиб чиқади.

Нега бизда номаълум сонлар ўрнига x ва y ни кўйиш билан жавобни олиш учун мантикий ва тўғри йўл турган бўлсаю, бу масалани мураккаб «тошбақавий» арифметик усулда ечишимиз керак. Алгебравий ечимни тезда англаш қийин бўлса-да, бир қарашда осон кўринган мантиқсиз ечимдан кўра алгебрадаги мантикий тушунтиришни англаш осонроқ бўлади.

Уч ойлик чақалоқ ҳам Бахни баҳолай олади

«Sony» фирмасининг «Адзуки заводи»да эрхотин ишчиларнинг икки-уч ёшли фарзандлари учун оналари илтимосига кўра болалар боғчаси ташкил этилган эди. У ерда болалар қандай мусиқани ёқтиришини аниқлаш учун тадқиқот ўтказилди. Кузатишлар кутилмаган натижаларни берди. Икки-уч яшар кичкинтой учун энг ҳаяжонли мусиқа Бетховенning «Бешинчи сонатаси» бўлди. Иккинчи ўринни телевизорда эртадан кечгача бериладиган машҳур қўшиқлар, охирги ўринни ёш болалар ашулалари эгаллади. Бу натижалар мени жуда қизиқтириб қўйди.

Кичкинтойлар мумтоз мусиқани энг қизиқ деб топдилар, биз эса улардан бу мусиқани

маълум бир узоқликда сақлаймиз. Болалар туғилишидан мураккаб симфонияни баҳолаш учун зарур мусиқий қобилиятга әгами? Доктор Шиничи Сузуки кузатувларига кўра, беш ойлик чақалоқларга Вивалдининг концерти ёқар экан. Бу менга дўстимнинг қизи ва турмуш ўртоғи билан бўлган бир воқеани эслатди.

Мумтоз мусиқа ҳаваскорлари бўлган ёш ота-она ўзларининг янги туғилган чақалоғига Бахнинг «Иккинчи сюита»сини ҳар куни бир неча соатдан тинглатиб боришган. Уч ойдан сўнг у мусиқа оҳангига мос равишда ҳаракат қилишни бошлигар. Мусиқа тезлашганда унинг ҳаракатлари қисқароқ ва жадалроқ бўлар экан. Мусиқа тугаганида эса у норозилик билдирап экан. Кўпинча боланинг жаҳли чиқса ёки йиғласа, ота-она шу мусиқани қўйиб беришар ва у дарҳол тинчланаркан. Бир куни жаз қўйиб беришганида бола йиғлаб юборган.

Бу воқеани эшитиб уч ойлик бола ҳам Бах мусиқасига тушунишини билиш билан бирга гўдакларнинг ажойиб мусиқий ҳиссиёти борлигига амин бўлдим.

Мураккаб мусиқа оҳангларини қабул қилиш қобилияти – бу мўъжиза. Мен аминманки, кўпгина японлар ғарб мумтоз мусиқасини шунчаки ёшлиқда фақат ёш болалар ашулалари ва миллий мусиқадан бошқа ҳеч нарса тинглашмагани сабабли ҳам қабул қила олишмайди.

Олти ойлик чақалок, ҳатто сузиши ҳам мумкин

Катта ёшдаги одам бўлса ҳам, сузишни билмай, сувга тушса худди чўкиб кетаётган тошдек бўлиб қоладиганлар кўп. Шунинг учун сиз гўдакка сузишни ўргатиш мумкинлигини билиб ажабланишингиз мумкин. Ҳали юришни бошламаган гўдак сувда худди ерда эмаклагандек туришга ҳаракат қиласи. Муҳими боланинг суза олиши эмас, балки ёш бола бўлганлиги учун ҳам суза олишидир.

Бир неча йил аввал мен газетада белгиялик Де Бенесейлнинг эмизикли чақалоқлар учун сузиш мактабини очгани ҳақидаги мақолани ўқиган эдим. Унинг фикрича, уч ойлик чақалоқни ҳовузда орқа томони билан ўзини

ушлаб туришга, тўқиз ойлигига эса сувда тўғри нафас олишга ўргатиш мумкин.

1965 йилнинг август ойида Токиода бўлиб ўтган аёл атлетларнинг халқаро конференциясида раис Риза Димнинг бир ёшгача бўлган болаларнинг суза олиши мумкинлиги ҳақидаги маърузаси жиддий шов-шувларга сабаб бўлди. Дим хоним беш ойлик чақалоқни 32°C ҳароратдаги ҳовузга туширди ва уч ойдан сўнг у 6 дақиқа давомида суза оладиган натижага эришди. Чақалоқ сувда 8 дақиқаю 46 сония туриб бериб ўзига хос рекорд ҳам ўрнатди.

Пресс-конференцияда Дим хоним айтдики: «Ёш бола ердан кўра сувда қандай туришни анча яхши билади. Биринчидан, сиз уни сувда кўнишишига ва ўзи сувда туришни бошлагунига қадар ушлаб турасиз. Сувга чўкиш вақтида бола нафасини ушлайди ва сув сиртига сузуб чиққунига қадар кўзларини ҳам юмади. Шундай қилиб, у қўллари ва оёқларини ишлатиб сузишни ўрганади». Дим хонимнинг алоҳида таъкидлашича, инсоннинг имкониятлари ва қобилияtlарини бир ёшга қадар ривожлантириш мумкин.

Боланинг сузиш қобилияти унинг чексиз имкониятларини тасдиқловчи бирғина далилдир. Биринчи қадамларини қўяётган гўдак айни шу даврда роликда учишни ўрганиши ҳам мумкин. Агар бола тўғри йўналтирилиб рағбатлантирилса, юриш, сузиш ва сирпанишни ўйин сифатида ўрганади.

Албатта, бу тажрибалар болани сузишга ёки скрипка чалишга ўргатиш учун ўtkазилмайди. Сузиш боланинг қобилиятларини ривожлантириш услубларидан биридир: сузиш уйқуни яхшилайди, иштаҳани очади, рефлексларни кучайтиради ва мушакларни чиниктиради. «Темирни қизигида бос» дейдилар.

Бошқача қилиб айтганда, темирга совиб бўлганидан кейин шакл беришга уриниш жуда кечдир. Чунки металл қаттиқлашиб ултурган бўлади. Шунинг учун темирни қизигида босинг.

Бола мияси чекланмаган микдорда маълумот қабул қила олади

«Тиллар бўйича даҳо саналмиш ака ва сингил инглиз, испан, италян, немис, француз тиллари: беш тил ҳамда ўз тажовузкор оталинг тилини ҳам билардилар». Кўплаб японияликлар газетада «Тажовузкор ота» сарлавҳаси остида пайдо бўлган шов-шувли хабарни эслашса керак. Мақола жаноб Масао Нагата ҳақида эди. У ўқитувчилик касбини ташлаб, ўзини уй begi деб эълон қилди ва ўз ҳаётини фарзандлари тарбиясига бағишилади.

Ўша пайтда унинг ўғли икки ярим ёшда, қизи эса уч ойлик эди. Болалар ҳали жуда ёш бўлгани сабабли «қаттиққўл» тарбиячи ота норозиликларга учради. Масалан, катта ҳажмдаги маълумотлар болаларга оғирлик

қиласи ва асабий феъл-автор эгаларига айланниб салбий натижалар келтириб чиқарадилар деган мазмундаги фикрларни билдирганлар кўп бўлди.

Танқидлар асоссиз эканлигини Нагатанинг баҳт-саодат ила гуллаб-яшнаётган оиласига қараб ҳам англаш мумкин эди. Бу ўринда ота ўз ишини ташлаб, ўзини бутунлай фарзандлари тарбиясига бағишлаганини тўғри ёки нотўғри дея хукм чиқариш ноўрин бўлса керак.

Мұхими, жаноб Нагата татбиқ этган гўдакларнинг ақлий қобилиятларини намоён қилувчи ўқитиш услубидир. У шундай дейди: «Мен уларга инглиз, испан, италян, немис, француз тилларида сўзлашувни ўқитишни деярли бир вақтда бошладим. Радиода француз тили дарслари инглиз тилида тушунтириб борилар эди. Шунинг учун мен агар кўпгина тиллар бир пайтда ўргатилса, ўқитиш усулини умумлаштириш мумкин деган қарорга келдим.

Худди шу вақтда фарзандларим пианино чалишни ўрганишаётган эди. Улар чалишни ўрганаётган ноталар италян тилида изоҳланган, таржимаси эса инглиз, немис ва

француз тилларида эди. Агар улар изоҳларни тушунмасалар, чалишни ҳам билмас эдилар. Мен уларга турли тилларни ўргатишм сабабларидан бири ҳам ана шунда эди. Мендан қўпинча: «Болалар беш тилни бир вақтда ўрганиш давомида чалкашганилар?» – деб сўрардилар. Фикримча, йўқ: улар ахир тиллардан тўғри фойдаланишган. Биз хорижий тиллар билан фақат радио орқали шуғулланар эдик. Бу радиоэшиттиришларни жуда мулойим бошловчилар олиб борар эди. Талаффуз машқлари узоқ вақт давомида такрорланарди. Болалар ўзлари гапирганида ҳамма нарсани тўғри талаффуз қиласар эдилар («Эрта ривожланиш», 1970 йил май).

Демак, тахмин қилиш мумкинки, уч ёшгача бўлган бола миясининг маълумотни қабул қилиш қобилияти катта одамникуга нисбатан устунрок. Фақат унга «кўпроқ бериш» ёки қизиқиш уйғотишдан қўрқмаслик керак: ёш бола мияси шимгич (босма қофоз) каби билимни ўзига «шимиб» олади, агар тўлиб кетганини сезса ўчади ва янги маълумотни қабул қилишни тўхтатади. Биз хавотир олишимиз керак бўлган нарса болага маълумот кўп бе-

раётганимиз эмас, балки болани ақлан тұла-
қонли ривожлантириш учун маълумотнинг
жуда кам тақдим этаётганимиздир. Жаноб
Нагата буни үз шахсий тажрибасида синовдан
ұтказгани фикримиз далилидир.

Бола фақат ўзига қизиқ бўлган маълумотнигина эслаб қолади

Шу жойгача мен бола миясининг маълумотни қабул қилишдаги юксак имкониятини таърифлаб бердим. Албатта, ривожланишнинг бу босқичида бола мияси ўзига ҳамма нарсани ютиб оладиган машинага ўхшайди, у ҳали маълумотни танлаб олиш ва тушуниш ҳолатида бўлмайди. Маълумотларни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиб, хотира-сида сақлаб боради.

Аммо тез орада бола ўзи мустақил равишда қарорларни қабул қилишни бошлайди, яъни вужудга келган техник таъминотдан қандай фойдаланилади деган вазифани бажарувчи мия ҳужайралари ишга тушади. Бу тахминан уч ёшларда содир бўлади. Худди шу даврда

«Болани нима билан қизиқтириш керак?» деган масала күндаланг қўйилади. Гўдак ўзига қизиқ бўлган маълумотларни тинимсиз ёд олади. Бошқа қобилияtlар ҳам ривожлана бошлайди: ўзи бирор нарсани ясашни, қилишни хоҳлаб қолади; бу ҳаракатлар ақлий қобилият ва хулқ-автор ривожланишида жуда муҳимдир.

Сиз ўз фарзандларингизга, улар ўқилган матндаги маълумотни тушунишмаса ҳам, ҳикоялар ва эртаклар ўқиб берасиз. Фарзандингиз кўп маротаба уларни эшитади ва эслаб қолади. Бордию эътиборсиз ўқисангиз, у дарҳол хатоларни англайди. Гўдак ҳикоя ва эртакларни аниқ ёдлаб олади, аммо бу аниқлик тушунишга эмас, шаклий хотираға асосланади.

Сўнг болага қайсиdir ҳикоя қизиқ бўлиб қолади ва уни ўзи ўқишни истайди. Алифбони билмаса ҳам, эшитган ҳикоясини китобдаги расмларга солиштиради ва ўқий олмайдиган ҳарфларни ҳам «ўқий» бошлайди. Айнан шу вақтда бола турли ҳарфларнинг маъносини қатъият билан сўрайди. Турли нарсаларни

қайсарлик билан сўраши болада унга қизиқиши уйғонганини кўрсатади.

Дўстимнинг ота-онаси боланинг бу давридан моҳирона фойдаланган. Улар фарзандига иероглифларни ўргатиб, ўқишига қизиқишини уйғотган. Боланинг ҳарфлардан кўра иероглифларни эслаб қолиши осон кечади. Лекин сўнгги пайтларда чиқаётган расмли китобларнинг барчаси ҳарфлардан иборат. Шунинг учун улар фарзандига эски китоблар сотиладиган дўконидан эски, ўқилиши ҳам ёзилган иероглифли болалар эртак китобини сотиб олиб, у билан биргаликда китобга қараб ўқишиган, кейин болага қайтариб айттиришган. Бола китобни мустақил ўзи ўқиб, эртакни ҳикоя қилиб берадиган бўлганида биринчи бўлиб иероглифларга қизиқиши уйғонган. Шундан сўнг ота-она болага ҳарфларни ҳеч қандай қийинчиликсиз бирма-бир ўргатгандар. Отаси ўқиётган газетадан бола ўзи ёдлаб олган иероглифларни таниб қолганида уйида шовқин солган ҳолатларга ҳам қарамай, секинаста газетага ҳам қизиқиши уйғонган. Бунинг натижасида мактабга чиққунига қадар газетани деярли ўқий оладиган бўлган.

Уч ёшгача бўлган болалар учун ўзларини қизиқтирган нарсаларини ёдлаб олиш қи-йинчилик туғдирмайди. Асосийси, боланинг қизиқишлигини қондиришда вақтингиз ва қувватингизни етарлича сарфлай олсангиз кифоя.

Кўникмалар болаликда ўзлаштирилмаса, кейин уларни эгаллашнинг имкони йўқ,

Мен аксарият ҳолларда хизмат юзасидан инглиз тилида гапираман. Аммо мени тўғри талафуз ва интонациядаги хатоларим доим ташвишлантиради. Мени тинглаётган одам, инглиз тилини японча талафузда сўзласам ҳам, тушунади. Аммо баъзида сухбатдошнинг чехрасида таажжуб пайдо бўлади ва у мендан бирор сўзни қайта такрорлашимни сўрайди. Шунда тушунишлари учун мен ўша сўзни ҳарфма-ҳарф қайтараман.

Бир ёшу икки ойлик бўлган қўшни бола эса инглизча сўзларни жуда тўғри талафуз қиласи. Кўпинча японлар учун р ва л товушларини талафуз қилиш қийин, аммо бу

бала учун ундей эмас. Эҳтимол, бунинг сабаби мен инглиз тилини ўрта мактабда, бала эса япон тили билан биргаликда ўрганишни бошлаганидадир. Иккинчи тил билан танишуви маълумотларни инглиз тилида тинглаш, кейин эса бир америкалик аёл билан шу тилда сўзлашиш орқали юз берди ва бегона тилни ўз она тили билан бир вақтда ўрганди.

Бу қиёслаш шуни кўрсатадики, мияда она тили рамзи шаклланса, бошқа рамзларни қабул қилиш қийин кечади. Аммо мен аввал тушунтирганимдек, уч ёшгача бала мияси нафақат ўз она тилини ўрганиш тизимини, балки истаган бошқа тилни англаш қобилиятига эга. Бу жараён биргаликда кечиши мумкин. Шунинг учун бу ёшда болалар қийинчиликсиз исталган тилда ўз она тилида сўзлашгандек гаплаша олади. Бу даврни ўтказиб юборсангиз, болага ёшликда осонлик билан ўргатиш мумкин бўлган нарса кейин анча мушкул бўлади.

Шундай қилиб, чет тилидан ташқари бала бу даврда кеч бўлмасидан аввал ўрганиши керак бўлган яна кўпгина кўникмалар бор. Масалан, мусиқий оҳангларни англаш, жисмоний қо-

билиятлар (ҳаракатлар мувофиқлиги ва мувозанат сақлаш) айнан шу ёшда шаклланади. Расм чизишга мойиллик ҳиссини ҳам мана шу даврда шакллантириш керак деб айтилади.

Ҳар йили ёзги таътил бошланганидаёқ турли давлатлардан чет эллик оиласалар ўз фарзандларини доктор Сузукининг скрипка чалиш дарсига олиб келадилар. Албатта, бошланишида ҳамма ҳам япон тилида мулотқотга киришиб кетавермайди. Биринчи бўлиб энг кичик ёшдаги болалар япон тилида гапира бошлайдилар. Кейин бошланғич ва ўрта таълим мактабига борадиган болалар ва энг охири уларнинг ота-оналари тилни ўзлаштирадилар. Бир ой ўтиб болалар япон тилида жуда равон гапира бошлашади, ота-оналари эса қаерга борса ҳам, болаларига таржимон сифатида суюниб, ўзлари эса «конничива»дан бошқасини айта олмай юртларига қайтиб кетадилар.

Эшитиш қобилияти бузилган болада ҳам эшитишни ривожлантириш мумкин

Шу пайтгача мен соғлом боланинг яширин имкониятларини ва уларни ривожлантиришда эрта таълимнинг аҳамиятини муҳокама қилдим. Бироқ, афсуски, дунёда жисмоний нуқсонга эга болалар кам эмас. Жумладан, полиомиелит билан касалланган, ақлий заиф, кар ва соқов бўлган bemорлар. Эрта ривожланиш уларни четлаб ўтмаслиги керак. Аксинча, bemор болаларнинг оғир шароити боис уларнинг нуқсонларини барвақт аниқлаш ва эрта ривожланиш техникаси ёрдамида бу нуқсонларни имкон қадар бартараф этиш зарур.

Яқинда газетада ўқиган бир ҳикоямни айтиб бермоқчиман: кар бўлиб туғилган бир бола ўз ота-онасининг улкан машаққатлари

туфаили сұхбатда бемалол иштирок эта олди. Ацуто жуда соғлом туғилди, ҳозир у олти ёшда. Бир ёшида ота-онаси ундаги ортда қолиш ҳолатини сезишиади. «Боланинг эшитиш қобилияти яхшими, йўқми?» деган гумонга боришка-да, «Балки, у ҳам кеч гапирадиган болалар тоифасидандир?» – дея ортиқча қайтurmайдилар. Аммо Ацуто бир ярим ёшда ҳам гапирмагач, уни шифокор кўригига олиб боришиади.


Ота-она эшитиш қобилиятида нуқсонлари бор гўдакларни даволаш ва ўқитиш бўйича мутахассис доктор Мацузавадан ёрдам сўраб мурожаат қилишиади. У ишни болага ўз исми ни эшитишни ўргатишдан бошлади. Сўнг бола бошқа сўзларни ўргана бошлади. Аста-секин шифокор сўзларни маънолари билан боғлашни ўргатишга киришди ва шу орқали эшитишдан қолган изларни ривожлантириди. Шифокор Мацуава фикрича, болани ҳақиқатан ҳам эшитишга «ўргатиш» мумкин.

Унинг ёзишича: «Фақатгина она ўз боласида бирор нуқсон борлигини тезда аниқлаши мумкин. Янги туғилган чақалоқ бир ҳафтадан сўнг қаттиқ товуш ёки шовқинга жавоб бераб-

ди. Бир неча ойдан сўнг чақалоқ ўз онасининг товушини, тўрт ойдан сўнг эса ўз исмини танийди. Агар бола бир ёшга яқинлашгунга қадар қаттиқ шовқин ёки ўз исмига жавоб қайтармаса, унинг эшитишида бирор нуқсон бор деб тахмин қилиш мумкин. Тахминан уч ёшга келиб бола катталарнинг кундалик ҳаётда ишлатадиган кўпгина сўзларини билиб олади. Шунинг учун дастлабки йиллар эшитишда нуқсони бор болаларга турли сўзларни ўргатиш учун энг қулай фурсатдир.

Авваламбор, бола эшитмайди деб уни товушлардан сақлаш (изоляциялаш) керак эмас. Умуман эшитмайдиган бола ҳеч нарсани «эшита олмайди» деган фикр нотўғри. Агар бола доимий равишда товушларни тингласа, унда эшитиш қобилияти тикланади». Демак, бола жиддий эшитиш нуқсонлари билан туғилган бўлса-да, ота-онанинг саъиҳаракатлари ва таълими билан боланинг эшитиш қобилиятини ривожлантириш мумкин.

$$\frac{xy}{x} = \frac{x+y}{x}$$



Иккинчи қисм

**Эрта
тажрибанинг
таъсири**

Мұхими, таълим ва ташқи мұхит, генлар әмас

Аввалги бобда гүдакнинг ухлаб ётган қобилиятлари ҳақида гапирған әдим. Навни-холдан дараҳт ўсадими ёки ғунчадай гүзал гул - бу сизнинг унга қандай шарт-шароит яратишингиз ва қарамоғингиздаги гүдакка қандай эътибор кўрсатишингизга боғлиқ. Менинг фикримча, бола ривожланишида таълим ва мұхит ирсий хуసусиятларга нисбатан кўпроқ аҳамият касб этади.

Японияда туғилганидан бошлиб ҳар хил оиласында вояга етган эгизаклар билан бир қатор тадқиқотлар ўтказилди. Натижалар шуни кўрсатдиги, эгизаклар онадан бир хил генни олган бўлса ҳам, турли шароитда ва ҳар хил одамлар томонидан тарбия қилинса, бир-бирларидан хулқ-атвор ва қобилият жиҳатидан фарқланади.

Энг муҳим масала таълим ва муҳит боланинг яширин қобилиятларини жадаллик билан ривожлантира олишида. Жавоб тариқасида олимлар томонидан турли шароит ва усуллар орқали ўтказилган ҳар хил тадқиқот натижалари олинди. Бундан ташқари, мактаб таълимидан қониқмаган ота-оналар фарзандларини ўзлари ўқитишлари борасида кўпгина далиллар мавжуд. Шунингдек, кучук ва маймунлар билан ўтказилган тадқиқот натижалари ҳам бор. Энди мен ўтказилган бу тадқиқотларнинг баъзиларини муҳокама қилмоқчиман.

Олим отанинг фарзанди ҳамиша олим бўлавермайди

Мен кўпгина оналарнинг: «Ўғлимда отасига ўхшаб мусиқа оҳангларини ажратиш қобилияти умуман йўқ» ёки «Турмуш ўртоғим ёзувчи, шунинг учун фарзандимиз яхши иншо ёзади», – деганларини эшитаман. Албатта, бир мақолда айтилганидек, «Олма дарахтининг тагига олма тушади» ёки, Японияда айтишганидек, «Пиёздан атиргул ўсиб чиқмайди».

Бироқ олим одамнинг боласи олим, со-
занданинг боласи созанда бўлганига ҳам ми-
соллар кўп. Аммо бундай ҳолатлар ҳам бо-
лалардаги юксак қобилиятлар генлар орқали
ўтганини англатмайди. Эҳтимол, улар туғили-
шидан бошлаб оталари қасбини давом этти-
риши зарурлиги уқтирилиб тарбия қилинган-
дир. Ота-оналар томонидан яратилган ташқи

муҳит боланинг муҳитига айланади. Бу муҳит болада қизиқиши уйғотиб, ота касбига доир бўлган қобилиятларни ривожлантиради.

Агар қобилиятлар ривожланишида ирсий хусусият ҳал қилувчи омил бўлганида, болалар наслдан наслга ўз оталари касбини мерос қилиб олган бўлар әдилар. Аммо ҳаёт анча қизиқарлирок, олимнинг ўғли скрипкачи, шифокорнинг ўғли ёзувчи бўлган ҳолатлар кам эмас.

Доктор Сузукининг севимли шогирдларидан бўлган Берлин радио-оркестр концертмейстери жаноб Тоётакожи ва Америка Оклахома симфонияси концертмейстери жаноб Кобаяши ёшлигида яратилган мусиқавий муҳит сабабли ҳозирги кунда машҳур скрипкачига айланганлар.

Атрофингизда яшаётган одамларга назар солсангиз, истеъдодли ота-оналарнинг фарзанди доим ҳам улардек қобилияти бўлмаслигини кўришингиз мумкин. Жамиятда бундай болалар «ноқобил фарзанд» дейилади. Бунга сабаб боланинг ёмон бўлганлиги эмас, болалигидаги муҳит уни шундай ноқобил фарзанд қилиб қўйганидир. Аксинча, ишёқ-

мас ва ароқхұр отадан туғилган бола ажойиб муҳандис ёки рассом бүлиши мумкин. «Қора калхатдан лочин туғилди» дейилганидек, инсон қобилияти туғма, орттирилган бұлмайди, уни вояга етказған мұхит яратади. Аслида, қора калхатдан лочин туғилған әмас, қора калхатта лочин бүлиб етишадиган мұхит яратылған.

Айнан ташқи мұхит таъсири ва ҳаёт таж-рибаси натижасида туғилганида бир хил бүлған болалар турлы қобилият ва феъл-ат-вор билан улғаядилар.

Бошқача қилиб айтганда, ота-онанинг касби ва қобилиятлари фарзанднинг қобилиятлари ва феъл-атвори шаклланишига бевосита таъсир күрсатмайди. Фақат, айтиш мумкинки, шифокорнинг ўғли шифокор бүлишига сабаб бола дорилар ҳиди, оқ кийимдаги одамлар ва беморлар бор мұхитда тарбия топишидадир.

**Инсон боласи
бўлса ҳам,
ҳайвонлар орасида
тарбияланса...**

Итнинг боласи ит, бўрининг боласи бўри бўлганидек, одам боласи ҳам одам бўлиши аниқ ва равшан. Лекин муҳит таъсири сабабли бу аниқликка мос келмайдиган бир ҳаётий мисол келтирайлик. Бу ёш опа-сингил бўрилар – Амала ва Камала воқеасидир. Бу ҳақда муқаддимада ҳам бироз тўхталиб ўтганман. 1920 йил октябр ойида Хиндистоннинг Калькутта шахри жануби-ғарбидан таҳминан бир юз ўн километр узоқликдаги ўрмонда, бўри ғорида инсон қиёфасидаги иккита ҳайвон борлиги тўғрисида миш-мишлар тарқалди. Миссионер сифатида келган эрхотин руҳонийлар буни эшитиб, ғорни тадқиқ

қилдилар ва унинг ичидан иккита ҳайвонни топдилар. Улар, шубҳасиз, инсон болалари эди. Ёшлари тахминан саккиз ва бир ярим ёшда эди. Ҳайвон эмас, инсон бўлган опа-сингилларга Камала ва Амала деб исм қўйилиб, Миднапур ўз қарамоғига олиб, инсоний таълим бера бошлайди. Эр-хотин чексиз муҳаббат ва сабр билан опа-сингилларга инсоний фазилатларни сингдиришга ҳар қанча уринишмасин, гўдаклигига бўрилар тарбиясини олган опа-сингиллар аввалбошда бўриларга хос хатти-ҳаракатлардан воз кеча олмадилар. Уй ичида тўрт оёқлаб юриб, одам қўлинин чўзса, сакраб келар эдилар. Кун ўртасида қоронғи хонага кириб, бўри каби овоз чиқариб увиллар, деворга юзланиб букилиб ётар, кеч тушиши билан ғамгин увлай бошлар эдилар. Овқатланганда ҳам айниганд гўшт, тирик жўжаларни ер эдилар.

Шунда ҳам эр-хотин сабр-тоқат билан кутишди. Икки ой ўтгач Амаланинг «буу» деб тили чиқа бошлади. Аммо бир йил ўтиб у вафот етди. Опаси Камала эса уч йил ўтиб, ниҳоят, одамлар каби қаддини тутиб, икки оёқда

юра бошлади. Лекин тескари ҳаракат қила-ётганида тўрт оёқлаб юриш одатини ташлай олмади. Инсонлар орасига қайтганидан сўнг тўққиз йил ичидаги ўрганган қирқ бешта сўздан бошқасини гапира олмади. Ўн етти ёшида ва-фотига қадар ақли уч ярим ёш даражасида қотиб қолди.

Шунга ўхшаш яна бир воқеа бор. Бу – Африканинг Мозамбик Республикаси чангальзоридаги ҳодисадир. Бир куни ёшгина аёлнинг янги туғилган чақалоги йўқолиб қолади. Шундан бир неча ой ўтиб гамадриллар¹ орасида гамадрил кўкрагига ёпишиб олган одам боласи топилди. Гамадрилдан болани қайтариб олишга ҳар қанча уринмасинлар, уни тортиб ололмадилар ва охири таслим бўлдилар. Шундан сўнг ўн тўққиз йил бола одамлар орасига қайтмай, гамадриллар билан ўн тўққиз йил яшади ва бошқа гамадриллар билан тўда бошлиғи мавқеи учун курашиб, гамадриллар хўжайининг айланди. Кейин у ўзига дарахт тепасида ухлайдиган жой қурди.

¹ Гамадрил – иирик маймунларнинг бир тури.

Панжарали кичик уйчада мукаммал қайта таълим олишни бошлаган гамадрил бола, ниҳоят, нарсаларни қўлда еб, икки оёқлаб юрадиган бўлди.

«Ҳали эрта» дейишимиз боланинг ўсишига халақит беради

Биз фарзандларимиз ўсишидаги майда-чуйда ўзгаришларни түлиқ англай олмаймиз, чунки уларни ҳар куни кўрамиз. Улар эса биз ўйлаганимиздан тезроқ ривожланадилар. Профессор, ривожланиш психологияси бўйича дунёга машҳур швейцариялик мутахассис Жан Пиаже уч фарзандининг ривожланишини кузатиб, ўсиш босқичлари назариясини яратди. Унинг китобларини қанча кўп мутолаа қилсам, ривожланишнинг ҳар бир босқичида тўғри таълим ва муҳитнинг аҳамиятини чуқурроқ ҳис етаман.

Пиаже кузатувларига кўра, янги туғилган чақалоқ оғзига тушган нарсани сўради, аммо туғилганидан 20 кун ўтиб факат сутни ичади ва уни қатъият билан талаб қиласди.

Уч ойдан сўнг гўдакда бирор нарсага, масалан, ётоқ тепасида осилиб турган ўйин-чоққа етишиш ва ушлаш истаги ривожлана-ди, чақалоқ буни катта иштиёқ билан қиласди. Бир ярим ёшда эса қўли етмаган нарсани таёқ билан олиш мумкинлигини фаҳмлайди. Икки ёшдан сўнг сўзларнинг мавҳум маънолари-ни ўзича анлаган ҳолатда боғлашга интила-ди. Масалан, «эркак» сўзини фақат ўз отаси билан ёки «ёмғир» сўзини кўчадаги сув сепа-диган машина билан боғлайди.

Бундан ташқари, болалар тўрт ёшлар ат-рофида бўлганида катта стаканга ярим қилиб қўйилган шарбатдан кўра, бир хил ҳажмда бўлса ҳам, кичкина стаканга тўла қўйилга-ни кўпроқ деб ишонадилар. Ёки «Крекр» печеньеси майдаланса, сони кўпаяди деб ўйлайдилар. Асосийси, бола шу каби майда жиҳатларга эътибор бера бошлайди.

Бола ҳам жисмонан, ҳам ақлан жуда тез ривожланади. Шунинг учун ҳар бир босқичда унинг ривожланишини тўғри рағбатланти-риш керак.

Бунга эришиш учун ота-она болага нима ва қачон кераклигини, нимага қизиқаётганини

диқкат билан кузатиши лозим. Чунки болага энг яқин инсонлар ота-онадир. Хорижий тилни ўрганиш учун вақтни түғри танлаш муҳим саналади. Чунки ҳар бир эрта ривожланиш босқичининг ўз вақти-соати бор.

Масалан, бола юришни бошлаганидан сўнг уни роликли конькида учишга ўргатиш ўта мушкул, аммо энди юришни бошлаганида конькида учишга ўргатиш осон кечади ва бир неча ой ўтгач ундан ҳатто ажойиб фигурачи чиқиши мумкин.

Америкалик психолог Макгроу әгизаклар билан тажриба ўтказди. Уларнинг бири 11 ойлик, иккинчиси 22 ойлик бўлганида конькида учишни ўргатди. Натижалар турлича бўлди: эртароқ ўргатилган бола анча яхшироқ натижага эришди.

Шу кунгача ҳам биз: «Болаларга у ёки бу кўникмаларни ўргатиш эрта», – деб уларнинг ҳаётини қийинлаштириб, «энг яхши даври»ни ўтказиб юбормоқдамиз.

«Бир қошиқ қатрон бир хум асалга татийди» – бу нақл болаларга ҳам тегишли

Мен нимани назарда тутганимни тушунтириш учун сизларга корхонанинг ёш ишчи-сидан эшитган бир воқеани айтиб бераман. Бир ёш йигитни ишлаш учун хорижга жўна-тишди, унинг аёли янги туғилган қизчаси билан ўз ота-онаси уйида яшаш учун Тохокуга кетди. Буви ва бува ўз неварасини жуда яхши кўришар, у билан кўп ўйнашар ва сухбатлашишар эди. Бир йилдан сўнг йигит қайтиб келди ва ёш оила яна Токиода яшай бошлади. У пайт гапиришни билиши учун қизчанинг ёши жуда кичик эди. Аммо гапиришни бошлаганида ота-онаси бу ҳолатдан ҳайратга тушдилар: уларнинг қизи барча сўзларни То-хоку шевасида талаффуз қиласиди. Бу жуда

ғалати ҳолат әди, чунки оила аъзоларининг барчаси умумқабул қилинган япон тилида, фақатгина қизча шевада гаплашар әди.

Ҳаттоки бир неча йил ўтиб қизча мактабга борганида ҳам Тохоку шевасидан қутула олмаган әди.

Бола гапиришни бошлишидан аввал бу шева унинг мия йўллари бўйлаб тарқалган әди. Мияда излар ҳосил бўлганидан сўнг янгила-рини ҳосил қилиш учун эски изларни ўчириш жуда мушкул.

Эрта ёшда «бир қошиқ қатрон бир хум асалга татийди» деган нақлнинг маъноси шундаки, бу даврда болага қилинган таъсир бутун умр ўчмас из қолдиради. Аниқки, бу таъсир фойдали бўлиши борасида ота-она қайғурмоғи зарур.

Қизиқарли буюмлар бүлмаган бүш хона бола учун заарали

Бутунлай ташқи товушдан иҳота (изоляция) қилинган оппоқ шифт ва деворлари бүлган бүм-бүш хонани тасаввур қилинг. Баъзи оналар ўйлайдики, бу янги туғилган чақалоқ учун мукаммал шарт-шароитдир. Ҳақиқатда эса ҳеч қандай жиҳозларсиз бу хона унга нафақат бефойда, балки заарли ҳамдир.

Америкалик профессор Брунернинг тадқиқотлари натижаларига кўра, ёш бола жойлашган муҳитнинг, яъни ташқи таъсирнинг даражаси унинг онги ривожланишида сезиларли аҳамият касб этади. У ўз тадқиқотларини қўйидаги далиллар билан исботлади. Аввал янги туғилган чақалоқларни икки гурухга ажратди, биринчи гурухни би-

пор жиҳоз бўлмаган хонага, иккинчи гурӯҳни ранг-баранг гулқоғозли, рангли шифт, хилма-хил кўрпалари бор, ойнадан шифокор ва ҳамширалар ишлаётгани кўриниб турадиган хонага жойлаштириди. Бу ерда ҳатто мусиқа ҳам ижро этиларди.

Икки гурӯҳ ҳам бир неча ой мобайнида турли шароитда тарбия қилинди, сўнгра ақлий ривожланишни аниқлаш тестлари ўтказилди. Ҳар бир болага ялтироқ нарса кўрсатилди ва унга етишиш учун кетган вақт орқали унинг ривожланиш даражаси аниқланди. Натижалар аниқ фарқларни кўрсатди: бўш ва қуп-куруқ хонада бўлган болаларнинг ақлий қобилияти хона жиҳозлари кўп хонадаги болаларга нисбатан уч ой орқада қолаётган эди.

Ушбу босқичдаги уч ойлик қолоқлик жуда аҳамиятлидир. Чунки боланинг туғилишидан уч ёшгача бўлган ақлий ривожланиши тўрт ёшдан ўн етти ёшгача бўлган даврига мос келади. Олимлар: «Бу қолоқликни тўғри тарбия берилса жуда тез енгиш мумкин», – дейдилар, бироқ бу болага нисбатан босим ва катта ҳаракатни талаб этади.

Шу каби тадқиқотлар фақатгина профессор Брунер томонидан әмас, балки бошқа күпгина психологлар томонидан ҳам үтказилған. Натижалар ташқи таъсирнинг мавжуд ёки йўқлиги қобилияtlар ривожланишига жиддий таъсир этишини кўрсатди.

Ақлий ривожланишга таъсир этувчи кўпгина хусусият турлари (стимуллар) ҳам ба-тафсил үрганилди ва синовдан үтказилди. Булар: тебранадиган беланчак, чизма учун чўткалар, ёрқин бурмалар, ёнадиган коптокчалар, рангли қоғозлар ва бошқалар.

Гарвард университети психологи, эрта ривожланиш соҳасида тадқиқотлар үтказувчи мутахассис, профессор Уайтнинг тасдиқлашича, чақалоқ туғилишидан унинг ўсиши учун турли шарт-шароитлар яратилиши ақлий қобилият ривожланишига сезиларли таъсир этади.

Болага кутилмаган нарсалар таъсир қилади

XIX асрнинг буюк математикларидан бири Карл Фридрих Гаусс саккиз ёшидаёқ арифметик қаторлар йигиндиси формуласини топган.

Гаусснинг отаси олим бўлмаган. У оддий ғишт терувчи уста бўлган, деворлар, дарвозалар, ўчоқларни тузатган ва ўғлини кўпинча ишга олиб борган. Гаусс отасига ғиштларни бериб турган ва уларни санаган. Эҳтимол, Гаусснинг математик қобилияти кичиклигида, шундай кўникмалар таъсирида шакллангандир.

Мен буни ҳайрон қоларли ҳолат деб ўйламайман. Бундай дейишимга сабаб бундан олдин Ҳонда техник тадқиқот институти асосчиси Юҳонда Соуичиродан эшитган

воқеамдир. Ундан: «Сиз нима учун мотоциклларни яхши кўриб қолгансиз?» - деб сўраганимда бирмунча вақт ўйланиб, шундай жавоб қилди: «Қадимда электр қувватли моторлар бўлмаган. Шунинг учун гуручга ишлов беришда ёғ моторидан фойдаланишган. Мен ҳали кичик бўлган пайтимда уйимиз яқинида гуруч тегирмони бўлиб, у ердан чиқаётган мотор овози қизиқ туюларди ва бобомга эргашиб атайлаб уни кўргани борар эдим. Мени олиб бормаган пайтларида кайфиятим ёмонлашиб, қўшнимизницида овоз чиқариб, йиғлар эдим. Шу сабабли бобом ноилож мени ҳар куни олиб борарди. Ўша пайтларда моторнинг шовқинли овози мен учун алла қўшиғидек туюлиб, ёғ чиқарадиган нохуш ҳидли бу мотор ниҳоятда севимли қадрдонимга айланди. Шу сабаб менда мотоциклларга муҳаббат уйғонган бўлса керак».

Гўдаклик – инсон ҳаётидаги энг таъсирчан даврdir. Ота-она учун аҳамиятсиз ва маъносиз туюлган нарсани бола ҳиссиёт ва куч билан қабул қилиши эҳтимоли борки, бу тажриба унинг келажакдаги фаолияти асоси бўлиши мумкин.

**Бола китобдаги расмларга
қараб катта одам
ўқийдиган ҳикоядан
бутунлай бошқа
ҳикояни ўқиши мумкин**

Болалар ва катталар орасида идрок қилиш ва сезишдаги фарқ улар бирга расмли ҳикоялар ва эртакларни ўқишини бошлаганларида сезилади. Монтессори хоним – болалар эрта таълимининг каашофи бўлган буюк италиялик аёл. У ўз китобида ёш боланинг хатти-ҳаракатини мисол сифатида келтиради. Она ўзининг бир ярим ёшли боласига ҳар хил ҳайвонлар ва ов саҳнасининг рангли расмларини берди. Бола Монтессори хонимнинг расмларини кўрсатиб, ўзининг ёш бола тилида «машина, машина» деб такрорлади. У эса машинага ўхшаган бирор нарсани топа

олмагач, савол оқангида: «Бу ерда машина йүкми?» – деди. Гүдак эса фахр билан: «Мана у», – дея бармоғи билан расмни күрсатди. Шунда у расмга диққат билан қаради. Расмда кучук, овчи, от ва орқада йўлга ўхшаган чизик ва унда бир нуқтани топди. Бола ўша нуқтани күрсатди ва: «Машина», – деди. Ҳақиқатан ҳам, у митти машина эди.

Мадам Монтессори яна бир мисол келтиради. Она бир ярим ёшлиқ ўғлига расмли «Самбо» китобини бериб, эртакни айтиб берди.

«Самбо исмли қора танли бола тугилган кунига берилган совғаларни олиб йўл ёқалаб кетаётган эди. Йўлда у ёввойи ҳайвонларга дуч келиб қолди ва уларга барча совғаларини олдириб қўйди. У йиғлаб юборди ва уйига кетди. Аммо уйда отаси ва онаси уни тинчлантиришди. У хурсанд бўлиб, катта байрам пироги турган стол ёнига келиб ўтирди, худди шу охирги расмдаги каби», – деб эртакни тугатди онаси ва китобни ёпди. Кичкинтой ўғли: «Йўқ, у йиғлаяпти», – деб эътиroz билдирид ва орқа муқовани күрсатди. Самбо у ерда йиғлаган ҳолатда тасвиirlанган эди.

Шунга ўхшаш ҳолатни мен ёзувчи Соно Аяконинг қисқа ҳикоясида ўқиган эдим. У отасининг иши Шимолий Европага кўчирилиб, у ерда оилавий яшай бошлаган жуда ёш бир боланинг ҳикояси эди. Боланинг дўсти ҳам йўқ, у ёлғиз қолиб, ҳар куни китоб ўқир эди. Бу тоғ расми бўлган китоб эди. Унда бола тез орада номаълум сабабга кўра телба бўлиб қолади. Кейин бу расмли китобнинг охирги вараги йўқолиб қолиб, эртак ғайриоддий шаклда тугаб қолганини тушундим.

Ёш боланинг идрок қилиши ўз-ўзидан пайдо бўлади ва у кўпинча катталарга ўзбoshimchалик бўлиб кўринади. Шунинг учун биз болалар билан мулокот қилаётганда тахминий фикрлардан воз кечиб, холис фикр юритишимиз ва ўз тасаввуримизни ишга солиб дунёга болалар каби қарашимиз керак.

Болани нотаниш одам қарамоғида қолдириш хатарли

Бир яхши, ростгүй ота-онанинг беш ва тўрт ёшдаги икки ўғли бор эди. Богчада кичигини ҳамма тўтрилиги ва хушчақчақлиги учун яхши кўрар, катта ўғлини эса ёқтиришмас, чунки у хўмрайган ва ёмон одатлардан мустасно эмас эди. Ота-она бундан ташвишланишар ва сабабини тушунишмасди.

Охир-оқибат тушкунликка тушиб, шифокорга мурожаат қилишди. Узоқ суҳбатлардан сўнг аниқландики, катта ўгил бир ёш бўлганида олти ой мобайнида уни ёш энага бокқан. Чунки онаси иккинчи фарзандини туққанидан сўнг ўзини жуда ёмон ҳис қилган.

Шифокорнинг тахмин қилишича, боланинг ҳозирги ҳолати гўдакликдаги таассуротлари билан боғлиқ бўлиб, эҳтимол, аввалроқ бошдан кечирган ҳодисалари сабаблидир. У энага ва ўз ўғлининг болалиги ҳақида гапириб бериши мумкин бўлган бошқа одамлар билан учрашди. Аникландини, энага (ёш қиз) бола билан сайр қилиш ўрнига йигити билан эски, қоронғи отхонада учрашган ва бола ҳам ўша учрашувларга гувоҳ бўлган. Бу ҳолат ҳар куни тахминан икки соат давом этган. Албатта, бир яшар бола энага билан йигит нима қилаётганини тушунмаган, аммо у бир ўзи қолиб, қоронғи бурчакдан келаётган шивир-шивирларни эшитган, бу товуш унинг қалбини ишончсизлик ва қўрқув ҳисси билан тўлдирган. Қизнинг хавотирли хулқ-атвони ва айбдорлик ҳисси ҳам унинг онгида из қолдирган.

Шифокор холосасига кўра, боланинг айнан ушбу гўдакликдаги таассуротлари уни ғамгин ва жizzаки қилган. Табиийки, ҳаётий шарт-шароитлар ота-онани ўз фарзандини бошқа одамлар қарамоғида қолдиришга

мажбур этади. Аммо, умид қиласанки, бу ҳодиса фарзандингизни кимнингдир қарамоғига ишониб қолдиришда эҳтиёткорлик билан ёндашишингиз зарур эканлигига ишонтирди.

Гўдакликдаги таассуротлар боланинг келажакдаги фикрлаш ва ҳаракатланиш тарзини белгилайди

Агар сиздан гўдакликдаги бирор ҳодисани айтиб бериш сўралса, деярли ҳеч нарсанни эслай олмаслигинги тушунасиз, фаттгина истисно сифатида бирор-бир ғайриоддий ҳодисани эслашингиз мумкин, холос. Икки-уч ёшингиздаги бирор ҳодисани хотирага келтирсангиз ҳам, уни ўз шахсий тажрибангиздан эмас, балки онангиз ва бошқа катталарнинг ҳикоялари орқали эслаб колгансиз.

Бироқ инсон болалигидан бошидан кечирган барча нарсанни эслай олмаслиги уни бутунлай унутишини англатмайди. Уч ёшгача олинган бирор-бир таассурот ёки тажриба

шаклланган шахс асосининг бир қисми ҳи-
собланади.

Айтишларича, гипнозда исталган шахс, агар у бир ёш эканлигига ишонтирилса, бир ёшидаги ҳаракатларини қилади ва бир ёшида айтган сўзларини қайтаради. Бунинг маъноси шуки, ёшлиқдаги ҳар бир таассурот онгда доимо сақланиб қолади.

Таъкидлашларича, инсон оғир ҳолатга олиб келинса, у тўсатдан ёшлиқдаги ҳолатларни эслай бошлайди.

Машҳур сиёсий арбоб Кукуей Манака: «Уруш вақтида госпиталда ўлим билан олишиб ётганимда ёшлиқдаги хотиралар тўсатдан кўз олдимга келди, – дея ҳикоя қилади. – Онам мени ибодатхонага олиб борганини, дарвоза ёнида турган роҳибни, унинг юзини, кийимини, сўзлашишини барча тафсилотлари билан эсладим». Сўнг у бу «хаёл» ҳақида онасига айтиб берган. Буни қарангки, ҳақиқатан ҳам, икки ёшлигида шундай воқеа содир бўлган экан.

Никко тадқиқот маркази президенти жаноб Мориацу Минато Хитойда туғилган ва у ерда ёшлигини ўтказган. Оиласи Японияга

күчгач, у хитой тилида бошқа гаплашмаган ва: «Тилни унуганман», – деб ўйлаган. Кўп йиллардан сўнг у Хитойга хизмат сафари билан боради. Мориацу Минато бирор нарса айтишга ҳаракат қилганида кутилмагандаги хитой сўзлари хаёлига тинимсиз кела бошлайди. Нутқи мутлақо одатий бўлиб, шу қадар эркин сўзлашадики, бу ҳолат ўзини ва хитойлик ҳамкасларини ҳайрон қолдиради. Бу ёшлиқдаги тажриба мияда муҳрланиб қолишини яна бир бор тасдиқлайди.

Бошидан мустаҳкам асос (фундамент) қўйилмасдан мустаҳкам иморат қуришга ҳаракат қилиш беҳуда кетади: бу бино ташқаридан чиройли кўринса-да, барибир, кучли шамол ёки зилзила таъсирида нурайди, қулайди.

Эрта ривожланиш ҳам шундай асосдир. Уни бошидан бақувват қилиш керак. Чунки бино тайёр бўлганидан сўнг унга асос (фундамент) қуришнинг имкони йўқ.



Учинчи қисм

Гўдак учун
нима фойдали?

Бола тарбиялашнинг андазаси йўқ

Шу пайтга қадар мен ташқи муҳитнинг боланинг келажак ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сўз юритдим. Кўпгина оилаларда, шу жумладан, япон хонадонларида ҳам айнан она болалар тарбияси учун масъулиятни ўз бўйнига олади. Аммо мен айтмоқчи бўлган масала ёш болалар тарбияси билан шугулланувчи ҳар бир инсонга тааллукли. Авваламбор, она, албатта, боланинг қайси ривожланиш босқичида эканлигини инобатга олган ҳолда бутун эътиборини ва ташаббускорлигини бола тарбиясига қаратиши керак. Мен очиқ-оидин таклиф қилаётган маслаҳатларни ҳар бир она тавсия деб билиб, боланинг феъл-авторига ва камолга етиш босқичига мос равишда танлаб, ўз қарорини чиқариши

ҳамда таклифларни ўз ихтиёрига кўра қабул этиш-этмасликлари мумкин.

Ҳар сафар болани яхши мусиқа ва расмлар билан таништиришни тавсия этганимда талабчан оналар «яхши» мусиқа ва «ҳақиқий» расм деганда нимани назарда тутишимни сўрайдилар. Бетховенми ёки Моцарт? Ван Гогми ёки Пикассо? Албатта, баъзида биз мутахассислар билан маслаҳатлашгандан сўнг аниқ тавсиялар берамиз.

Бироқ ота-оналар бизнинг тавсияларни боланинг хусусиятларидан келиб чиқиб мослаштиришлари, ўзгармас қоида сифатида қабул қиласликлари лозим. Японлар қоида сифатида тайёр андазаларни қидирадилар: улар ўзларини аниқ бир шароитда қандай тутиш кераклигини айтмагунча ишонч ҳосил қилмайдилар. Аммо тарбияда, айниқса, гўдакликдаги тарбияда тайёр формулалар бўлиши мумкин эмас. Агар она ўз боласи учун бирор нарса яхши деб ўйласа, ушбу нарсани гўдакка кечиктирмасдан бериши керак.

Тайёр формулаларни кутиш япон тарбиясининг жиддий камчилигидир. Масалан, агар бола тўрт ёшда бўлса, у боғчага боради, агар

олти ёш бўлса, мактабга қатнайди. Фақат болалар ёшига таяниб, умумқабул қилинган анъана асосидаги бу тизим боланинг шахсий ривожланиш босқичини четлаб ўтиши мумкин. Японияда таълим ҳар бир ёш учун белгиланган дастурга асосланган. Боғчада расмлар чизиш ва санаш, бошланғич мактаб биринчи синфида ҳарф, иккинчи синфида иероглиф ўргатилади деган фикрлаш тарзи ҳам белгиланган дастурлардан бири каби шаклланган. Эрта ривожланишда ҳам худди шундай аниқ кўрсатмалар берилмаса, уни ҳеч ким синаб кўришни истамайди. Менинг фикримча, бундай тайёр қоида ва меъёларга доим шубҳа билан қарамоқ зарур.

Болани күпроқ құлға олинглар

Гүдак йигласа, она уни құлига олиши билан ииғидан тұхтайди ва кулади. Кимга бу ҳолат нотаниш, ҳар бир ота-она буни юзлаб ма-ротаба кузатган.

Аммо донишманлар ҳар сафар бола бе-зовталангандагина уларни тинчлантириш учун құлига оладиган оналарни огохлантира-диларки, йифи орқали бола үз истакларига эришиш одатини орттириб олиши мумкин.

«Сиз уни құлингизга олмагунингизча тинчланмайды», – деб ота-онани құрқита-дилар. Аслида ҳам шундайми? Агар бунга үз фарзандини күр-күрона әркалатиш сифатида қаралса, мен буни қабул қиласман. Аммо айнан шундай тушунилишига қаршиман. Ишончим комилки, болани құлға имкон қадар күпроқ олиш керак.

Ўз эҳтиёжларини ифодалашнинг бошқача йўлини билмайдиган чақалоқ учун йиғи ўзига эътиборни қаратувчи ягона воситадир. Боланинг йиғиси – бирор нарса сўраётганидан далолат. Унинг илтимосини жавобсиз қолдириш – бу уни бошиданоқ мuloқотдан маҳрум этишдир.

Соғлом фикрлаш шуни кўрсатяптики, бола билан онанинг мuloқоти, айниқса, тана воситасидаги (тактил) мuloқот унинг ақлий қобилияти ривожланиши учун жуда муҳим.

Бир япон газетаси маймунлар билан ўтказилган қизиқ тажриба ҳақида хабар берди. Висконсин штати университетининг биринчи даражадаги тадқиқот маркази раҳбари доктор Гарри Харлоу янги туғилган маймун боласининг онасини сунъий она билан алмаштирида ва қайси бирини танлашини кузатди.

Биринчи қўғирчоқ симдан бўлиб, цилиндр шаклида ясалган, бошқаси матодан қилинган эди. Ҳар бир «она»да сутли ичимлик идиши бор эди. Айни пайтда, иккала «она» ҳам бир томондан иккинчи томонга тебрана оларди. Натижаларга кўра, маймун боласи иссиқ ва юмшоқ бўлган матоли «она»ни танлади

ва унинг ҳаракатларига жавоб берди. Доктор Харлоу ўз тадқиқотига: «Янги туғилган чақалоқ ҳам иссиқ, юмшоқ ва ҳаракат қилувчи нарсани излайди. Худди сут унинг жисмоний соғлиги учун муҳим саналганидек, онанинг ўз фарзандини кўлида меҳр билан кўтариши ҳам унинг ҳиссий ҳолати учун жуда аҳамиятлидир», – дея холоса ясади.

Мен болаларни тез-тез қўлга олишни қўллаб-қувватлайман. Чунки ҳар бир боланинг ота-она билан мулоқоти етарли даражада бўлишини истайман ва буни сезгир шахс шаклланишида муҳим омил деб ҳисоблайман.

Болани ўзингиз билан бир ўринга ётқизишдан қўрқманг

Болани қўлда кўтариб юриш одати сингари гўдак билан бирга ухлашга Японияда аввалги авлодлардан мерос бўлиб қолган номақбул одат сифатида қаралган. Албатта, бола фақат ота-онадан бири ёнида бўлсангина ухлаши улар учун қийин, аммо ҳеч қа-чон бундай шароитда ота-она ўзини йўқотиб қўйганини эшитмаганман. Аксинча, агар сиз боланинг руҳий ва ақлий ривожланиши ҳа-қида ўйласангиз, гўдак билан бирга ухлаш одатидан ҳам янгича маъно топишингиз мумкин.

Масалан, онанинг ишлари жуда кўпайиб, фарзанди билан сўзлашишга вақти етмаса, ҳеч бўлмаса, бола ухлагунича унинг ёнида

бирга ётиши мумкин. Бу қисқа вақт мобайнида гўдак тинч ва жуда сезгир бўлади. Шунинг учун бола ёнида шунчаки бирга ётиш ёки ундан олдин ухлаб қолиш ўрнига унга алла айтсангиз ёхуд китоб ўқиб берсангиз, боланинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатасиз.

Шунингдек, она ўрнида кечгача уйда бўлмаган ота ҳам бўлиши мумкин, бу фарзандингиз билан мулоқот қилишнинг энг қулай имконияти ҳамдир. Собиқ Токио мэри Юкай Сеижи ҳам болалик чоги кечаси ухлайдиган пайтида бувиси китоб ўқиб берганини кўп эслайди. Ота сифатида ўзи ҳам хаёлан эртак тўқиб, ўқиб берганида унинг болалари ҳам мудраб гапирав экан. Шунда у китоб ўқишни тўхтатиб, ухламасдан уларни тинглаб ётган пайлар ҳам тез-тез бўлган. Кейинчалик у буни жуда яхши пайлар деб эслайди.

Собиқ совет даврида уйқу вақтида ўргатиш усули ҳақида тадқиқотлар ўтказилганлиги тўғрисида кўп маълумотлар бор. Шубҳасиз, яrimуйқу ҳолатида инсон магнитофонга ёзилган маълумотни эшитса, уни ёдлаб олади ва онгида қолади, уйғонганидан сўнг

уни осонлик билан әслайди. Мазкур тадқи-
қотларга күра, болага яримуйқу ҳолатида
таълим беріб ҳам кутилмаган натижаларға
эришиш мумкин экан.

**Мусиқа эшитиш иқтидори
бўлмаган онанинг
тарбиясини кўрган бола
ҳам мусиқа эшитиш
қобилиятисиз улғаяди**

«Менинг фарзандим мусиқий оҳангларни ажрата олмайди, нима қилишни билмайман. Бу унинг отаси сабаблидир, оиласидаги ҳеч ким мусиқа эшитиш қобилиятига эга эмас. Бу наслга боғлиқ». Мен оналардан шу каби шикоятларни кўп эшитаман. Ҳа, ҳақиқатан ҳам мусиқий қобилияти суст болалар бор. Аммо мусиқий оҳангни ажрата олмаслик ҳам гарчи ота-онадан фарзандга ўтиши мумкин бўлсада, ирсий эканини англашмайди.

Тасаввур қилайлик, онада мусиқий эшитиш қобилияти йўқ ва бола ҳар куни аллани бутунлай нотўғри оҳангда тинглайди. Бола бу

оҳангни намуна сифатида эслаб қолиб, у ҳам шу тарзда нотўғри куйлайди. Буни эшигдан она болада мусиқий қобилияят йўқлигидан но-либ, бу илоҳий неъмат эканига ишонади. Агар Моцарт ва Бетховенни ҳам шундай оналар тарбия қилганида эди, уларда ҳам мусиқий қобилияят бўлмаслиги аниқ эди.

Менинг назариямга кўра, мусиқий қобилиятындан болалар худди шу камчиликка эга оналардан туғилган бўлсалар-да, маҳсус тинглаш қобилияти соҳибидирлар, чунки улар нотўғри оҳангни эслаб қолиб, уни қайта-риш маҳоратига эга әканликларини кўрсата-дилар.

Энди эса мусиқий қобилиятындан наслдан ўтмаслигини исботлаш мақсадида сизга бир воқеани айтиб бераман. Доктор Шиничи Сузуки олти ёшли болани ўқитишга олди ва мусиқий қобилиятыни қайта тиклади. Бу боланинг онасида мусиқий эшитиш қобилияти йўқ эди. Доктор Сузукининг тезисида шундай холоса ёзилганди: «Болада мусиқий қобилияят йўқ, чунки у унинг онасида йўқ». У болага онаси доимо нотўғри айтиб берган куйнинг тўғри оҳангда айтилганини тинглат-

ди. Аста-секин нотўғри эслаб қолинган куй ўрнини тўғри айтилган куй оҳанги эгаллади. Кейинчалик бу бола мусиқий таълимни давом эттириди, Брамс ва Бетховен ижодига бағишиланган скрипка концертларида уларнинг куйларини хатосиз чалди, ҳатто Канадада бир нечта яккахон концертлар берди.

Шундай қилиб, мусиқий идрок, феъл-автор ва бошқа қобилиятларнинг ривожланиши, аслида, ота-оналарнинг одатлари таъсирида шаклланади. Ҳатто ота-оналарнинг хатти-ҳаракатидаги биз учун аҳамиятсиз туюлган бирор нарса ҳам болага чукур таъсир кўрса-тиши мумкин.

Бола йиғисини ҳеч қачон әътиборсиз қолдирманг

АҚШда чоп этилган «Гүдакни тарбиялашда инқилоб» китобида қуидаги тадқиқот келтирилган.

Вашингтонда тайёрланган махсус үқитувчилар ўттизга яқин 15 ойлик чақалоқларни тарбиялаш ва үқитиш учун асосан қора танлилар яшайдиган камбағал ҳудудларга, муассасалар ҳамда хонадонларга юборилдилар. Үқитувчи якшанбадан ташқари ҳар куни болалар билан бир соат вақт давомида ўйнар ва суҳбатлашарди. Психолог доктор Эрл Шефернинг тушунтиришича, бу тадбир болалар ақлий қобилиятыни ривожлантириш, айниқса, нутқий қобилиятыни ўстириш мақсадида ўтказилган. Бу каби тадқиқотлар 14 ойлик болалар билан ҳам олиб борилди.

Ушбу гўдаклардан икки ёшу уч ойлик бўлганида олинган тестлар натижалари уларнинг «ақлий ривожланиш даражаси», айниқса, нутқий ривожланиш ҳолати тадқиқотда иштирок этмаган тенгдошлари билан солиштирганда анча юқори бўлганини кўрсатди.

Демак, эртадан кечгача ишда банд бўлиб, фарзанд тарбиясига умуман эътибор қаратмайдиган бундай оилалардаги болаларнинг ақлий қобилиятини ҳам ривожлантириш мумкин. Энди тасаввур қилинг, ота-оналар ўз фарзандлари тарбиясига кўпроқ аҳамият берадиган ва улар билан доимо ўйнайдиган оилаларда қандай натижаларга эришиш мумкин?

Тахминан икки-уч ойлик чақалоқ кулишни бошлайди, бижирлайди ва атрофида содир бўлаётган ҳамма нарсани эслаб қолади. Биз баъзида боланинг миясида онасининг энг оддий сўзлари ва ҳаракатлари қай даражада из қолдиришини англай олмаймиз. Шунинг учун болалари билан кўп шугулланувчи оналар ўз фарзандларининг ақлий ривожланишига жиддий таъсир кўрсатадилар.

Масалан, ёш оила ўғил фарзандли бўлганида бир хонали уйда яшар эди. Хонадон шунчалик тор эдики, она доимо ўз ўғлининг ёнида бўлиб, у билан кўп сухбатлашар эди. Кейин оила уч хонали уйга кўчиб ўтди. Шу орада иккинчи фарзанд туғилди. Қизчага онасининг энг кўп вақти ўтадиган ошхонадан узоқдаги энг тинч хона ажратилди. Катта ўғил алоҳида сўзларни етти-саккиз ойлигида гапира бошлаган бўлса, унинг синглиси ўн ойлигида ҳам фақатгина бижирлай оларди. Бунинг устига, доимо кулиб турадиган акасига нисбатан синглиси тинч ва индамас бўлиб ўсди.

Гўдак билан болаларча чучук тилда гаплашманг

Ресторанда овқатланиб ўтирганимда бехосдан ёнимдаги столдан «Фурсатдан фойдаланиб онанг билан ажрашамиз» деган овозни эшилдим. Майин оҳангда гапирилгани сабаб ажабланиб ортимга қарасам, уни ёш отонаси билан келган икки яшар бола айтаётган экан. Унинг олдида қайнатма шўрва солинган идиш тураг эди. Мен ҳайратланиб уларнинг олдига бордим. «Ўғлим қайнатма шўрва корхонасининг эфирда узатиладиган рекламасини ёдлаб олган. Шунинг учун қайнатма шўрвани олиб келишлари билан дарҳол рекламадаги гап эсига тушди», – деб боланинг онаси менга бу ҳолатни изоҳлаб берди.

Биз катталар телевизордаги рекламани кўрсак-да, бироздан кейин унутиб юборамиз.

Лекин болалар, бундай узун жумладан иборат реклама бўлса ҳам, овоз ҳамда талаффуз (интонацияси)га қадар жуда аниқ эслаб қоладилар.

Эҳтимол, барча мамлакатларда одамлар кўпинча гўдаклар билан уларнинг «тили»да гаплашар. Шу билан бирга, радио ва телекўрсатувлар одатий «кattалар» тилида олиб борилади ва икки ёшдаги бола оддий кўрсатув тилини bemalol тушунади.

Албатта, бола энди гапира бошлаганида сўзга ўхшаган нарсаларни бижирлайди. Аммо бу ҳолатнинг сабаби унинг ақлий қобилияти етишмаслигидан эмас, балки нутқ органлари етарлича ривожланмагани туфайлидир. Оддий қилиб айтганда, унинг нутқ аппарати тўлиқ ривожланмаган бўлса-да, гапириш истаги туфайли талаффуз қилишга улгурмайди. Шу сабабли катталар: «Болалар бошқа тилини тушунмайди», – деб улар билан «болалар тили»да мuloқот қилишса, тўғри талаффуз кўнималари ҳеч қачон шаклланмайди. Шунингдек, тил ўзлаштириш жараёнида бола ўз нутқига эмас, катталар қандай гапиришига таянади.

Агар истасангиз, болалар билан умуман болаларча сўзлашманг. Охир-оқибат бир неча ойдан сўнг у улғаяди ва умумқабул қилинган тилни тушуниши зарур бўлади. Болалар боғчасига борганида унинг кичкина эмаслиги ва тўғри гапириши кераклиги айтилса, бу бола учун қўшимча ноқулайлик туғдиради.

Бир француз аёл ўз қизини турмушга бераётганида бўлажак куёвига: «Қизимнинг сарпаси йўқ, аммо у француз тилида қойилмақом гапиради», – деди. Бундай ғурур таҳсинга лойик ва мен ҳар бир болада ўз она тилини шундай мукаммал эгаллаш имконияти бўлишини истардим.

Катталарнинг лоқайдларча ҳаракатлари болада қўрқув ҳиссини кучайтиради

Биз, одатда, гўдакликни ҳаётдаги энг баҳтли давр ва унда атроф-муҳит қўрқинчлари ҳамда ташвишларига ўрин йўқ деб ўйлаймиз. Бироқ ҳақиқатда гўдаклик вақтимизда биз доим ҳам баҳтли бўлавермаганмиз. Олтмиш ёшли кекса одамнинг айни ёшига мос қўрқуви бўлганидек, бир-икки ёшли боланинг ҳам ўзига яраша хавотири бўлади ва кўпинча бунинг сабаблари биз ўйламаган нарсалардан келиб чиқади. «Эрта ривожланиш» журналининг 1961 йил 4-сонида Киото университети обсерваторияси раҳбари жаноб Шотаро Миямото билан содир бўлган воқеа ҳақида мақола чоп этилган эди. «Менинг отам буддавийлар кўшиғи «Но»ни жуда яхши

кўрган бўлса керак. Унинг дўстлари бизни-кига тез-тез келишар ва бирга шу қўшиқни куйлашарди. Мени эса қўшни хонада ухлатишарди. Эслайман, бундай ғамгин ва оғир товушларни эшитишдан жуда қўрқиб қаттиқ йиглар эдим. Аммо онам меҳмонларға чой, шириналар олиб кириб, улар ҳақида кўпроқ қайгуар ва мени тезроқ ухлатишга ҳаракат қиласр эди. Ҳаттоки ҳозир ҳам бундай узундан узок буддавийча куйларни эшитсам, улар қалбимда хотиржамликни эмас, балки қўрқувни уйғотади».

Жаноб Миямотонинг ота-онаси бу куйлар бола қалбида йиллар ўтиб ҳам шунчалик ўчмас из қолдиришини ҳеч қачон ўйламаган бўлса керак. Аммо нафақат бу ваҳимали қўшиқ, балки бошқа воқеалар ҳам унинг хотирасида сақланиб қолди. Жаноб Миямoto бувиси ухлашидан аввал унга ўқиб берған эртакларни, «Кармен», «Ой сонатаси» операларидағи мусиқани завқ билан эшитганини эслайди. Нима учун айнан «Но» қўшиғи жаноб Миямотони шунчалик қўрқитди? Бу бизга мулоҳаза учун манбадир. Эҳтимол, куйнинг ғамгин оҳанглари баробарида уни

ёлғиз ва қоронғи хонада қолдиришгани ҳам құрқувга сабаб бұлғандир. Мен бундай ҳолатларда қандай йүл тутиш бүйича тавсия бермокчи әмасман. Фақат шуни таъкидла-моқчиманки, катталар учун арзимасдек туюлган нарса бола қалбіда чуқур из қолдириши мүмкін.

Янги туғилган чақалоқ ота-она орасидаги жанжални хис қила олади

Бола юзидан унинг ота-онаси уришгани, жанжаллашгани ва ўрталарида келишмовчилик бўлганини осонгина аниқлаш мумкин, бундай ҳолатда унинг юз ифодаси тушкун ва хавотирли бўлади. Сиз эътиroz билдириб: «Бу арзимас нарса ва янги туғилгаң чақалоқ ота-она ўртасида бўлаётган ўзаро муносабатларнинг нозик томонларини англай олмайди», – деб ўйларсиз. Бола шундай сезгир ақлга эгаки, у ҳар бир ташқи ўзгаришдан таъсирланади.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳар куни ота-онасининг хунук жанжалини кузатувчи болага нима бўлади? Албатта, у келишмовчиликлар сабабини тушунмайди, аммо жаҳл ва ҳақоратлар

унинг ҳиссиётларида, эҳтимол, бутун вужудида акс этади. Ажабланарли жойи йўқки, келишмовчиликлар қуршовида ўсган боланинг юзи ғамгин ва маъюс бўлади.

Кўзлар ёки бурун фарзандингизга наслдан ўтади, унинг юз ифодаси эса оиласидаги муносабатлар кўзгусидир. Бегонасираш ва соvuқчилик шароитида улғайган бола қалбida боғча ёки мактабга боргунига қадар баҳтсизлик ва заифлик ниҳоллари уна бошлайди.

Ўсмирлар томонидан содир этилган қўпгина тартиббузарликлар улар гўдаклик даврларини баҳтсиз оиласарда ўтказганлигини кўрсатади.

Шифокор Шиничи Сузуки айтган эдики: «Уйга келганингизда фарзандларингизни олдингизга олиб, юзларига синчилаб қаранг. Шунда сиз ўз оиласий муносабатларингиз тарихини ўқиб оласиз». Мен бу сўзларни ҳеч қаҷон унутмайман.

Боланинг эрта ривожланиши учун бирор нарса қилиш шарт эмас. Бошланиши учун, аввало, эр-хотин орасида ўзаро меҳри муносабат бўлиши ва уйда ёқимли руҳий муҳит яратиш зарур.

Ота-онанинг асабийлиги юқумлидир

Кўпинча ота-оналар: «Менинг ўғлим отаси каби ғамгин» ёки «Менинг қизим онаси каби пала-партиш», – деб нолийдилар. Бу ўринда улар фарзандларининг ижобий томонлари ўзларидан, камчиликлари эса турмуш ўртоқларидан ўтганлигини айтишади.

Аммо китобимнинг шу қисмигача ўқиган ота-оналар англаб етганларига умид қила-манки, уларнинг фарзандларидаги яхшилик ва ёмонлик аломатлари туғилишдан берилган тарбия натижасидир.

Эрта ривожлантириш деганда болани маълумотлар билан тўлдириб ташлаш ёки унга ўқиш ва ёзишни ўргатиш тушунилади. Бироқ ундан муҳимроқ томони болада фикр юритиш, баҳолаш ва идрок қилиш ёки унда уқиш

қобилиятини ривожлантиришдир. Бунинг учун маҳсус дастурлар йўқ, фақатгина ота-онанинг ўзини қандай тутиши, амалга ошираётган ишлари ва ҳис этаётган туйғулари, гўдак билан қилаётган муомаласи боланинг шахсиятини шакллантириши мумкин.

Яъни камгап ва маъюс одам томонидан тарбияланган гўдак доимо ғамгин, маҳзун бўлади, худди шундай бепарво, беғам одам томонидан тарбия қилинган бола ҳам беғам, бепарво ҳолатда улғаяди. Аммо мусиқий қобилият онада бўлмаса, боласига мусиқа тинглаши учун имкон яратиши мумкин. Айрим нарсалар, масалан, хулқ-автор, характер, ҳиссиётлар ва сезги одамнинг аслини англатмайди. Инсон ўзидағи камчиликларни билса-да, уларни тўғрилаши қийин. Шунинг учун ота-она ўз хатти-ҳаракатларида эҳтиёткор бўлмоғи лозим.

Агар она шамоллаб қолса, ўз боласига юқтирмасликка уриниб докали ниқобни юзига тутиши мумкин. Аммо фарзандларига ўз камчиликларини бермасликка ҳаракат қиладиган оналар жуда оз. Мен ўзгартира олмай-

диган хато ва камчиликларимизни иложи борича болаларга ҳам күрсатмасликни хоҳлар эдим. Оналардаги «асабийлашиш» номли вирус шамоллашдан күра анча юқумли ва кучлидир.

Ота ўз фарзанди билин күпроқ мулокотда бўлмоғи зарур

Кўпинча фарзандлар катта бўлганларида ўз оталари билан бирга ўтказган вақтларини байрамона хурсандчилик билан эслайдилар, чунки аксарият оиласларда бундай ҳолат у қадар кўп юз бермайди. Менинг катта ўғлим ҳанузгача бирга қилган ишларимизни яхши эслайди: масалан, денгизда қайикда сайр қилганимизни ва қайтишда ширин қизил ловияли таом тановул қилганимизни. Бу воқеа 30 йил аввал бўлган ва мен буни унутиб юборган эдим.

Анъянага кўра, оиласларда оталарга сўзсиз бўйсунилади. Ота тартиб назоратчиси, аммо болаларга ҳар куни ғамхўрлик қилиш ишларида кам қатнашади. Агар фарзанд ўз отаси-

ни кам күрса ва шу ҳам фақатгина гап эши-тиш учунгина бўлса, у ҳолда бола ўз отасини бир бегона, яъни фавқулодда вазиятда чақирилган шифокордек деб қабул қиласиди. Ўзига ишончи йўқ ва ҳимоясиз бола қўпинча отасига илиқ туйғуларни ҳис қилмайди. «Қаттиқкўл ота» томонидан тарбия топган бола улғайганда даҳо ёхуд машҳур инсон бўлсада, итоаткор ва иродаси суст бўлади. Бошқа томондан, агар ота ичқилик ичса, аёли билан қўпол муносабатда бўлса ва фарзанд тарбияси билан умуман шуғулланмаса, бундай оиласада улғайган бола ахлоқсиз, ҳатто жиноятчи бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатлар кам эмас.

Болалар тарбияси ва уларни ўқитиш масъулияти асосан оналар зиммасида

Аммо бундан оталар болалар тарбияси-
ни бутунлай ўз аёлларига топшириб қўйиши
керак деган маъно келиб чиқмайди. Аёлига
ҳақиқий дўст ва ёрдамчи бўла олиш бу уйда-
ги тарбияда эрнинг бирламчи бурчи эмасми?
Уйдаги тотувликка фақатгина онанинг хатти-
ҳаракатлари билан эришиб бўлмайди.

Яқинда мен автобусда бир оилани кузат-
дим: ота, она ва уларнинг қизи. Уч ёшларда-
ги кичкина қизча ўз отаси билан қизиқ суҳбат
қураётганди. Иккови суҳбат билан машғул,
она эса ёnlарида туриб, қандайдир журнал
ўқиётган ва ўзини худди ҳеч нима эшит-
маётгандек тутарди. Ҳис қилишимча, ота

шунчаки гаплашмасдан, қизи билан сұхбатда уни жиддий тушунишга уринар, она эса аралашмас әди. Уларнинг_сұхбатига қулоқ солсам, «Дада, сақич ўнта бўлса нима бўлишини биласизми?», «Шундайми, сақич ўнта бўлса Гуам ороли бўлади. Иккаламиз бориб кўрсакмикан-а?» деган болаларга хос гап борар әди.

Шунда хулоса қилдимки, бу қизча ажойиб аёл бўлиб тарбия топади. Катта одамга оддий, аҳамиятсиздек туюлган сұхбат бола учун сезиларли даражада завқ бағишлиайди.

Бола тарбияси ва ривожлантириш масалалари фақатгина она зыммасига юкланган ва отанинг роли фақатгина онанинг илтимосига кўра бу вазифаларга қўшилиш билан чекланадиган оилада ҳақиқий яхши одамни тарбия қилиб бўлмайди. Вақт етишмаслиги ёки ишдан кейинги чарчоқ оталарга ўз фарзандлари билан кўпроқ гаплашишга тўсқинлик қилмаслиги керак.

**Күп болали оилада
фарзандлар бир-бирлари
билин яхшироқ,
муносабатда бўладилар**

Замонавий Японияда мавжуд урф-одатга кўра, янги келин-куёвлар ўз ота-оналари ва қариндошларидан мустақил ҳолда яшайдилар ва, одатда, оилаларда уч нафардан ортиқ фарзанд бўлмайди.

Мен оилада ёлғиз фарзанд бўлганман ва бу ўша давр учун кам учрайдиган ҳолат эди. Мен ака-ука ва опа-сингиллари бор дўстларимга ҳавас қилас, бир-бирлари билан сұхбатлашиб овқатланадиган, бирга ўйнайдиган ва жанжаллашадиган дўстимнинг уйига интилар эдим. Кўпинча оиладаги биринчи фарзанд кам ривожланиб, вазмин, тарбияли, аммо ҳаётий завққа тўлмай ўсади. Аксинча, менинг дўс-

тим, уч ака-уканинг ўртанчаси, жуда жасур ва қатъиятли, ака-укалари хафа қилишса-да, ҳеч йиғламас эди. Бундай ҳодисаларга фақат менгина гувоҳ бўлган эмасман, улар ҳаётда жуда кўп учрайди.

Аммо нега битта ота-онадан туғилган, бир оиласда тарбия топган болалар турли феъл-атвор ва қобилиятларга эга бўлиб улғаядилар? Одатда, ота-оналар ўзларининг иккинчи ёки учинчи фарзандларини биринчиси каби эркалатмайдилар. Шунинг учун улар кўпроқ мустақил бўлиб вояга етадилар. Лекин, ҳозирги эрта таълим назариясида, сабаб фақат бунда эмас деб қаралади.

Ота-оналар уйида биринчи фарзанди учун қизиқ машғулотлар ва қулай шароит яратишади, аммо иккинчи бола әгалик қиладиган устунлик биринчисида бўлмайди. Яъни иккинчи фарзандда туғилишидан бошлаб шерик бўладиган ака ёки опа бор ва у ўзидан катта ака ёки опа билан доим беллашишига тўғри келади. Шу туфайли эртароқ кучли ва қувноқ бўлиб улғаяди. Учинчи ва тўртинчи фарзанд учун бу имконият янада кўпроқ бўлади. Чун-

ки ҳаётнинг ўзи уларни чидамлироқ ва кучли иродага эга бўлиб ўсишга мажбур этади.

Эътибор берсангиз, бола, масалан, скрипка чалишни ўз ака-укаси ёки опа-синглиси билан ўрганса, машғулотлар самаралироқ бўлади. Кўп фарзандлари бор камбағал оилаларда улғайган иқтидорли инсонлағ улкан муваффақиятларга айнан кўп болали оиласда улғайиши туфайли эришадилар. Чунки бундай шароитда ажойиб қобилиятлағ ва феъл-атворни ривожлантириш осонроқ кечади.

Оилада буви ва буванинг борлиги бола ривожланиши учун яхши омилдир

Кўпинча ёш оила ўз ота-онасидан алоҳида яшаганда буви ва бувалар болалар тарбияси, умуман, ёш оила ҳаётидан четлатиладилар ва бирор-бир аралашув тўсиқ каби қабул қилинади. Афсуски, замонавий жамиятда бу оддий ҳолат. Баъзида «Қариялар болани шундай эркалатиб юборадиларки, натижада болада худбинлик шаклланиб, ота-оналар фарзандини қандай жиловлашни билмай қоладилар», – дейишади.

Айниқса, ўзларини замонавий ва илгор ҳисобловчи оналар шундай фикр юритадилар. Мен бир хонали кичкина хонадонда яшовчи оилани биламан. Уларнинг ота-она уйидан чиқиб кетишларига сабаб ўз фарзандларини

буви ва бува ёнида тұғри тарбия қила олмай-
миз деган фикрда бұлғанликлари әди.

Тұлақонли оилани шакллантириш учун
шундай қилиш шартми? Болалар тарбиясига
келсак, бу катта савол остидадир. Албатта,
Японияда ҳозирда ҳам шундай оилалар бор-
ки, қайноналар келинларига ҳаддан зиёд күп
маслаҳат берадилар ва биринчи фарзандни
даходек күриб, бошқа оила аъзоларини ача-
миятсиз ҳисоблайдилар. Бундай феодализм
сарқитлари ҳали ҳам бор. Аммо, ҳақиқатда,
бир неча авлод яшайдиган оиланинг ўз афзал-
ликлари мавжуд. Қариялардан маданиятни,
доноликни мерос қилиб олиш мумкин ва бу
авлодлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар-
ни мустаҳкамлайди. Фарзандни ортиқча эр-
калатишларига қарамай, улар болага меҳр-
муҳаббат, хотиралар берадилар, әртаклар
айтиб, ривожлантиришнинг бошқа усулла-
ри орқали унинг ҳаётини бойитадилар. Бола
худбинликни сингдирмаслиги учун ота-она
унга доим ҳұрмат билан муносабатда бўлиши
керак. Шунингдек, кексаларнинг ҳар бир гапи
ва ҳаракатидан болалар ота-онада бўлмаган
янги қизиқарли жиҳатларни ўрганади.

Машхур япон олими Сейджи Каянинг айтишича, унинг гўдаклигига энг кучли таъсир кўрсатган инсонлари бувиси билан бувасидир. Кишлоқ оқсоқоли саналмиш буваси шу қадар қаттиққўл бўлганки, у йўталиши заҳотиёқ бола йиғлашдан тўхтаган. Бува қаттиққўл, аммоadolатли эди. Доктор Кая иродаси мустаҳкам бўлиб, жисмонан чиникиб улғайди. Унинг бувиси эса жуда вазмин эди. Унинг бутун ҳаёти қўл билан ҳаракатлантириладиган ғилдиракли тикув машинасида ишлаш билан ўтди. Эҳтимол, бувисидан сабртоқатни ўргангандир: агар боғни чопиш лозим бўлса, бирорта ўт қолмагунча кўнгли жойига тушмас эди. Психолог Акиро Тагонинг фикрича, айнан дикқатини жамлай олиш қобилияти ва мақсадга эришишдаги қатъият доктор Каянинг шундай феъл-атворга эга бўлиши ҳамда дунёга машхур инсон сифатида камол топишига сабабчи бўлган.

Фарзандларнинг ўзаро сухбатлашишини рағбатлантириш керак

Юқорида айтиб ўтганимдек, онанинг кун бўйи ўз боласи ёнида бўлиши ёки уни қўлда кўтариши боланинг хулқ-автори ривожланиши учун имконият яратади. Бу нафақат боланинг ақлий ривожланиши, балки ҳиссиётлари камол топишига ҳам таъсир кўрсатади.

Агар жисмоний яқинлик нафақат ўз онаси, балки гўдакнинг отаси, aka-ука ва опа-сингиллари ёки бошқа болалар билан бўлса, гўдак янада кўпроқ фойда кўради. Бу унинг ақли ўсишига кўмаклашади, унда рақобат ҳиссини, ижтимоий муносабатларини ва биринчиликка интилиш истагини ривожлантиради.

Висконсиндаги университетдан (АҚШ) доктор Хари Харлоу маймун болалари ўртасида-

ги ижтимоий муносабатлар ва уларнинг ақлий ҳамда ижтимоий ривожланишга таъсири бўйича тадқиқот ўтказди.

Биринчи тажрибада доктор Харлоу маймун болаларини ичидаги фақатгина сут идишчалини бўлган, барча томони ёғоч тахталар билан ёпилган қафасга жойлаштирди. Тадқиқотнинг мақсади бир муддат ёлғизликда қолган маймунча ўзини қандай тутишини кўриш эди. У уч ойдан сўнг маймунлар гурухига қўйиб юборилганида аввал ўзини қатъиятсиз тутди, аммо бир ҳафтадан сўнг тетиклашди ва бошқалар билан ўйнай бошлади. Иккинчи тажрибада маймунча ёлғизликда олти ой ушлаб турилди. Гурухга қўйиб юборилганида у бурчакка беркиниб олар, ҳаммадан қочар, бошқа маймунчалар билан умуман ўйнамас эди. Учинчи тажрибада эса маймунча ёлғизликда бир йил сақланди ва бундан кейин худди шундай шароитда сақланган бошқа маймунлар билан ҳам ўйнашга қодир бўлмай қолди. Ниҳоят, қафасга ёлғизликда яшаган бир нечта маймунлар ва ёлғизликни кўрмаган биргина маймунни жойлаштирганларида ёлғиз қолмаган маймунда айни шароитдан аса-

бийлик содир бўлди. Бу маймунларнинг ақлий ривожланиш коэффициенти соғлом мухитда улғайган маймунларнидан анча паст эди.

Бу тадқиқотлар ҳақида ўқиб мен уларда беихтиёр инсон болалари билан ўхшашликни кўрдим ва «Суҳбатлашишдан маҳрум қилинган гўдак ақлий қобилияти заиф ва хулқ-автори оғир бўлиб улғаяди» деган хуносага келдим. Ҳозирда инсонлар ўзаро кам суҳбатлашмоқдалар. Бу ҳол эса болалар тарбиясида ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шуни инобатга олиб оналар ўз фарзандлари учун кўпроқ йиғилиб, биргаликда суҳбат қурсалар, яхши самарага эришилади.

Жанжаллар болаларда муомала күникмаларини ривожлантиради

«Инсон жамият маҳсули ва ундан айро яшай олмайди», дейишади. Бошқа томондан, инсонда нафақат гурухда яшаш ҳисси, балки «мен»ини англаш туйғуси уни бошқаради. Демак, у доимо ижтимоий ва шахсий ҳаёт ўртасида уйғунлик бўлишига интилиши, шуни изламоги лозим. Агар ана шундай мувозанат ўрнатилмаса, у жамиятга мослаша олмайди.

Бу уйғунликка эришиш эрта ривожланишга бевосита боғлиқ. Фикримча, бунга фақатгина эрта шаклланган фикрлаш күникмаси, яъни ўзига нисбатан ҳурмат ҳуқуқи ва жамиятга бўлган масъулият ҳисси асосида эришиш мумкин. Бундай фикрлашни болалар мулокоти асосида ҳосил қилиш мумкин.

Икки ёш атрофидаги бола учун ёлғиз ўйнашнинг қизиги қолмайди. У бошқалар билан ўйнай бошлайди ва биринчи маротаба гурхда қандай муносабатда бўлишни ўрганади. Табиийки, унинг талаби қондирилмаса, йиғлайдиган ҳолатлари ҳам бор. Ёки ўз талибини қондириш учун дўсти билан жанжаллашиб, шеригини йиғлатиши ҳам мумкин. Бола дўстлари билан аҳил бўлиб ўйнаётганда ва уришиб-талашаётганида жамоада яшашни ўрганади. Болалар ўртасидаги жанжаллар ҳам муҳим, чунки улар шахсий ташаббусни ривожлантиради.

Болалар ўртасидаги жанжалларни уч турга ажратиш мумкин: боланинг ўз рақибидан устун келиши, бошқасига ён бериши ва қилмишига яраша жавоб бериши. Жанжал турлари ёшига қараб турлича бўлади. Масалан, икки ёшда бола жанжалнинг суст иштирокчиси бўлса, уч ёшида ўзи жанжал келтириб чиқарди. Бу болада шахсий «мен» тушунчасининг шаклланаётгани ва намоён бўлаётганидан далолат беради.

Болалар ўртасидаги келишмовчиликнинг сабаблари турлича: ўйинчоқ, чангি, аргимчоқ

учун кураш ёки бир-бирини ҳақорат қилиш, хуллас, сабабсиз жанжал бўлмайди. Сабабларини тушунтирмасдан, болага жанжаллашиш ёмон деб уни уришиш ва ўргатиш унда ҳамкорлик ҳиссиётини ривожлантиришга ёрдам бермайди. Айтиш мумкинки, болалар жанжалига аралашиб уларнинг жамиятда яшаш қобилияти ривожланишига халақит беришдир. Болаларнинг ўз мантиги бор ва улар бир-бирлари билан ўзларича сўзлашадилар. Бу ерда катта одамнинг мантиги ўринсиздир. Агар болалар жанжалига катталар фикрича қараб, уларга уришиш мумкин эмас ва бошқалар билан жанжаллашувчи бола ёмон бола деб тушунтирсангиз, фарзандингиз ўз қобигида қолади ва ғазабланади. Жанжаллар жамоа орасига кирганда бошланғич синовдир.

Нотаниш одамлар
олдида гўдакнинг
тортинчоқлиги
қиёфаларни
таний олиш қобилияти
ривожланишининг
далилидир

Мен ўз китобимда «қиёфа» сўзини маҳсус ишлатишимиға изоҳ бериб ўтмоқчиман.

«Қиёфа» сўзи кўпроқ «шакл», «намуна тузилиши», «модель» маъноларида ишлатилади. Мен эса бу сўзни кенгроқ, аммо маҳсус маънода, яъни бола мияси маълумотни ташиб қабул қилишдаги фикрлаш жараёнини ғодалаган сўз сифатида тушунишни таклиф этаман. Улғайган инсон маълумотни асосан мантиқий фикрлаш орқали қабул қилса, ёш

бала ички ҳиссиёти (интуиция), яъни бир зумда қиёфа ҳосил қилиш қобилиятидан фойдаланади: улгайган инсон фикрлашини бола англай олмайди ва буни кейинчалик тушуниб етади.

Эрта билиш фаолиятининг энг ёрқин далили гўдакнинг одамлар юзини фарқлай олиш қобилияти пайдо бўлишидир. Болалар касалхонасида мен кўрган бир чақалоқ алоҳида ёдимда қолган. Айтишларича, у бир ёшдан бироз ўтгач 50 нафар одамни ажрата олган, уларни нафақат таниган, балки ҳар бирига ном ҳам берган экан.

50 нафар одам – бу рақам унчалик ҳайратга солмаса ҳам, улгайган одамнинг бир йил давомида 50 та турли чеҳраларни эслаб қолиши қийин эканини ўйлаб кўринг. Ўз танишларингизнинг юз тузилишини аниқроқ ифодалаб ёзишга ҳаракат қилиб кўринг. Уларни мантиқий йўл билан бир-биридан ажрата оласизми?

Болаларнинг таниш қобилиятлари тахминан олти ойга тўлганда намоён бўлади, яъни уларда тортичоклик пайдо бўлади.

У кичик боши, мурғак назари билан таниш чеҳраларни ажрата олади, масалан, онаси ёки отасининг юзини бегоналардан фарқлайди ва буни яққол намоён этади.

Икки-уч ёшда болада шахсий ғуур ҳиссиёти шаклланади

«Сўқир вазирлар қуршовида бўлган аҳмок қирол», – деб кимдир янги туғилган чақалоқ ва унинг ҳар бир истагига бўйсунадиган отонасини таърифлаб ёзган эди.

Қирол қанчалик аҳмок бўлмасин, у ҳали жуда ёш, асосийси, деярли кун бўйи ухлайди. Бу даврда ота-она у билан унчалик қийналмайди. Аммо у икки-уч ёшларида худбин бўлиб қолади ва назоратдан деярли чиқади. Шунда ота-она фарзандини жиловлай бошлайди. Улар, бола бирор нарсани «нотўғри» қилса койийдилар ва жазоладилар, бирдан содик мухлисдан қаттиқўл энагага айланадилар, аммо боланинг ушбу

ривожланиш босқичида бундай ҳаракатлар кутилган натижа бермайди.

Негаки, бола ҳётининг биринчи йилида ота-оналар англамаган ҳолатда ўзларини «сўқир вазирлар»дек тутиб унинг тарбиясини бузганлар. Тахминан икки-уч ёшларида болада шахсий ғурур ҳисси шаклланади ва у ўз «мен»ини ҳимоя қилишга тайёр бўлади. У ўз ота-онасини эшитмайди, уни қанчалик кўп койишса ва жазолашса, шунчалик кўп итоатсиз ва инжиқ бўлиб боради. Ота-онаси эса янада аччиқланади. Бундай танг аҳволнинг олдини олишда биргина йўл бор: болани бир ёшга тўлишидан аввал, яъни унда «мен» туйғуси пайдо бўлгунига қадар тартиб ва тарбияга чақириш ва ўргатиш.

Оддий мисол келтирамиз. Бола туғилиши билан вақтни тўғри тақсимлашни одат қилиб, қатъий равишда жадвалга мувофиқ овқатлантирилиши керак. Шунда у ортиқча овқат емайди ва тўшакда пешоб қилиш одатидан тезда халос бўлади, сиз эса келажакда бунга қарши курашиш учун ортиқча куч сарфламайсиз. Бундан ташқари, оз-оздан овқатланишга одатланган бола келажакда ор-

тиқча вазн муаммосига учрамайди, бошланғич синф ўқувчиси бўлганида эса қабзиятдан қийналмайди. Агар бунга эътибор бермай, «эркин» тарбия тамойилларига амал қилинса, бола учун бу фалокатга айланади. Бола ҳали ёшига тўлмаган даврларда қаттиққўлликни қаттиққўллик деб ҳис қилмайди, қамчини қамчи сифатида билмайди.

. Икки-уч ёшдан ўтган бола эса қамчининг оғригини яхши билади. Шунинг учун аввал болани фақат эркалатиб, кейин қаттиққўллик қилинса, унда норозилик кайфияти кучаяди. Ота-она кутаётган натижанинг акси юзага келади.

Болада ғазаб ва ҳасад – бу ожизлик ифодасидир

Ёш бола ўз ҳиссиётларини сўзлар орқали ифодалай олмайди, шундан ота-оналар бола кайфиятини унинг юзидан ўқиши билишлари зарур. Барча оналар фарзандларини ўзла-ри ўйлаганчалик доим яхши тушунишларига ишончим комил эмас. Кўпинча уй ишлари билан овора бўлиб, боланинг ҳиссиётлари-ни керакли даражада жиддий қабул қилмай-дилар ва унинг норозилиги ҳамда инжиқлиги сабабини аниклашга уринмайдилар.

Токио университети профессори, болалар психологияси бўйича мутахассис Тошио Яма-шита боланинг асабийлашиш сабабларини куйидагича санаб келтиради:

- 1) касаллик сабабли соглиғи ёмонлашганда;
- 2) очлик ёки ҳорғинлик туфайли ўзини яхши ҳис қилмагандан;

- 3) нохуш воқеа ёки қўрқинчдан қаттиқ таъсиранганда;
- 4) жисмоний машқлар етишмаслигидан куч (энергия) сарфланмай тўпланиб қолганда;
- 5) ўз айтганида туриб олганда;
- 6) асабийлашган ота-онага тақлид қилганда.

Бу рўйхатдан кўриниб турибдики, боланинг асабийлашиш омилларини унинг атрофидан ва тарбиясидан изламоқ керак. Ғазаб сабабини аниқлаш ўрнига уни уришсангиз ёки эътибор бермасангиз, бу болани янада худбин ва қайсар қиласди.

Ота-оналарга ўз фарзандининг руҳий ҳолатини жуда яхши тушунгандек туюлса-да, бола «Мени тушунишмайди» деган фикрда бўлади ва бу уни асабийлаштиради. Ота-она боланинг асосли талабини инжиқликдан ажратиш учун кучли иродага эга бўлмоғи керак. Агар уларда бундай оқилона ирода етишмаса, боланинг феъл-атвори бузилади.

Болада ҳасад туйғуси тахминан бир ярим ёшда пайдо бўлади. Бу ука ёки сингилнинг туғилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Айниқса, бола оиласда биринчи фарзанд бўлса.

Чунки у ёлғиз ва ота-она фақат унга тегишли эди. Айрим болалар ўз ота-онасини, ҳаттоқи бир-бири билан сұхбатлашса ҳам қызғаниши мүмкін. Асосийси, бундай хулққа одатий инжиклик деб қараң керак әмас.

Шундай қилиб, бола ғазабланиши, қызғанишининг сабаблари, албатта, бор, уларнинг аксарияти хафачиликдан келиб чиқади ва ожизлик белгиси ҳисобланади. Агар ота-оналар боланинг бу түйғуларига эътибор қаратмасалар, фақатгина уни койиш ёки мақташ билан чеклансалар, бу болани қониктирмаслиги мүмкін. Ота-онанинг мақсади боланинг асабийлашиш сабабини бартараф этиш бўлиши, аммо уни бостириш бўлмаслиги керак.

Ўз фарзандингизни бошқалар олдида масхара қилманг

Бир танишимнинг сұхбат давомида бурни-
ни ушлаш одати бор. Агар мунозара қизиса-
ёки асаблари таранглашиб, ҳолат унга қаршы
бўлса, бу янада сезиларли тус олади. Бу ҳақдә
билса-да, ўзини ушбу ҳолатда ноқулай хис-
қилса-да, уни бирор нарса безовта қилса ёки
қизиқтирса, ўзини бошқара олмайди, кўлі
ўз-ўзидан бурнига тегади.

Унинг фикрича, бу одат гўдакликда бош-
ланган. У ўйин билан машғул бўлиб, икки-у-
ёшдаги кўпгина болалар каби бурнини ковлаі
бошлаганида ота-онаси: «Бундай қилма, ак-
ҳолда, бурун тешикларинг катталашиб кета-
ди», – дея тенгдошлари олдида тортинмай
койишар эди. Шу заҳоти у бурнини ушлар в

унинг тешикларини кичрайтиришга ҳаракат қиласди. Аста-секинлик билан бу одатга айланди.

Шундан у ойнага кўп қарап ва бурун тешикларини ҳақиқатан ҳам бошқаларни киға ўхшатмас, уларни босиб, озгина бўлса ҳам кичрайтиришга ҳаракат қиласди. Бу одат умрбод сақланиб қолди. Мактабга борганида болалар буни тезда пайқадилар ва устидан кула бошладилар. Бу кайфият унга шунчалик кучли таъсир қилдики, аввалига бола ўзини паст тутиб, жуда уятчан бўлиб улғайди.

Аслида, унинг бурун тешиклари умуман катта эмас ва юзида алоҳида ажралиб турмасди. Бундай бўлмаган ҳолатда ҳам, мен ўз фарзандининг камчилигини ошкор қилувчи ота-она-нинг шафқатсизлигини тушуна олмайман.

Бундай ҳолатлар кам эмас. Кўпгина ота-оналар фарзандлари камчилигини бегоналар олдида муҳокама қиладилар ва: «Болалар ҳеч нарса тушунмайди», – деб ўйлайдилар. Аммо камчилик қанчалик кичик бўлмасин, уни кўпчилик олдида ошкор этиш болага қандай зарар етказишини ҳеч қачон тахмин қилиб бўлмайди.

Масалан, ёшлигидә құнғироқ сочлари сабабли тез-тез одамлар олдида изза қилинган бола катта бүлганида бош кийимини негадир тез-тез йүқотиб қўярди. «Бош кийими киймаса бўлмайди», деган тушунча ва ўй жуда ёшлигидан юрагида чуқур из қолдирган. Унда «Бош кийимимни киймасам, құнғироқ сочим атрофдагиларга тегиб кетади», деган кутилмаган ҳис уйғонган.

Болани уришгандан күра мақтаган афзалроқ

Икки услуг – рағбатлантириш ва жазолашнинг иккинчиси самаралироқ туюлса-да, аслида, бундай эмас. Жазолаш болада тескари муносабатни – очиқ-ойдин бўйсунмасликни келтириб чиқариши мумкин. Гап шундаки, мақтов ва жазолашдан эҳтиёткорона фойдаланиш лозим.

Тасаввур қилинг, она бир идишда шарбатни столга олиб боряпти. Ўз онасига ҳамма ишда тақлид қилишни истайдиган икки ёшлар атрофидаги бола худди шу ишни такрорлашга ҳаракат қиласди. Она эса «Мумкин эмас!» – деб, боласи шарбатни тўкиб юборишидан қўрқиб, ишни бажаришига йўл қўймайди. Бу нотўғри. Бола каттароқ бўлганида онаси унга

қарашмаётганидан нолийди. Гўдак ўзининг ёши учун қийин бўлган бирор ишни қилишга уринганида уни мақтаган маъқул. «Ўзимнинг катта бўлиб қолган ўғлим!» – деб, шарбатни озгина қўйиб, идишни олиб бориш имкониятини бериш лозим. Бундай муносабат жуда муҳим.

Доктор Сузуки менга қишлоқ мусиқа мактабида учратган ўқувчиси ҳақида гапириб берганди. Болани умуман қобилиятсиз ҳисоблардилар. У скрипкада жуда ёмон чаларди. Ҳеч ким унга ёрдам бера олмаганди. «Мен учун чалиб берасанми?» – деб сўрайди доктор Сузуки. У жуда ҳам ёмон ижро бўлса-да, ўшанда доктор болани мақтайди: «Ажойиб, ажойиб!» Қўшимча қилиб: «Мен эса бундай чаламан. Нима деб ўйлайсан, сен ҳам шундай ижро эта оласанми?» – дейди. «Ҳа, ўхшата оламан», – деб жавоб беради бола ва скрипкани олиб, бутун қудратини сарфлаб яна чалади. Қизиқ томони шундаки, у яхшироқ ижро эта бошлайди. Аниқланишича, охирги пайтда болани фақат койиганлар, у эса қўллаб-қувватлаш ва мақтовга интиқ бўлган. Доктор Сузукининг фикрича, болалар билан му-

носабатда уларни уришгандан кўра мақтаган яхшироқ.

Албатта, уришиш ёки мажбурлаш зарур бўладиган вазиятлар ҳам бор, аммо қийин вазиятда болага танлаш имкониятини бериш ёки уни ишонтиришга ҳаракат қилиш афзалроқ. Бола сиз ҳали ўқиб бўлмаган газетани йиртаётган бўлса, газетани ундан олиб қўйиш ёки қўлига уришдан кўра болага эски газетани бериб қўйиш маъқулроқ. Агар бундай қилмасдан, фақатгина газетани тортиб олиб қўйсангиз, боладаги ишчанлик учун муҳим қизиқиши сўндирасиз ва унга қизик бўлган нарсани тортиб олиб, уни бекорчиликда қолдирасиз. Агар болага бошқа муқобил (алтернатив) вариантни таклиф эта олмасангиз, ҳеч бўлмаса, нима учун шу ишни қилиш мумкин эмаслигини тушунтириш керак. Сизнинг тушунтиришларингизни англай олмаслиги мумкин, аммо товушингиздаги ишонтириш болага ижобий таъсир ўтказади.





Тўртинчи қисм

**Тарбия
қоидалари**

1. Қизиқтириш ва тартибга интилиш

Қизиқиш – энг яхши ундаш

Икки ва уч ёшли болаларни кўпинча уларнинг ихтиёрига қарши ҳар куни доктор Сузукининг скрипка дарсларига қўлларидан ушлаб олиб келишади. Улар қизиқиш билан атрофга қарайдилар, сакрайдилар, йўлакда ўйнайдилар, аммо скрипка чалишга умуман қизиқмайдилар. Агар ота-оналар уларни мусиқа ўрганишга мажбур қилсалар, бутун ҳаракатлари бола йиғлаши ва асабийлашиши билан тугайди. Болалар скрипкадан нафратлана бошлайдилар. Уларнинг бундай кескин муносабати боланинг уч ёшларида уйғонадиган ўзликни англаш ва шахсий «мен»и

билин боғлиқ бўлиб, бундай ҳиссиётлар ҳеч қандай зўравонликка тоқат қилмайди.

Шунинг учун бошида доктор Сузуки болаларга истаган ишларини қилиш имкониятини яратади, бироқ скрипкага яқин йўлатмайди. Тез орада кичик ўқувчи тинчланади ва завқ билан бошқа болалар ўйнашини томоша қиласди. Икки-уч ой давомида бола унинг дўстти ўйнаётган бутун песани эслаб қолади ва унда ҳам ҳаракат қилиб кўриш истаги пайдо бўлади. Ўқитувчи эса боланинг иштиёқи авжига чиқишини кутади, шундан кейингина унга биринчи дарсни ўтади. Ҳамма болаларда тайёрланиш даври турлича бўлади. Энг узоги олти ойдир.

Доктор Сузуки усулининг асосий қоидаси қизиқиш уйғотишdir, бу эса энг яхши ундашdir. Унинг фикрича, мажбурлаш – ўқитишининг энг ёмон йўли. Агар болада скрипкага қизиқиш уйғонса, у қисқа вақт ичидагатта натижаларга, баъзида ўқитувчининг кутганидан ҳам ортиқ ютуқларга эришади. «Яхши кўрсагина ишининг устаси бўлади». Ўрганилаётган фанга болада қизиқиш уйғотиш – бу энг яхши педагогик усулdir. Шунинг учун

ота-оналарнинг асосий вазифаси болага ўргатишни истаган нарсага уни қизиқтиришдир. Масалан, болага ҳисоблашни ўргатишнинг ўрнига уни рақамларга қизиқтириш яхшироқ. Унга ёзишни ўргатишдан кўра ёзув жараёнига қизиқтиринг. Бошқача қилиб айтганда, ота-онанинг вазифаси болани ўқишига тайёрлашдир.

Бундай қизиқиши уйғотиш учун зарур шарт-шароитларни ҳам яратмоқ керак. Масалан, болада чизишга истакни ҳосил қилмоқ учун унинг атрофида етарлича қалам ва қоғозлар бўлиши керак. Болага зарур шароитлар яратмай бирор нарсага нисбатан хоҳиш пайдо қилиш кучукка овқат бермасдан уни ўтиришига ўргатишдек гап. Ота-оналардаги мусиқа ёки рассомликка бепарволик сабаби уларга ёш пайтида мажбурлаш усули қўлланилганлиги ёки қизиқтириш уйғотиш учун зарур шароитнинг яратилмаганидадир.

Болага бир маромда бүлган ҳамма нарса ёқади

Америкада инглиз тили дарси бүйича машхур пластинка бор. Тулки ҳақидаги шеър матни бир маромда чалинган шундай мусиқа билан бирга келадики, мен каби ёши катта одам ҳам рақсга тушиб кетади. Сұзлар үз-үзидан бир маромдаги мусиқа сабаб ҳеч қандай тайёргарликсиз ёки маҳсус таълимсиз осон эслаб қолинади. Ағасуски, Японияда тилни мусиқа ёрдамида үқитиш техникаси ишлаб чиқылмаган. АҚШда болаликдан тилни ўрганиш учун болани мажбурлаш ўрнига қизиқтиришга ҳаракат қилиш орқали катта ютуқларга әришилади.

Күпчилигимиз «ўқиши» сўзига салбий муносабат билдирамиз. Салбий муносабатимиз

сабаби шундаки, бизнинг онгимизда ўқиш ўз иродасига қарши бўйсундириш маъносида тушунилади. Аммо ўқиш роҳат олиш билан эсланиши лозим, шундагина биз катта ютуқларга эриша оламиз. Масалан, бир роҳибнинг уч ёшли ўғли ҳеч бир машаққатсиз барча сураларни ўрганиб олди, чунки отаси ҳар куни эрталаб уларни куйлар эди. Аммо агар уни ёдлашга мажбурлашганда, бу бола учун жуда қийин масалага айланар эди.

**Болалар қизиқ нарсани
түғри ва қизиқ бўлмаган
нарсани нотүғри деб
ҳисоблайдилар**

Сиз болани девордаги йиртилган гулқоғозлар учун уришасизми? Қандай қилиб унга бунинг ёмон эканини тушунтирасиз? Сиз учун «яхши» ва «ёмон» тушунчалари ўз шахсий тажрибангиз ва умумқабул қилинган ахлоқий меъёрлар билан боғлиқ. Аммо ёш болада бундай тажриба йўқ, у гулқоғозни йиртиш яхши ёки ёмон эканлигини англаши учун бирор нарсага таяна олмайди. Агар уни қаттиқ койиссангиз, эҳтимол, бу ишни нохуш оқибатлардан сақланиш учун қайта қилмаслиги мумкин. Шу билан бирга, бу воқеа боладаги униб чиқаётған ижодкорлик истагини сўндириши мумкин.

Болалар психологи Сейширо Аоки болада «яхши» ва «ёмон» тушунчалари шаклланишини махсус тадқик этди ҳамда бола учун «яхши» қизиқ ва ажойиб маъноларини английши ҳақида хулоса қилди. Масалан, газеталарда кўпинча бола ўғирлаш воқеалари ҳақида ёзишади. Бола бехатар уйга қайтгач, ундан нега бегона одам билан кетганини сўрашганида кўпинча: «Қизиқ амаки эканлиги учун кетдим. У ёмон одам эмас», – деб жавоб беради. Бола ўғрилари бола психологиясини яхши биладиганга ўхшайди. Улар ўйинчоқ ва қизиқарли гаплар билан болада қизиқиш уйғотишади. Ёш бола эса қувонтирадиган, қизиқ гаплар айтадиган амаки бўлса, уни яхши одам деб ҳеч шубҳаланмай ўтрига эргашиб кетади.

Бундай «яхши» ва «ёқимли» тушунчалар эрта гўдаклик даври учун тўғри келади. Бола аста-секин тажриба орттиради, энди у «яхши»ни мақтов эшитиладиган нарса деб тушунади. Агар бола бирор топшириқни бажарса ва мақтов эшитса, у буни тўғри, яъни яхши деб билади. Бунинг акси, уни койишсанки жазолашса, демак, у ёмон иш қилгани-

ни англайди. «Ёмон» тушунчаси нохуш туйғуларни эслатади.

Масалан, сиз доим боланинг скрипкада ёмон чалгани ёки китобни ёмон ўқиганини маломат қиласиз. Бола эса машаққатлар келтирувчи бутун ўрганиш жараёнини ёмон деб тушуна бошлайди. Кўпчилигимиз ёшлиқдан мусиқа ёки инглиз тили дарсларидан нафратланамиз, чунки биз уларни нохуш туйғулар билан ёдга оламиз.

Шунинг учун болага ўз тушунчангиздаги «яхши» ва «ёмон» нима эканлигини мажбурлаб эмас, у яхши иш қилганида ёқимли ҳиссиётлар, ёмон иш қилганида эса нохуш ҳиссиётлар орқали тушунтириш анча самарали бўлади. Фарзандингизнинг қобилиятлари ривожи мақтов ва жазолаш усулларидан қанчалик муваффақиятли фойдалана олишингизга боғлик.

Боланинг қизиқишини мустаҳкамлаш керак

Бола тарбиясида қизиқтириш энг яхши омилдир. Аммо шу ўринда бир муаммо бор: боланинг бирор нарсага қизиқиши жуда тез йўқолади, чунки унинг қизиқувчанлиги чексиздир. Агар уни ўз ҳолига ташлаб қўйсангиз, унинг эътибори бир нарсадан иккинчисига сакраб ўтаверади. Албатта, бу унинг ёшига хос ва унинг эътиборини биргина нарсада мажбурлаб ушлаш унга тескари, яъни салбий таъсир кўрсатади. Боланинг қизиқувчанлиги дунёни англаш ҳамда унинг ақлий ва маънавий ривожланиши учун муҳим шарт ҳисобланади. Мен болага тўлик эркинлик беришни ҳам тавсия етмас эдим. Бола учун битта предмет билан овора бўлиб қолиш (бу ҳолатнинг ҳаддан ортиқ шакли аутизм де-

йилади) ва бирор нарсада ўз эътиборини бир муддат жамлай олмаслик бирдек хавфлидир. Натижада у енгилтабиат бўлиб улғайиши мумкин.

«Матуямаши» дўкони маслаҳатчиси бўлиб ишлаётган отадан олган хатимда боланинг қизиқишлари яхши куртак ёзиб, жараёнда давом этаётганлиги ҳақида ҳаётий мисол битилган эди. Катта ўғли бир ёшу икки ойлик бўлганида қандайдир сабаб билан унда «но» ҳарфига қизиқиш уйғонган. Буни сезган отона овқатланадиган столдаги суши халтасидан тортиб телевизор каби буюмларгача «но» ҳарфини илиб қўйганлар. Ҳар сафар буюмлардаги ҳарфни кўрсатиб «но» деб айтганлар. Кейин бир ёшу тўрт ойлик бўлганида алифбодаги АВСни ёдлаб олгач, амалий усулда катта ҳарфлар - XYZWTFHNM кабиларни ўргатишга киришганлар. Бола эса уларни дарҳол ёд олган. Бир ёшу олти ойлик бўлганида автомашина, электр асбоблари ишлаб чиқарувчи кабиларнинг русумларига қизиқиши уйғонган, олдин ишлаб чиқарувчи номини олиб, маркани кўрсатишган, кейин, аксинча, маркани кўрсатиб, ишлаб чиқарув-

чи номини сўрашган. Бир қарашда ота-она-нинг бу усули аҳмоқона кўринса-да, айни ҳаракатлари орқали боланинг қизиқишини кучайтириб, уни ривожлантиришга шароит яратадиганлар.

Теварак-атрофдаги кўпгина қизиқ нарсалар орасидан бола доимо ўзига қизиқарли нарсаларни топа олади ва у оламида унга ҳеч ким керак бўлмайди. Аммо, одатда, у ҳали ҳам катталарнинг ёрдамига муҳтожлик сезади. Катта одам болада пайдо бўлган қизиқишни қанчалик тез англаши ва эътибор бериши бу қизиқиш кейинчалик жиддий шаклда ривожланиши ёки сўнишига олиб келади. Шунинг учун айни вақтни бой бермаслик муҳимдир. Биз боланинг қандай қизиқишлари қобилият даражасида ривожлана олишини билмаймиз, лекин унда бу қизиқишларни ривожлантириш учун имконият бўлмоғи керак.

Такрорлаш – бола қизиқишини рағбатлантиришнинг энг самарали усули

Агар катта одам айни бир ҳикояни бир неча маротаба тинглашга мажбурланса, унга бу жуда зерикарли туюлади. Мен ўзим сабрсиз одамман ва бир нарсани икки маротаба тинглашга тоқат қила олмайман. Аммо ёшлигимда ота-онамдан эртакларни кўп марта такрорлаб ўқишларини сўрадим ва тинглашдан ҳеч чарчамас эдим. Такрорлаш бола миясида шаклланадиган алоқалар учун жуда муҳим. Унинг тавсия қилинишига сабаб шундаки, у болани зериктирмайди, чунки гўдакликда у зерикишни билмайди. Бу давр бола миясида тўғри шакллар ҳосил бўлишини, келажакда унинг ақлий ва маънавий ҳаётини белгилай-

диган энг яхши фурсатдир. Уч ойлик болага мураккаб мусиқа асари бир неча маротаба такроран қўйиб берилса, эслаб қолиши мумкин. Боланинг маълумотни қабул қилиш қобилияти ғоятда улкандир.

Бу даврдаги такрорлаш яна бир муҳим ва-зифага эга. Эртак ва қўшиқларни кўп такрорлаш орқали бола уни ёд олиб, бирор-бир ҳикоя ёки қўшиқни янада кучлироқ ёқтира бошлайди ва у ҳақда ўзининг чексиз саволларини беришда давом этади. У ёқтирган эртагини ёдлаб олади ва унинг асосида дунё ҳақидаги қизиқишини маълум вақтга қадар қондиради. Қизиқувчанлик инсон тараққиёти учун жуда муҳим орзу-истакларни уйғотади. Бирор нарса қилиш истаги оппоқ қофоз ҳолатида пайдо бўлмайди. Қизиқиш хоҳиш-истакларни уйғотади, кейин истакнинг ўзи инсонни юксалтиради. Эртакларни такроран эшитиб тарбияланган гўдак бир-икки ёшидан улғайгунига қадар расмларга қизиқишини намоён қиласи, кейин эса ҳарфларни танийди ва охири ўқиши ўрганишни истайди.

Мен ўз фарзандини кўп ишлагани туфайли бир йилу икки ойга интернатга топширган

ота-онани билар әдим. Бола уйига қайтиб келганида ривожланиш даражаси анча орқада әди. Аммо түрт ёки беш ёшларида унда бирдан мусиқага, айниқса, скрипка ва пианино машғулотларига қизиқиш уйғонди. Ота-онаси таажжубда қолиб, бирдан уйғонган қизиқиш қандай пайдо бўлганини тушунмадилар. Интернатда бола етарли даражада интеллектуал рағбатлантириш олмаганлиги, аммо ухлашдан аввал болаларга Моцарт ва Шубертнинг куйлари пластинкада қўйиб берилишидан хабардор әдилар. Бир томондан, етарли даражада интеллектуал рағбатлантириш бўлмаганлиги, бошқа тарафдан, бир хил мусиқа куйлари такрорланиши унинг ақлий қобилиятини секинлаштириди, аммо мусиқага сезувчанликни оширди. Бу ҳикоя ибратли бўлиб, гўдакликда бола ривожланиши учун турли таъсирлар ҳақида жиддий фикрларни уйғотади.

Боланинг тасаввури ва хаёллари унда ижодий қобилиятни ривожлантиради

Кўпгина ота-оналар ўз фарзандларини ижодкор шахс этиб тарбиялашни истайдилар. Аммо, қўрқаманки, замонавий тарбия тизимида ижодий қобилияtlарни гўдакликдан ривожлантириш етарли даражада самарали эмас.

Ижодкорлик нима? Аниқ таъриф бериш мушкул. Аммо энг оддий маънода у чараклаб кўзга ташланаётган қизиқиш, тасаввур ҳамда ички ҳиссиёт (интуиция)нинг мустақил нағоён бўлиб, у юқори даражага кўтарилганда кашфиётлар, ихтиrolар шаклида кўринишидир. Унинг энг юқори даражасида ижодкорлик, ақл, билим ва тасаввур бирлаштирилди. Шубҳа йўқки, ижоддаги муваффақиятлар

илдизи шахсий ва ҳиссий идрок этиш ҳамда гүдакликдаги тажрибаларга бориб тақала-ди. Бошқача қилиб айтганда, болалик тасав-вурлари катта одамга реал ҳаётдан узок туюлса-да, ҳақиқатда, ижодиёт куртаклари ҳисобланади.

Масалан, сиз болага бирор ўйинчоқ совға қилдингиз, айтайлик, ҳайвонча. У ўзини шу ҳайвон билан тенглаштириб, ҳайвонот боғига бориб кўрган тажрибасига асосланиб, ўзининг кўниумаси ёки эшитган эртаги асо-сида у ҳақда бир ҳикоя тўқиши мумкин. Ёки, масалан, бирор-бир расм унинг тасаввурини шу қадар таъсирлантириши мумкинки, катта одамлар бунға қодир бўлмайдилар. Айтишла-рича, Леонардо да Винчи ёшлигида шифтда учайтган алвастилар ва у ердаги ёриқлар, доғлар орасида қимиirlаётган ҳар хил маҳ-лукларни кўрган.

Катта одам чойнак чизади, бола эса бу расмда оғзи очиқ балиқни кўради. Катталар болани уришиб: «Аҳмоқона гапларни га-пирма, бу чойнак», – дейди. Айни жавоб хато бўлади ва бу энди очилишга тайёр ғунчани як-сон қилиш билан баробардир. Қуйидаги беш

ёшли боланинг ёзганлари бўлиб, ҳақиқатан, қизиқарли ижод маҳсулидир. Бунда онанинг қандай йўл тутиб тарбиялагани жуда муҳим. «Зения олган сават ичидаги тилла тангалар бор экан. Уни уйга олиб келибди. Шунда тилла тангалар баргга айланибди. Яна қоя тагида сават бор. Бу саватни озгина очиб қараса, ичидан кўп мевалар чиқибди. Зения уларни ебди. Кейин майсазор пайдо бўлибди, гуллар очилибди. Шундай қилиб, тамом».

Болада ички ҳиссиётларни (олтинчи ҳиссиёт) ривожлантиринг

Биз биламизки, инсонда бешта сезги аъзо-си бор: кўриш, эшитиш, ҳидлаш, таъм билиш ва тери сезгиси. Аммо унда олтинчи ҳиссиёт – ички сезгирилик (интуиция) ҳам бор. Олтинчи ҳиссиёт туфайли, масалан, кўпгина аёллар эрининг хиёнати ҳақида аниқ биладилар. Агар жиддий гапирсак, ички сезгирилик – бу бирор-бир эътиборга лойиқ муваффақиятнинг муҳим шартидир. Олтинчи ҳиссиёти бор инсонларни мен «сезгиси кучли одам» деб айтаман.

Барча буюк ихтирочилар, улкан билим ва тажрибаларига қарамай, ички сезгиларига ҳам таянганлар. Ички сезгирилик бешта сезги ўрнини босади. Шунинг учун у энг қадимги

ва асосий (фундаментал) ҳиссиёт ҳисобланади. Ички сезирликни яна мантиқ ва соғлом фикр чегарасидан чиқувчи «ҳайвоний түйғу» деб ҳам аташади.

Аввал айтиб үтганимдек, бола уч ёшгача ҳайвонга яқинроқ бўлади, яъни у мантиқан фикрлай олмайди ва ўз ҳис-түйғуларига таянади. Буни ёдда тутиш ва унинг ҳиссий ривожланишини рағбатлантириш жуда муҳимдир. Қандайдир кўникмаларни ўргатиш орқали уларнинг ҳиссиётларини сўндирамаслик керак, унга мантиқ ва далиллар асосида таъсир кўрсатмасликка ҳаракат қилиш зарур.

Бунга алоҳида мисол керак деб ҳисоблайман. Доктор Сузуки ёзган китобида ҳиссиётни ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари ҳисботи олинган ҳолати кўрсатилган. Бу доктор Сузуки Шугун исмли кўзи ожиз болага скрипка ўргатган пайтидаги ҳолатdir.

Бошида скрипканинг шаклини ҳам билмайдиган, қоронги дунёда яшайдиган болага жуда моҳирона техник усуллар керак бўлган. Скрипканинг мусиқий ижроси у кабилар учун имконсиз деб ўйлаган бўлса-да, жавобгарликни ўз бўйнига олиб, ўқитища

барча усулларни құллаб, сабр билан унга устозлик қилди. Сузуки дастлаб скрипка тутқичини үнг-чап, тепа-пастига ҳаракатлантириб машқ қилдирди. Кейин чап қўл кафтини скрипка тутқичига қўйиб, скрипка тутқичини кўрсатган. Бошланишида бола нотўғри жойини кўрсатди. Икки ҳафта ўтиб икки-уч марта тўғри ушлади. Ниҳоят, кафтида узоқ вақт, кичик бош бармогида бир марта бўлса ҳам жуда аниқ ушлайдиган бўлди. Бир йиллик ҳаракатлар натижасида Садаказу ҳар куни жамоат залидаги концертда мутлақо осон бўлмаган куйни ажойиб тарзда ижро этди. Бу, шубҳасиз, унинг скрипка ҳолатини қалб кўзи билан қўрувчи олтинчи ҳиссиётнинг машқ қилдирилгани ғалабасидир.

Ички сезгирилик бешта ҳиссиёт йиғиндиси бўлгани сабабли уни ривожлантириш уларнинг барчасини кучайтиришга хизмат қиласиди.

Бола тарбиясида жинсий фарқ йўқ

Ота-оналар фарзандлари туғилиши билан «Бу бола меҳрибон, фаҳм-фаросатли ва кучли инсон бўлишини хоҳлайман» қабилида яхши ният ва орзу қиласидилар. Бу ота-она қалби деб аталиб, худбинлик, шуҳратпарамтилик қабилардан мутлақо йироқдир. Лекин фарзанди ким бўлиши ҳақида орзу қилганларида унинг жинсини ҳисобга оладилар: «У сиёsatчи бўладими ёки олимми?», «Умид қиласанки, у гўзал ва ақлли қиз бўлади!»

Нима сабабдан биз янги туғилган ўғил ва қизга турлича муносабат билдирамиз? Аслида, уч ёшгача бўлган болаларнинг ташқи кўринишида унчалик катта фарқ йўқ. Баъзида биз уларни ҳатто ташқи кўринишларидан ажрата олмаймиз. Баъзи тилларда гўдак

сўзи чақалоқнинг қиз ёки ўғил бола эканини аниқ кўрсатмайди. Илм-фан ҳам «Жинсий фарқланишлар уч ёшдан кейин намоён бўлади», деган фикрда. Машҳур болалар психологи Ван Орнштейн бир қатор тадқиқотлар ўтказгандан сўнг «Фақатгина уч ёшдан кейин бола ўз хатти-ҳаракатларида жинсий мансубликни намоён қиласди ва тўрт-беш ёшларига келибгина ўйинларда яққол кўрсатади», деган холосага келади. Шундай қилиб, уч ёшгача болалар ўртасидаги жинсий фарқ фақат боланинг жинсий аъзолари шаклида кўринади.

Шунга қарамай, ота-оналар ўз фарзандларини уларнинг жинсини инобатга олиб тарбия қиласдилар. Масалан, янги туғилган ўғил болани кўк рангда, қиз болани эса пушти рангда кийинтирадилар. Боланинг диidi ҳали ривожланмаган вақтда ўғил бола пушти кийим кийиши ва қиз бола кўршапалак, машина ўйинчогини ўйнашида қандай ёмонлик бор? Ўғил болада қўғирчоқقا қизиқиш уйғонса, уни олиб қўйиш керакми? Нима сабабдан унга доим ўғил бола эканлигини эслатиб туриш лозим? Нима учун қиз бола кураш билан

қизиқиши мүмкін әмас? Немис шоири Рилкега қызы бола кийимини кийдириб, қызы боладек тарбия қилишган, аммо у бундан қызы бола бўлиб қолмади. Қызы бола ўғилсифат ва ўғил бола қизсифат бўлиб қолиши ҳақида қайтургандан кўра ота-она болага бу борадаги қарашларини уқтириши унинг руҳиятига қандай зарар кўрсатаётгани ҳақида мулоҳаза қилмоқликлари зарур.

Ёш болага жинсий мавзуларда ҳақиқатни айтинглар

Охирги пайларда «жинсий тарбия» оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилинмоқда. Асосий савол: жинсий тарбияни қачон бошлаш керак – бошлангич синфлардамы ёки ўрта синфда? Мен бу саволни ноўрин деб биламан. Нима сабабдан инсон танасидаги жинсий аъзоларни маълум давргача боладан яшириб, кейин мактаб ёшига етганда ўргатилиши керак? Икки-уч ёшдаги боладан буни яшириб, ёлғон гапириб ўргатиб келинса, кейин бирдан жинсий таълим ҳақида гапира бошласак, ўргатадиган катта ёшдаги одамга ҳам, ўрганаётган болага ҳам нокулайлик туғилади.

Гўдак ўзининг қиз бола ёки ўғил бола эканлигини ҳис етмаса-да, икки ёки уч ёшида бу

борада саволлар беришни бошлайди. Масалан, чўмилаётганида отаси ва онасининг тана аъзолари бошқача тузилганини кўради. Албатта, саволлар беради. Оилада яна бир фарзанд туғилса, у қандай қилиб ука ёки сингил дунёга келганини сўрайди.

Бола бундай саволларга аниқ жавоб олиши керак. Болага ҳазиллашиб ёки ёлғон гапириш керак эмас. Ота-онанинг ноқулай ахволга тушиши бу мавзуни тақиқланган нарса каби қизиқарли бўлиб туюлишига олиб келади. Икки-уч ёшдаги боланинг ички туйғулари унга ёлғон гапираётганликларини сеза олади. Бола буни билдиримаслиги мумкин, аммо ота-онанинг ғалати хатти-ҳаракати унинг қизиқиши кучайишига сабаб бўлади.

«Боланинг жинсий ҳаёт ҳақидаги ҳақиқатни билишига ҳали эрта», – дейиш адолатсизликдир. Жинсий мавзуларни чиройли сўз орқали тўғри тушунтириш керакки, болада бу мавзуга табиий бир жараёндек муносабат шакллансин. Бу мавзуни тақиқланган деб тушунувчи катталар эса ёшлиқда нотўғри тарбия олган.

Кун тартиби болада вақт тушунчасини шакллантиради

Замонавий бола учун телевизорсиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ота-оналар ўз фарзандлари билан алоқани йўқотмаслик учун улар кўраётган теледастурларни томоша қилмоқдалар.

Телевизор гўдак ҳаётида соат вазифасини бажармоқда, чунки унда ҳали вақт тушунчasi мавжуд эмас. Ҳар бир дастур бирор-бир ҳодисага боғланган: ота ишга кетади, ота ишдан келади, ухлаш вақти ва бошқалар.

Телевизион дастурлар мунтазамлиги болада вақт тушунчасини шакллантиради. Одатда, гўдак фақат буғун билан яшайди, унинг учун «ўтмиш» ва «келажак» тушунчалири мавжуд эмас. Тахминан икки ярим ёшида,

аниқроғи, гапиришни бошлаганида бола «аввал», «кейин», «кеча» ва «эртага» нима әканлигини тушуна бошлайды. Бошқача қилиб айтганда, бола нутқни тушуна бошлаганида ва гапиришни ўрганганида унда вақт түшунчаси пайдо бўлади.

Аммо тажриба шуни кўрсатадики, гўдак ҳозир, келажак ва ўтмиш тушунчаларини телевизион дастурлар ёрдамида англай бошлаган. Телевизион дастурларнинг мунтазамлиги нонушта, тушлик, отанинг ишдан келиши каби оиласвий ҳаётдаги ҳодисалардан аниқроқдир. Телевизор бола кунини тартибга солишда яхши хизмат қилиши мумкин. Мунтазам тартибга риоя қилиш нафақат болага яхши одатларни ўргатишда, балки унга вақт түшунчасини шакллантиришда ҳам зарур. Баъзи оналар болаларига улар санашни ўрганишидан аввал соат бўйича вақтни ўргатадилар. Гўдак соат миллари (стрелкалари) маъносини тушунмайди ва унга: «Соат саккиз, ухлаш вақти бўлди», – деб тушунтириш фойдасиз. Бола соат саккиз бўлгани учун эмас, балки қоронғи тушгани ва уйқуси келаётгани учун

ухлашга ётади. Мунтазам кун тартиби болада вақтнинг тахминий тушунчасини ишлаб чиқади. Бу тартиб бола учун соат вазифасини ўтайди.

Янгиликлар дастури болага тұғри сүзлашда күмак беради

Бир онанинг айтишича, унинг икки ёшли үғли ҳар куни радио ва телевизордаги янгиликлар дастурини тинглаш орқали тұғри сүзлашни үрганмоқда экан.

Хали сўзларни билмайдиган бола учун мураккаб сўзлари кўп бўлган янгиликлар дастурини эшииттиришдан нима маъно дерсиз? Бироқ масала, албатта, янгиликларнинг маъносини тушунишида эмас, балки тұғри талаффуз, ургу ва оҳанг (интонация) билан тил шаклини яратища.

Саводсиз нутқ ва нотұғри талаффуз бола улгайиб бораётган мухит натижасидир. Мухит бизнинг онгимизда үз иродамизга қарши үчмас из қолдиради ва буни ҳеч нарса билан

үчириб бўлмайди. Агар катта одам нутқида бирор-бир ўзгариш бўлса, бу унинг фарзандига, фарзандидан эса набирасига ўтади. Шундай қилиб, тилдаги барча хатоликлар авлоддан-авлодга ўтиб боради.

Агар тўғри нутқ бола онгига мустаҳкам ўрнашса, кейинчалик у оммавий ахборот воситаларида кўп ишлатилаётган жаргонлар таъсиридан қочиб қутула олади ёки улардан фойдаланган тақдирда ҳам бола тилига салбий таъсир ўтказмайди.

2. Гүдакликда фөъл-атворни тарбиялаш

**Мусиқий уйғунлик
гүдакликда самарали
ўзлаштирилади**

Фильмларда кўпинча оила ёки бир гурӯҳдаги дўстлар бўш вақтларини биргаликда куйлаш билан ўтказишларини кўрсатишиади. Мусиқавий таълим олмаган оддий қишлоқ аҳолиси жўр бўлиб, завқланган ҳолда куйлайдилар, уларнинг товуши хушоҳанг ва уйғун бўлади. Албатта, бу фильм бўлгани учун десак-да, японияликларда керагича мусиқий таълим олиниб, мусиқанинг ўқилиш усулини ёдлаб олишса ҳам, бундай куйланмайди.

Гүдак мусиқавий саводхонликни алоҳида ноталар ёрдамида эмас, балки ҳамоҳанглик асосида ўрганади. Бу эса товушлар ўртасидағи фарқни уларни солиштириш орқали тушунишга ёрдам беради. Товушлар бирикмаси (комбинацияси) унга товушларнинг ўзаро муносабати ва ҳар бир товушнинг алоҳида сифатларини ҳис этишига ёрдам беради.

Куй ва оҳангларни мукаммал равища фарқлаш қобилиятини улғайган инсонда ривожлантириб бўлмайди, аммо гўдакка тўғри мусиқавий таълим берилса, бунга эришиш мумкин.

Мусиқа таълими диққат-эътиборни жамлаш қобилиятини ривожлантиради

1970 йили Осакадаги күргазмада БМТ шарафига бағишенгандын ёш скрипкачилар концерти бўлиб ўтди. Концерт соат 11⁰⁰ да бошланди, аммо эрталаб соат 8⁰⁰ да кўпгина болалар, шу жумладан, уч ва тўрт ёшли болалар, совукقا қарамасдан, ўз куйларини такрорлар ва скрипкаларини созлаб майдонда турадилар. Мен бу болаларнинг событқадамлигидан таажжубда қолдим.

Албатта, ёш болалигича қолиши, тийрак ҳамда қизиқувчан бўлиши керак. Аммо тийраклик ва қунтсизлик бир нарса эмас. Охиргиси катта одамда ғоятда исталмаган сифат ҳисобланади. Бир нарсага диққатини узоқ муддат жамлай олмайдиган

шахс ҳар бир масалада бекорга кўп вақт ва куч сарфлайди.

Ўзида юқори даражада диққатни жамлаш қобилиятини ривожлантирган шахснинг юксак афзаликлари бор. Мусиқа мактаблари ўқувчилари интизомли ва яхши тарбия кўрган ҳисобланади. Балки, сиз: «Бу болаларнинг ота-оналари қаттиққўл. Шундан болалар ёшлиқданоқ зерикарли ва жиддийлар», - деб ўйларсиз. Бундай эмас! Улар ўзларини яхши тутишларига сабаб дарсларда ота-оналари бўлгани учун эмас, балки ҳеч бир қийинчиликсиз юқори даражада диққатни жамлай олиш қобилиятига эга эканлигидадир. Ўқишишурганиш улар учун осон ва бир хил вақтда бошқа болаларга нисбатан кўпроқ вазифалар бажаришга улгурадилар. Шундай қилиб, уларда кўпроқ бўш вақт қолади.

Доктор Сузукининг скрипка дарсларига қатнаган барча болаларнинг ота-оналари таъкидлашича, уларнинг фарзандлари имтиҳонга тайёрланаётганларида ҳеч қийналишмаган, кўп вақт ҳовлида болалар билан ўйнашларига қарамай, ҳеч бир зўриқишиз яхши ўқишиган. Бу савол мутлақо ақлли болани кашф қила-

ди: хушчақчақ, зукко ва умумқабул қилинган стереотипдаги ранги кеттган, орық, күзойнакли болага сира ўхшамайды. Конфуцийнинг «Мусиқа билан ҳамоҳангликда» таълимотида айтилишича, мусиқа қалбни юмшатади ва феъл-авторни яхшилайды. Мусиқавий машғулотлар мунтазам машқларни талаб этади, бу, ўз навбатида, диққатни жамлаш қобилиятини тарбиялады. Шундай қилиб, мусиқа ҳам феъл-авторнинг тұғри шаклланишига ҳисса қўшади.

Скрипка чалиш етакчилик феъл-атворини ривожлантиради

Эрта таълимнинг антиқа далилларидан бири саналган скрипка таълими, олдинги бандда айтиб ўтганимдек, диққатни жамловчи кучни ривожлантириш билан бирга яна бир ажойиб, фойдали жиҳатни намоён этади. Бу кўп одамларни йиға оладиган куч, яъни етакчилик қиласиган инсонни тарбиялашидир.

«Бошқа инсонларни бошқариш қобилияти фақатгина катта одамларга хос ва бу сифат каттароқ ёшда тарбияланади», деган тушунча мавжуд. Аслида, етакчилик хусусиятлари кўпчилик ўйлаганидан эртароқ ривожлана бошлайди. Ҳар бир болалар гуруҳида кимдир, албатта, етакчи ролини ўйнай бошлайди.

Доктор Ямашита ўзининг «Бола психологияси» номли китобида таъкидлашича, етакчилик қобилиятига эга бола, унинг атрофида бошқа кўпгина болалар бўлса ҳам, доимо ўз фикрлари ва қилаётган ишларини аниқ мақсадга йўналтирган бўлади. Ўйин ёки бошқа машғулотларида у доим бирор янги нарса ихтиро қилишга интилади ва ўз фикрларини татбиқ этиш учун биринчи бўлиб ҳаракат қиласди.

Бу сифатлар скрипка (ёки бошқа чолғу асбоби) машғулотларида ҳам шаклланади. Ҳеч қандай ажабланарли томони йўқки, доктор Сузукининг ўқувчилари ранги синиққан даҳолар эмас, балки етакчилик қобилиятига мойил қувноқ ва шижоатли болалардир. Бу болалар ўз вакти-соати билан ҳар бир жамиятга зарур йўлбошчилар бўлиб улғаядилар.

Бунга яққол мисол доктор Сузукининг севимли ўқувчиси бўлган Тойота Кожи жанобларидир. Тойота жаноблари дунёдаги энг машхур оркестрлардан бири бўлган Берлин радиоэшиттириш оркестрининг концертмейстери бўлган. Концертмейстер барча оркестр

аъзоларининг вакили бўлиб, аъло даражадаги етакчиликни талаб қиласиган лавозимдир.

Жаноб Тойотадан ташқари доктор Сузукининг скрипка чалиш дарсидан дунёning энг машҳур оркестрлари етакчилари етишиб чиққан. Уларнинг барчаси ўттиз ёшлардаги ўспириналар бўлиб, тили ҳам, одатлари ҳам, руҳияти ҳам бир-биридан фарқ қилувчи Германия, Америка каби давлатларнинг мусиқачиларига қўшилганлар. Шундай қилиб, доктор Сузукининг кўплаб талabalari дунёning энг машҳур оркестрлари сафида пешқадамлик қилганлар.

Гўдакликдаги мусиқий таълим боланинг ҳатто ташқи кўринишида ҳам акс этади

Одамнинг ташқи кўриниши наслга бутунлай боғлиқ ҳисобланади. Аммо одамнинг ташқи кўриниши унинг ҳаёти қандай кечётганига қараб ўзгаришини бирор марта бўлса ҳам пайқаганмисиз? Албатта, кўзлар ва бурун шаклини бутунлай ўзгартириш учун пластик жарроҳлик ёрдами керак. Бирок, умуман олганда, ташқи кўриниш ва ўзини тутиш ҳаётний шароитлар натижасида кескин ўзгаради. Айниқса, бу ўзгаришларни болаларда яққол кузатиш мумкин. Масалан, мусиқа тинглаётган ёки мусиқа дарслари олаётган боланинг ташқи кўриниши, шубҳасиз, шу машғулотлар туфайли ўзгаради. Биз «Эрта ривожланиш

уюшмаси»да бир гурух янги келган ва бир-биридан сира фарқ қилмайдиган гўдаклаф орқали тадқиқот ўтказдик. Сўнг гуруҳдан айрим болаларни танлаб олиб, уларга Моцартнинг «Кичик тунги серенадаси»ни эшилтиридик. Тўрт ойдан сўнг бу болалар бошқала-ридан фарқ қилас: улар тетикроқ ва кўзлари ёрқинроқ эди.

Машҳур япон мусиқа танқидчиси Маруо ўҳатида менга шундай ёзган эди: «Товушлаф одамга жуда катта таъсир кўрсатади. Зийрақ ва ғамхўр оналар Иккинчи жаҳон урушидағ бери болалар қандай ўзгарганини, эҳтимол сезгандирлар. Бу ўзгариш учта сабаб туфайлидир:

- 1) оналарнинг маданият даражаси ўсгаллиги;
- 2) овқатланиш яхшиланганлиги;
- 3) болаларга товушларнинг таъсири кучайганлиги».

Маруо мусиқа инсон юз ифодасини ўзгартиришига ишонади. У бундай қизик ҳолатга бир неча маротаба дуч келган. Шунинг учун мусиқа инсонни гўзал қиласди деган қатъий ишонч билан «одамнинг мусиқага шўнғиши»

усулидан фойдаланади. Унинг фикрича, бир ойлик чақалоққа фақат нутқни тинглаш етарли эмас, балки у радио, телевизор, магнитофон ёзувлари орқали мусиқани ҳам эшиитмоғи лозим.

Маруо ҳакам сифатида иштирок этган мусиқий дастурларда томошибинларнинг юз кўринишини кузатар экан, уларнинг мусиқий томошалардаги қўшиқ турига қараб ўзгариб боришини сезади. «Мусиқа йигилганлар юзини ўзгартирдими?», «Ўхаш чеҳрали томошибинлар бир хил мусиқани ёқтиришадими?» қабилидаги саволларга асосланган ҳолда жуда қизиқ кузатишлар ўтказиш мумкин.

Шунингдек, Маруо мусиқа инсонларни гўзллаштиришидан ташқари Чаморожининг бир усулида «мусиқий роҳат», яъни мусиқага сингиб, унга берилиш орқали чиройли бўлиш усулинини топган.

Шеър ёдлаш хотирани мустаҳкамлайди

*Қор эрийди
Дарахт шохидা,
Кабутар ғу-ғулар у ерда.
Боқ, мушук боласи
Оҳиста юрар
Тўкилган кузги барглар устида.
Эмаклар ва кулар гўдак,
У икки ёшга тўлди
Бугун эрталаб.*

Бу анъанавий япон шеъри – хокку. Ўрта асрлар охиридаги шоир Иссо Кобаяси томонидан ёзилган.

Бизнинг қобилиятларни тарбиялашга асосланган тажриба мактабимизда бундай хоккулар хотирани машқ қилдириб, мустаҳкамлаш учун ўргатилади. Хоккулар бизнинг

тажрибаларимиз мақсадига мос келади, чунки улар қисқа ва бир маромда бўлиб, ёдлаш учун осондир. Шунингдек, улар ёш болалар шеърияти талабларига жавоб беради: «Ёдлаш учун мўлжалланган шеърлар болада олижаноблик ҳиссиётларини тарбияламоғи, шу билан бирга, гўзал, нозик ва бутун умр давомида эслашга лойиқ бўлмоғи лозим. Бундан ташқари, улар болага ёқиши керак».

Бошида болалар ҳар куни Исса шеърларидан биттадан ёд оладилар. Уларга шеърларнинг маъноларини айтган ҳолда қизиқтириб ёд олдирадилар, эртасига яна шу шеърни такрорлатиб, кейин янгисини ўргатадилар. Шундай қилиб, бола хотирасини машқ қилдиради ва бундан роҳатланади. Агар биринчи маротаба бола эслаб қолиши учун шеърни ўн марта эшлиши керак бўлса, кейинги сафар унга уч-тўрт марта, кейинчалик бир марта қайтариш ҳам етарли бўлади. Тахминан бола бир йилда Иссанинг 170 та шеърини ёдлар экан.

Такрорлаш – илм олиш гарови. Бу аксиома. Агар бола шеърнинг бир қаторини унутса, уни бошидан охиригача қайтарсин. Шундай

усулда хотирасини машқ қилған одам бутун ҳикояни түрт ёки беш маротаба ўқишдан сүнг эслаб қолади.

Баъзи ўқувчилар хотирани мустаҳкамлашнинг бу усулига шубҳа билан қарайдилар. Мен ҳам бошида «Иссанинг хоккуси болаларга тұғри келмайды», деган фикрда әдим. Бироқ бу машғулотлардан мақсад фақат ёдлаш әмас, балки болада эстетик түйғуларни, унинг ақлий қобилият ва ижодий имкониятларини ривожлантириш ҳамдир.

Боланинг мияси ўз хотирасида юздан икки юзгача кичик шеърларни сақлаши мумкин. Бироқ фойдаланилмаса, хотира занглайди. Ундан қанчалик күп фойдаланилса, шунчалик фаол ишлайди ва ривожланади. Бола тақрорлашдан завқ олиши давомида унинг ёдда сақлаш қобилиятыни машқ қилдириш лозим.

Бир ишдаги муваффақият бошқа ишларда ўзига ишонч уйғотади

Биз бир неча бор таъкидлаганимиздек, скрипка чалиш дарслари ёки чет тилини ўрганиш машғулотлари болани даҳо қилиб ўстириш учун эмас, балки унинг умумий ақлзаковатини ривожлантиришга кўмаклашишдир. Бола учун ўз диққат-эътиборини фақат бир нарсага қаратгандан кўра ўзини кенгроқ соҳалардаги турли машғулотларда синааб кўриш фойдалироқ.

Бошқа томондан, агар бола бир соҳада муваффақиятга эришса, бу унда ўзига ишонч уйғотади ва у бошқа машғулотларда яхшироқ натижаларга эришади.

Бу каби мисоллар жуда кўп. Доктор Сузукининг синфида уч ёшли жуда уятчан, йиғло-

қи бола бор эди. У бошқа болаларга нисбатан ёмонроқ гапирап, унинг устидан кулишар ва ўйинларга қўшишмасди. Ўша болага скрипка чалишни таклиф қилишганида йиғлаб юборарди, ҳатто скрипкага қўл ҳам текизмасди.

Сабр-тоқатли доктор Сузукининг машғулотларига бир неча ой қатнаганидан кейин бола скрипка чала бошлади, олти ойдан сўнг эса писсикатони ҳаммадан яхши ижро этади. Бу унга ўз кучига ишонч уйғотди. У ўз шахсий ташаббуси билан шуғулланиб ота-онасини таажжублантириди. Шунингдек, бошқа ишларда ҳам киришимлироқ ва ҳаракатчан бўлиб қолди. У кўпинча ўзини дирижёр қилиб кўрсатарди, қўшни болалар орасида ташаббускор бўлиб олди. Унинг нутқи бутунлай тўғриланди.

Бу каби мисоллар фақатгина болалик даврига тегишли эмас. Мен талабалик давримда бошқа фанларни ёмон кўрар эдим. Инглиз тилини яхши кўраман дейдиган ғалатироқ бола бўларди. Инглиз тили аввал мутлақо янгидек туюлган, кейин секин-аста шуғулланиш орқали сўзларни яхши ёд ола бошлаган. Кейин у бошқа фанларга ҳам қаттиқ киришиб, яхши

натижалар күрсатди. Айниңса, чет тилидаги сўзлашишлар ўзига ишончини ошириш билан бирга тилни яхши кўриб, унда янада равон гаплашадиган бўлди.

Шу тарздаги ўзгаришлар катта одамлар билан ҳам юз беради, аммо руҳий кечинмали-ри чуқур бўлмаган ёш болаларда бундай ўзга-ришлар анча осонроқ кечади.

Үйин қарталарини жамлаш бола фикрлаш қобилиятини ўстиради

Ҳамма билса керакки, үйин қартасида юзи пастга қараган қарта жуфтини топиш деган үйин бор. Қартанинг орқасига ўғириб иккитадан тарқатилади. Бир қарашда жуда оддий кўринадиган үйин. Аммо ҳозир үйнаб кўрсангиз, бу катталар учун жуда мураккаб бўлиб, икки-уч ёшдаги болага осонгина ютқазишингиз мумкин. Бир марта фарзандингиз билан үйнаб кўринг. Бу үйин ҳеч қандай маҳорат талаб қилмайди, фақатгина хотирага таянади. Голибона бошласангиз яхши, лекин чалғишингиз ҳеч гап эмас. Охирида билмаган ҳолда қартани ўғириб қарасангиз, фарзандингиз эътиборли эканлигига гувоҳ бўласиз.

Бунга қарама-қарши ўлароқ, фарзандингиз сизнинг қийналиб ўйнаганингиз каби қийинчиликларга дуч келмай иккала қартани ҳам осон қўлга киритади. Албатта, сизнинг хотирангиз бошқалардан фарқ қилган ҳолда ёмон бўлмаслиги мумкин, лекин фарзандингиз хотирасидан жиддий фарқланади. Бу фарқ қаердан келиб чиққан? Яхшилаб эътибор берадиган бўлсак, жавобини топамиз. Бола қарта ҳолатини оддийгина ёддан эслаб қолаётгани йўқ. У қарта ҳолатининг барчасини бутун бир шакл сифатида таниб, миясига қўчириб олади. Яъни қарта тарқатилаётган вақтда уни биргина расмли шакл сифатида эслаб қолади. Бу биз шу пайтгача тез-тез такрорлаётган боланинг қиёфа, шакл таниш қобилиятига ўзига хос бир мисолдир. Биз, катталар, қарта ҳолатини битта-битта, ўнгдан неchanчи қатор, пастдан неchanчи қатор деб эслаб қолишга ҳаракат қилганимиз сабабли болага teng келолмаймиз. Бу каби қиёфа таниш боланинг устун бўлган қобилиятларидан биридир. Ҳар бир қиёфа (шакл)нинг хусусиятини дарҳол аниқ илғаб олганлиги учун, ўйлаб қарасак, у қадар доноларча эслаб қолиш усули

йўқ. Масалан, бола бир мартада эслаб қолса, кўчада кетаётган автомашинани бир кўришдаёқ қайси давлатнинг қандай автомашинаси эканлигини аниқ айтади. Буни ҳам қиёфа таниш қобилияти сабабли топа олади.

Шундай қилиб, болалар ақл-идроқини ўйин ва мусиқа орқали табиий равишда ўстуриб борамиз. Биз, ота-оналар, бунга қўлдан келганча ёрдам беришимиз керак. Бизнинг бу ҳаракатларимиз фарзандларимизнинг келажагига катта таъсир кўрсатади.

3. Ижодкорлик ва кўникмалар

**Фарзандингиз қўлига
қаламни имкон қадар
эртароқ тутқазинг**

Саккиз ойдан бошлаб гўдак қўлларида қалам ушлай олади. Боланинг соғлом ривожланаётганини бошқа омиллардан кўра унинг ушлаб туриш қобилияти намоён этади. Бу ёшда бола онасини ноилож ҳолатда қолдириб китобларни йирта, ўйинчоқларни бўлакларга ажрата бошлайди. Бошқача қилиб айтганда, бола ўз шахсиятини намоён қиласиди.

Боланинг хатти-ҳаракатларини ақл билан йўналтириш даркор. Чунки бу келажакда ижод

қилиш қобилиятыни шакллантиради. Унга рангли қаламлар тутқазинг. У эса, албатта, истаган жойини бўяй бошлайди. Агар унга қоғоз берсангиз, бир нечта қийшиқ чизиклар чизади ва, эҳтимолки, уни йиртиб юборади. Сиз учун бу қинғир-қийшиқ ёзувлар, аммо бола учун ўз фикрини ифодалашдир.

Бироқ кўпгина ота-оналар боланинг ушбу фикр ифодалашга бўлган интилишини билмаган тарзда сўндирадилар. Улар болага ўз қарашларини зўрлаб ўтказадилар: «Қаламни бундай ушла!», «Олмалар қизил бўлиши керак!», «Доирани бундай чиз!», «Китобни йиртма!», «Қоғозни ерга ташлама!», «Столга ёзма!». Жажжи бир гўдак учун тақиқлар кўплик қилмайдими?

Баъзида ёш боласи бор уй ўзининг тозалиги ва тартиблилиги билан одамни лол қолдиради. Одатда, меҳмон уйни шундай тартибли тутган ва болага ҳам қарашга улгурадиган онани мақтайди. Аслида, эртадан кечгача болага қараш уйни озода сақлаш учун ҳеч қандай вақт ёки куч қолдирмайди. Уйни тоза тутишга бўлган ҳаракати фарзандининг ижодий ривожланишига халақит беришини би-

лиш она учун кутилмаган маълумот бўлиши мумкин.

Бола қўллари орқали қиласидиган барча ишлари – расм чизиши, ўйинчоқларни отиши, қофоз йиртиши – унинг ақлинни ва ижодий қобилияtlарини ривожлантиради. Фарзандингизга қанчалик эрта қалам берсангиз, натижа шунчалик яхши бўлади. Шу билан бирга, ҳар дақиқа уни тўхтатсангиз, ижодий қобилияtlари ривожланишига халақит берган бўласиз.

Чизиш учун бир ўлчамдаги қоғоз – бу бир қолипдаги одам

Иллюстратор (безовчи) рассом Хироше Минабе ҳозирги кунда мавжуд уч ёшгача бўлган болалар тарбиясидан қониқмайди. Унинг баъзи фикрлари менга эътиборга лойикдек кўринмоқда.

Масалан, унинг айтишича, расм чизишдан аввал рассом унинг қайси ўлчамда бўлишини ҳал қиласиди. Болага эса бир ўлчамдаги қоғозни берадилар ва шу билан уни танлаш имкониятидан маҳрум қиласидилар.

Худди шундай муносабатни бошқа масалаларда ҳам кузатамиз. Масалан, болага фақат маҳсус ёш болалар куйлари ва эртаклари мос келади деб ҳисоблашади. Катта одам

тасаввурининг торлиги боланинг тасаввури-
ни чеклайди.

Болаларга бир хил ўлчамдаги қоғоз бе-
рилганида улар беихтиёр «Барча расмлар
фақат шу ўлчамда бўлиши керак, ота-онам
ва тарбиячиларим шуни хоҳлашади», деган
фикрда бўладилар. «Бундай тор дунёда кичик-
кичик расмлар чизсам, онам хурсанд бўлади,
боғча опамдан мақтov эшитаман», деган тор
тушунчадаги бола тарбияланади.

Бола биринчи маротаба қўлига қалам олга-
нида ва тоза қоғозда из қолдириши мумкин-
лигини англаганида ғоят улкан дунёни кўра-
ди (ота-онасининг тасаввур қилиши мум-
кин бўлганидан анча катта). Бу улкан дунё
бир ўлчамдаги қоғоздан анча каттадир. Мен
болага жуда катта ўлчамдаги қоғозни берар-
дим, токи унинг устида эмаклаб чиза олсин.
Бир ўлчамдаги қоғоз ижоддан маҳрум ва ҳаёт-
тий бардошга эга бўлмаган бир қолипдаги
одамни тарбиялайди.

Ўйинчоқлар кўплиги боланинг диққатини паришонхотир қилади

Ўйинчоқларнинг ташвишга соладиган бир жиҳати бор. Менга Японияда оналар болаларига ўйинчоқларни жуда кўп олиб берадигандек туюлади. Кўпинча дўконларда кузатганларим: бола ўзига ёқсан ўйинчоқни сотиб олишни талаб қилиб қаттиқ жазавага тушади ва ота-она чидолмасдан ўйинчоқни сотиб олади. Бундай пайтда американлик отоналар бола йиглайдими, бақирадими, зинҳор ўйинчоқ сотиб олиб беришмайди. Америка оиласарини кузатадиган бўлсак, туғилган куни ва янги йилдан бошқа пайт болага ўйинчоқ харид қилмайдилар. Болаларни ўйинчоқ дўконига олиб борган ҳолатларни камданкам учратасиз. Бола хоҳлаган барча нарсани

олиб бериш асло онанинг муҳаббати сабабли эмас, аксинча, болага ёмон таъсир ўтказмаслик фикри туфайлидир.

Мен ҳам неварамнинг кайфиятини кўта-риш учун ўз инжиқлигимдан ўйинчоқ совға қиласман ва қизимнинг бундан кўп жаҳли чиқади. Ўйинчоқ олиб берганим учун танбех, эшиганим аҳмоқона гап бўлса-да, Америка оилаларини кўриб бу умуман яхши эмас деб мулоҳаза қилинади.

Кўпгина психологлар фикрича, боланинг атрофида ортиқча ўйинчоқлар бўлиши болани эзib қўяди ва фикрини жамлаши қийин кечади. Бола битта ўйинчоқни яхшироқ ўйнайди ва у билан турли ўйинлар ўйлаб топади. Унинг тасаввурида бир тахта бўлаги ёки чойнакнинг синган қопқоғи эртакдаги уйча ёки ажойиб кўлга айланиши мумкин, бу эса дўкондаги қиммат ўйинчоқдан анча қизиқарлироқдир.

Шундай қилиб, болада ўзгача фикрлаш ва ихтирочиликни ривожлантиришни истасангиз, у сўраётган барча нарсани сотиб олиб берманг. Бу билан умуман тескари натижага эришасиз.

Ўта тартибга солинган хона бола ўсишига тўсқинлик қилади

Жуда ғамхўр оналар болага хавф түғдириши мумкин бўлган ҳамма нарсанни олиб ташлашга ҳаракат қиладилар. Бола эмаклаш ёки юришни бошлаганида тебраниб юради ва доимо вазаларни тушириб юборади, электр симларига ёпишади, бетон полда сирғанади. Албатта, оналар ўз фарзандини барча хавфхатардан омон сақлашни ва унинг йўлидаги барча хавфли нарсаларни олиб ташлаб, фақат тўмтоқ ва бола кўтара олмайдиган оғир нарсаларни қолдирадилар.

Яқинда «ахлоқизлик мунозараси»да машхур ёзувчи Сакакучи Ангонинг аёли ёзган китобни ўқидим. Унда қуйидагилар ёзилган эди. Анго доим ўз хонасини оёқ босишга жой

қолмайдиган даражада бетартиб қилар, хотини тартибга солиб, йигиштириб қўйса, Аса имкон борича бетартиблик қилар эди. Фақат Ангонинггина эмас, ёзувчи ва рассом каби ижодий иш билан шуғулланадиган инсонларнинг хонаси, одатда, ажабланарли тарзда бетартиб бўлади, уларни кичкина савдо дўкони дейиш мумкин. Бу ҳолат уларнинг сермаҳсул ижод намуналари билан алоқадор деб ўйлайман.

Шундай қилиб, улар бола атрофида деярли вакуумни ҳосил қиласидилар. Мен бола ривожланиши учун қўл билан ушлашнинг (тактил) фойдаси ҳақида айтиб ўтгандим. Мадам Монтессори тавсиясига кўра, онгли равишда болага қаттиқ ва юмшоқ, қўпол ва нозик, тўмтотқ ва ўткир, оғир ва енгил предметларни таклиф қилиш зарур. Бола учун унинг атрофидаги барча нарса қизиқ. У қўлинин теккизади ва пайпаслайди, баъзида тўкиб юборади ёки бўлакларга бўлиб йиртади. Бу унинг ўсаётган қизиқувчанлиги ва ижодий салоҳиятидан далолатдир.

Болада тартиб ҳақида шахсий тасаввур мавжуд

Бола учун мутлақ тартибли уйда яшаш зарарли бўлса-да, мен уйда тартибсизлик бўлиши керак деб таъкидламайман. Бир неча маротаба айтганимдек, унинг миясида фаол равишда андаза (стереотип) ҳосил бўлади ва бу уни ранглар, шакллар жойлашган томонга жалб қиласди.

Шаклларни таниш қобилияти доимий такрорлаш натижасида ривожланишига асосан мен «Бир предметни доим бир жойда топа олса, бошқа кўникмаларни ҳам ўрганишда бўлгани каби, унга ижобий таъсир кўрсатади», деган холосага келдим.

Бу ҳақда Жан Пиагет профессори Монтессори хоним кўп ҳаётий мисоллар кел-

тиради. Масалан, беш ойлик болани болалар аравачасида сайд қилдириб, сариқ девордаги оқ мармар тошбосма (литография) томон юзланганда бола уни күриб қувонади. Сүнг ҳар куни шу томонга юзланиб бола тошбосма олдига келганда күзлари чақнаб кетади. Бундан ташқари, доим күриб ўрганган стол тепасидаги қизил соябон олиб қўйилганида бола ёмон ҳолатга тушади, ҳаммомда чўмилтирилаётганда ўнг томонни чап томонга алмаштирганда касалга ўхшаган ҳорғин ҳолатда қолади, стул тепасидаги ёстиқ ҳолати ўзгартирилса, йиғлайдиган бола бир қолипдаги муҳитнинг ўзгаришини сезади.

Бола ўз ҳаётидаги ҳар бир ўзгаришга ўта таъсирчандир. Баъзида гўдак ўзидан-ўзи йиғлашни бошлайди, иштаҳаси йўқолади, ҳарорати кўтарилади. Бу аломатлар унинг атрофида бўлган ўзгаришларга нисбатан таъсирланиши бўлиб, катта одам буни пайқамаслиги мумкин.

Бошқача айтганда, ҳар қандай ўзгаришлар боланинг тартиб тўғрисидаги тасаввурини издан чиқаради. Агар бу ўзгаришлар унга ёқмаса, албатта, ўз муносабатини билдиради.

Биз тушунишимиз шартки, катта одамларга нисбатан ёш болалар ўзгаришларга күп-роқ таъсирчан бўладилар. Гўдаклар нарса-буюмларни алоҳида эмас, балки бир-бири билан боғлиқликда қабул қиласидилар. Бу, ўз навбатида, уларнинг ривожланишига кўмак беради. Шунинг учун биз, катталар, боланинг атрофдаги барқарорлик ва тартиб тўғрисида-ги тушунчаларини бузиши мумкин бўлган кескин ўзгаришлардан йироқ туришимиз зарур.

Болага кузатув шароитини таъминланг

Хаёлимга кўпинча аравачада ётган чақалоқнинг қуруқ шифт ёки чивинларга қарши докадан бошқа нарсани кўра олмаслиги келарди. Баъзида унинг ўрнига катта одамнинг юзи пайдо бўлади ва тезда йўқолади.

Бу яхши эмас. Бола бирор нарсага қараши зарур. Бутун дунёда ота-оналар беланчак устуга шиқилдокларни осиб қўйишади. Бу етарли эканлигига амин эмасман.

Италиялик гўдак ёшидаги болалар таълими тадқиқотчиси Монтессори хоним менинг бу хавотирларимга қўшилади. Унинг таъкидлашиба, бу ёшдаги болалар барча сенсор ҳистийғуларни зўр иштиёқ билан ўзлаштирадилар, аммо бу эҳтиёж бола доимий равишда ўз беланчаги ёки аравачасида чалқанча, яъни

тепага қараб ётганида қониқтирилиши мумкин эмас. Катталар доимий равишда болага энгашсалар-да, бу боланинг ғашига тегади, чунки у бошини қимирлата олмай, йўқолаётган нарса ортидан кузатишга ҳаракат қиласди.

Боланинг устида ҳар дақиқа эгилиш ёки уни ўйинчоқлар билан кўмиб ташлагандан кўра болани ёнбошлатиб ётқизиши таклиф қиласман, бунда у атрофни кузатиш имкониятига эга бўлади. Шундай ҳолатда гўдак аравачадан ташқарида бўлаётган ҳодисаларни кўриши мумкин.

Ўйинчоқлар чиройлигина эмас, құл учун ёқимли ҳам бўлиши керак

Рассом Хироше Манабе ўзининг бетакрор рассомлик маҳорати билан машҳур. Унинг ўз фарзандлари билан амалга оширган тажрибаси асосида болаларни тарбиялаш назарияси ҳам мавжуд.

«Мен уларга ҳеч қачон тайёр ўйинчоқлар сотиб олмайман. Уларга қисмлар түпلامини бераман ва улардан ўzlари ўйинчоқ йиғишлари мумкин. Йиғишнинг уддасидан чиқолмаётган бўлсалар йиғлашни бошлайдилар, аммо уларга ҳеч ким ёрдам бермаслигини биладилар. Агар ўйинчоқقا эга бўлишни истасалар, уни ўzlари ясашлари керак. Шунинг учун болалар бор кучларини ишга солиб ҳаракат қиласидилар».

Бу ажойиб тарбиявий усул болага «ютуқقا эришиш бахти»ни беради, аммо фақат тайёр ўйинчоқларга эга болалар бундай бахтдан маҳрум бўлганлар. Бироқ, муҳим жиҳати шундаки, қисмлардан иборат ўйинчоқ боланинг ёшига мос келиши керак, акс ҳолда, бу усул унга нисбатан зулмга айланади.

Болалар дўконида ёрқин ва ажойиб ўйинчоқлар кўплигидан ҳатто катта одамнинг кўзлари ўйнаб кетади. Биз охирги тийинимизгача пул сарфлаб олган нарсаларимизни кўриб бола ҳам завқ олишига умид қиласмиш. Аммо, одатда, бола янги ўйинчоқ билан бир неча дақиқа ўйнайди, кейин уни ташлаб кетади. Ҳар бир ота-она буни тажрибада кузатган.

Тайёр ўйинчоқлар камдан-кам ҳолатларда болаларга ёқади, чунки улар атроф-муҳит билан деярли умумийликка эга эмас. Гўдакларга ўйинчоқнинг чиройли ва қизиқарли бўлиши етарли эмас. Эҳтимол, юрадиган темир йўл поезди ўйинчогининг қандай юршини кузатиб, рельсларни йифиб олиб кўпроқ ўйнар.

Монтессори таклифи бўйича ҳаётдаги мавжуд предметларга ўхшайдиган ўйин-

чоқлар түплами ишлаб чиқилган. Уларни ушлаш, отиш, бир-бирининг ичига солиш, ечиш ва тақиши, очиш ва ёпиш мумкин. Бу кўникмаларнинг барчаси бола ҳаётида зарур. Катта одамларда кўпинча у ёки бу ўйинчоқнинг қиймати ҳақида болаликдаги таассурутларига асосланган нотўғри тушунча мавжуд бўлади. Гўдак завқ билан атрофидаги нарсаларни ўрганади, айниқса, уни «ютуққа эришиш баҳти»ни берувчи, «ижодкорлик»ка бўлган талабини қондирувчи ўйинчоқлар таъсирантиради.

Китоблар фақат ўқиши учун, кубикчалар эса фақат қуриш учун әмас

Чекланган тасаввуримиз билан биз, катталар, китобни фақат ўқиши керак, кубикчалардан фақат бирор нарса ясаш керак деб ҳисоблаймиз.

Китоблар ва кубикчалар, одатда, боланинг биринчи ўйинчоқлари бўлади. Катталар болага улар билан қандай ўйнаш кераклиги тўғрисида ўз қарашларини зўрлаб ўтказадилар. Агар гўдак ўзича ўйнаса, нима билан ёки қандай ўйнашидан қатъи назар, мақсадга эришилган бўлади.

Уни тўғрилаш унинг ижодий ривожланишига тўсқинлик қилиш ёки ўйнаш иштиёқини умуман йўқотишга олиб боради.

У китобдан кўприклар ясами ёки унга чизиши, йиртиши ҳам мумкин. Унга китобни фақат ўқиш учун бергандан кўра умуман бермаган маъқул. Китоб ўқишга қизиқиши пайдо бўлганида, албатта, уни ўқиш қизикроқ эканлигини англаш етади.

Болага фақат бир мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган тайёр ўйинчоқ билан ўйнаш зерикарли. Ўйинчоқ қанчалик қиммат бўлмасин, агар бола ўз қўллари билан уни бирор нарса қилолмаса ёки ўз тасаввури асосида ўзгартира олмаса, у бола учун қадрли эмас.

Одатда, биринчи фарзандга жуда кўп ўйинчоқ харид қилишади, уларнинг кўплиги гўдакка муҳим эмаслигини англагач, иккинчисига камроқ олиб беришади. Бир нечта, аммо фойдали ўйинчоқлар бўлгани маъқул. Деярли барча ота-она буни бошдан кечирган.

Гўдак учун у ушлайдиган ва кўрадиган ҳамма нарса ўйнайдиган буюмдир. Унга умуман ўйинчоқлар сотиб олиш зарурати йўқ ва болага «тартибга кўра» ўйнаши лозимлигини уқтириш ҳам яхши эмас.

**Пластилин, лой ёки бошқа
материалдан бирор нарса
ясаш, қоғоздан нақшлар
кесиши ва шакллар ясаш
болада ижодкорлик
кайфиятини уйғотади**

Атрофга назар солсангиз, асрлар давомида ишлатилган қанча оддий үйинчоқлар мавжуд эканидан таажжубга тушасиз. Улар лой, кесиши учун ва шакллар ясаш учун рангли қоғозлардир.

Бу материаллар бир умумий хусусиятга эга – улар маълум шакл ёки белгиланган мақсадга эга эмас. Бошқача айтганда, уларга исталган шаклни бериш мумкин. Худди шунинг учун улар ақлий қобилият тез ривожланадиган гүдаклик давридаги болалар

учун энг мақбул ўйинчоқлардир. Бола бу материаллар билан хаёлига келган нарсасини қилиши мумкин. Тасаввур қилайлик, биз бир ёшга тұлмаган чақалоққа лой ва қоғоз бердик. Бола ҳеч қандай мақсадсиз, бирор нарса ясаш нияти билан әмас, фақат ўрганиш учун уларни ушлайди. Аммо қўлида ушлаганида уларнинг шаклини ўзгартиради ва ҳайрат билан бу ўзгаришларни кузатади. Бунинг ўзи бебаҳо тажрибадир.

Бу ёшда гўдак лой ва қоғозни қайта-қайта ғижимлаб ушлаб бу жараёндан завқ олади. Онгли равишда ҳаракат ва натижа ўртасидаги сабаб ва оқибат алоқасини тушуна бошлайди.

Секин-аста у лойга шакл беришга ва қоғоздан кемача ясашга ҳаракат қила бошлайди. Бу ўйинчоқларни боланинг ривожланиш босқичига қараб оддий ва мураккаб предметларга айлантириш мумкин.

Гўдакликдан ҳар хил нарсалар ясашни бошлаган бола ўз тенгдошларидан турли малакаларни әгаллашда сезиларли даражада ўзиб кетади. Бу ерда гап унинг тажрибага эга эканлигига ёки лойдан нарса ясашни яхши

күриши ёки ёмон күришида эмас, балки бу иш унинг ақлий ва ижодий қобилиятларини уйғотганидадир. Моҳир қўллар ва ўзликни намоён қилиш – булар биринчи, аммо ягона бўлмаган нарса ясашдаги кўникмалардир.

Бадиий образ бўйича ўйинлар боланинг ижодий қобилиятини ривожлантиради

Кўп бор таъкидлаганимиздек, бундай машғулотларнинг асосий мақсади мусиқа ёки хорижий тил дарслари каби болага бирор нарсани ўргатиш эмас, балки унинг чексиз имкониятларини ривожлантиришdir. Бадиий образ ўйинлари ҳам шу мақсадга хизмат қиласди. «Қобилиятларнинг очилиши – машҳур шахсларнинг ёшлик даври» китоби муаллифлари (британиялик эр-хотин) китоб сўнгида қуйидаги холосага келганлар: «Ҳар бир бола, қобилиятидан қатъи назар, ўзига эътиборли муносабат, рағбат ва ёрдамга лойик, ижтимоий ёки ирқий келиб чиқишидан қатъи назар, у ўзидаги энг яхши нарсаларни максимал ривожлантира олсин. Биз, катталар, бундай тушунчани унга беришимиз ва

күмаклашишимиз керак, бу эса вақт ва сабрни талаб этади».

Болалар ёзувчиси Горо Маки театр томошаларида роль ўйнаш болалар ижодкорлигини ривожлантиришнинг энг яхши усулларидан бири деб ҳисоблайди. Аммо, афсуски, болада театр томошаларидағи иштирокнинг ижобий таъсири тезда намоён бўлмайди, доимо тезкор натижаларни кутувчи ота-оналар эса бундан умидсизланиб қолишлари мумкин. Мен театрда ўйнайдиган ва спектакллар ёзадиган болаларнинг ривожланиши кузатилган натижаларни кўрганман. Бошланғич мактабнинг биринчи ва иккинчи синфларида улар ўртача ёки ўртачадан ҳам паст ўқишиган, аммо тезда олдинга ўтиб, бошқа болаларни анча ортда қолдиришган.

Мен болаларга театр томошаларида маймунга тақлид қилиб ўйнашни таклиф этмаяпман. Мен, қаламлар ёки мусиқий асбоблардан фарқли равишда, тана ҳаракатлари ва сўзлар орқали ўзликни намоён этишларини назарда тутяпман.

Албатта, ёшлик даврида театр томошаларида рол ўйнаган бола катта бўлгач одамлар

олдида ажойиб тарзда ўз фикрини ифодалай оладиган бўлиши исботланган. Лекин ҳаммасидан ҳам муҳими, болалар орасида куртак очаётган тасаввур қилиш қобилияти ва орзуларининг тўғри шаклланиши, уларни дўстлари билан бир хил иш-ҳаракат бажариши мобайнида намоён қилишидадир. Аслида, «ўйин» – бу ўзини эркин намоён этиш керак бўлган фаолиятдир.

Жисмоний машқлар ақл-идрок ривожланишини тезлаштиради

Чет элдан қайтганимдан кейин эътиборимни тортган нарса кўпчилик японларнинг шалвираб юриши эди. Профессор Куно Акуцу «Япония эрта ривожланиш уюшмаси» топшириғига биноан тадқиқотлар ўтказди. Унга кўра, юриш чоғида қад-қоматнинг тик-текис бўлмаслиги гўдакликда жисмоний машғулотларнинг етарли бўлмаганлигидан экан.

Болалар энг эрта ҳолатда саккиз ойдан юришни бошлайдилар. Агар шу ёшда асосий ҳаракатлар машқ қилдирилмаса, улар ҳеч қачон уларни тўғри бажармайдилар. Чунки бунга жавоб берадиган мия тизими асослари керакли қўникмаларга эга бўлмайди. Шу маънода, юришга доир эрта машқлар ҳам

худди мусиқа ёки хорижий тил дарслари сингари муҳимдир.

Мен ота-оналарни қўйидагиларга ишонтириш учун боланинг жисмоний тарбияси ҳақида батафсил айтиб ўтмоқчиман. Биринчидан, асосий ҳаракат қўникмаларини чақалоқлик давридан машқ қилдириш керак. Иккинчидан, тўғри жисмоний тайёргарлик гўдакнинг ақлий қобилиятини гўзал равишда рағбатлантиради.

Гўдакликда боланинг мияси танадан алоҳида ривожланмайди. Ақлий ривожланиш жисмоний ва сенсор ривожланиш билан параллел равишда кечади. Масалан, сузиш нафақат мушакларни, балки сезги рефлексларини ҳам ривожлантиради.

Профессор Акуцунинг ёзиича: «Жисмоний машқлар барча органлар фаолиятини яхшилайди ва боланинг ташқи стрессларга чидамлилигини оширади».

Болани фақатгина овқатлантириб, ғамхўрлик қилсангиз ҳам ўсаверади. Аммо унга бошқа нарса бермасангиз, туғилганида эга бўлган қобилияtlари ривожланмайди. Жисмоний машқлар бола ривожланишининг энг

асосий таркибий қисмлари дандир. Машқлар мушаклар, сүяклар, ички органлар ва мияривожланишини кучайтиради. Эрта юришни бошлаган гўдакнинг зеҳни жуда ўткир бўлиши кузатилган. Бу эса қизғин жисмоний машқлар унинг ақлий қобилиятини ривожлантирганидан далолат беради.

Чап қўлни ўнг қўл билан биргаликда машқ қилдиринг

Танишларингиз орасида чапақайлар кўпми? Эҳтимол, битта ёки иккитадир. Икки қўлларидан фойдалана оладиган одамлар-чи? Улар ундан ҳам камроқ. Момо Ҳавво ва Одам Ато ўнақай бўлишганми, йўқми, билмайман, аммо қайсиdir бир даврдан фақат ўнг қўлдан фойдаланиш одатга айланган. Ҳамма нарса ўнг қўллилар учун мўлжалланган – автомашина бошқаруви, спорт ускуналари, ошхона жиҳозлари ва асбоб-ускуналар. Шунинг учун ота-оналар одат бўйича болаларни ўнг қўлдан фойдаланишга ўргатадилар.

Америкада Японияга нисбатан ўнг ва чап қўлларидан бирдек фойдаланувчи одамлар кўпроқ. Аммо ўнақай кишилар чапақайлардан

күпроқ. Ўнг қўлни афзал кўришга бирор-бир асос борми? Чап қўлга таяниш юракка кўп вазифа юклайди деган назария мавжуд. Аммо юраги хаста чапақайларни ҳеч учратмаганман. Мен ёшлигига чапақай бўлган бир инсонни биламан. У ўнг қўлини ҳам машқ қилдирган, ҳозирда иккисидан ҳам эркин фойдалана-ди. Ўнг қўлини кўпроқ ишлатадиган одамлар кўп, аммо болалигидан иккала қўлидан ҳам фойдалана оладиганларга узун маърузаларни ёзаётганда бу жуда қўл келади. Ўнг қўли толганда чап қўлида, чап қўли толганда ўнг қўлида эркин ёза олади.

Буни эшитгач, мен ҳам чап қўлимни машқ қилдиришга ҳаракат қилдим, аммо натижа чиқмади. Менинг ёшимда бунинг имконияти йўқ: чап қўлда нотекис ёздим, ҳатто коптокни ҳам мўлжалга текиза олмадим.

Ўнг ва чап қўл бир вақтда яратилган ва уларнинг тузилиши ҳамда бажарадиган вазифалари бир хил. Нега улар турлича ҳаракат қилади? Эҳтимол, ёшлиқдан уларга муносабат турлича бўлгани учундир.

Маймунлар қўлларини ўнг ва чапга ажратмайдилар, улар овқат ва ўйин учун иккала

құлларидан ҳам фойдаланадилар. Демак, бу борада одам маймундан заифроқдир.

Шундай тахмин мавжудки, агар она әмизиш вақтида болани доимо чап құлида ушласа ва ўнг құли билан яна бирор нарса қылса, у ҳолатда боланинг ўнг құли сиқилади ва чап құли яхшироқ ривожланади. Баъзида бола чап құлида ёзишни бошлайди ва чап құли ўнг құлига нисбатан яхшироқ ривожланади.

Ҳар бир одам, агар буни гүдакликдан бошласа, ҳам ўнг, ҳам чап құлини ривожлантириши мумкин. Мен айтиб ўтгандимки, бармоқлар машқи ақл-идрокни ривожлантиришга турткі бўлади. Бу нуқтаи назарга кўра, чап қўлни ташлаб қўймаслик керак.

Болалар учун пиёда юриш фойдали

Автомашиналар қатнови туфайли биз күчада ўйнаётган болаларни кўрмаймиз. Оналари уларни қўлларидан ушлайдилар, ўзлари каловланиб юришларига рухсат бермайдилар. Сиз фарзандингиз тезлигига секин юришга вақтингиз йўқлигидан шикоят қилишдан аввал пиёда юриш унга нақадар фойдали эканлиги ҳақида ўйлаб кўринг.

Пиёда юрганда бутун тана ҳаракатланади. Танамиздаги 639 мушакдан 400 таси пиёда юрганда иштирок этади. Бошқа жисмоний машқлардан фарқли равишда, пиёда юрганда босим ва бўшашиш бир маромда алмашиб туради. Тўғри йўлда юрганда бир оёқнинг мушаклари таранглашади ва бошқа оёқдаги-си дам олади. Энергия сарфламасдан равон ҳаракат вужудга келади.

Кўп ёзувчиларнинг ишлари тўхтаб қолса, пиёда сайр қиласидар, чунки сайр давомида янги фикрлар пайдо бўлади. Пиёда юриш фикрлаш жараёнини кучайтирас, эҳтимол. Биз ўз-ўзидан содир бўлиши керак деб юриш жараёнига эътибор бермаймиз. Аслида, ундей эмас. Бўрилар тўдасида катта бўлган иккита қизча тарихининг кўрсатишича, боланинг атрофини эмаклаб юрувчи жонзотлар ўраб турса, у ҳолда бола эмаклашда давом этади. Гўдакликдан болани пиёда тўғри юришга ўргатиш жуда муҳим.

Оёқни судраб юрувчи одамлар юришни бошлигар пайтларида доим катта оёқ кийим кийганлар деган янгича фикр бор. Катта оёқ кийимда юрганида оёғидан сирғаниб кетаверганидан шундай бўлиб қолади. Рост ёки ёлғонлиги аниқ эмас-ку, шундай бўлиши ҳам мумкин.

Ҳаракатланиш қобилиятларига ҳам машқ зарур

Кўпчилик Икеда Кеико деган исмни эшигтан деб ўйлайман. У Токио олимпиадасида гимнастика мусобақаларида ажойиб чиқиши қилиб, кейинчалик ёшларга мураббийлик қилган спортчи аёлдир. «Бола ривожланиши» журналида Икеданинг қуидаги гаплари келтирилган мақола бор эди.

Эр-хотин Икедалар иккиси ҳам гимнастлар, ўзларининг биринчи фарзандини бизнинг «Япония эрта ривожланиш уюшмаси» ишлаб чиққан тизимга асосан машқ қилдиришга қарор қилдилар. Бола тез орада ажойиб жисмоний қобилиятларини намоён этди. Ота-она унинг истеъоди болага наслдан ўтган ва унинг «қони»да бор деб

ўйладилар. Шунинг учун иккинчи фарзанди билан шуғулланмадилар ва худди шу спортчи ота-онадан туғилса-да, у ҳеч қандай спортга хос қобилияtlарини намоён қилмади. Жуфтлик ҳаракатланиш қобилияtlари наслдан кўра кўпроқ машқларга боғлиқ деб хулоса қилдилар.

Бизнинг тана тузилишимиз ва ҳаракатлар мувофиқлиги наслдан ўтади. Аммо табиат инъом этган танани қанчалик ривожлантира олишингиз машқларга боғлиқ. Туғилишдан сузиш ёки гимнастика билан шуғулланиш учун гўзал тана тузилишига эга бўлсангиз-да, маҳсус машқларсиз бу қобилият нишонала-ри ривожланмайди. Шу билан бирга, заиф жисмоний қобилияtlар билан туғилган бола спортда катта ғалабаларга эришиши мумкин.

Аввалроқ айтганимиз беш тилда сўзла-шувчи истеъодли ака ва сингил жисмонан заиф туғилганлар. Аммо астойдил югуриш ва бадантарбия машқлари ёрдамида яхши на-тижаларга эришдилар. Қизчани 11 ойлигига, акасини эса икки ярим ёшда машқ қилдира бошлаганлар. Натижада синглиси акасидан ҳам яхшироқ югурдиган бўлди. Бу мисол

яна бир бор ҳаракатлантирувчи қобилиятлар наслга эмас, балки әрта машқ қилдиришга боғлиқ әканини күрсатади. Туғилишидан спортта қобилиятли боланинг иқтидори, аслида, у спорт шаклланган мұхитда улғайған-лиги натижасидир.

Спорт билан шуғулланиш қанча эрта бошланса, натижалар шунчалик яхши бўлади

Аввал айтиб ўтганимиздек, бир неча ойлик чақалоқ сузишни, энди юришни ўрганаётган бола чангига учишни осонгина ўргана олади. Катта одамга бу кўникмаларни эгаллаш шу қадар қийин бўладики, ҳатто ўрганиш истаги ҳам йўқолади. Мен қирқ ёшимдан кейин гольф ўйнашни бошлаганман. 15 йилдан бери астойдил машқ қилсам-да, ҳали ҳам ёмон ўйинчиман. Агар ёшлигимда ўрганишни бошлаганимда, бу даражада кўп зўриқмасдан яхши натижаларга эришардим.

Менинг бир танишим ўз фарзандларига бири етти, иккинчиси тўққиз ёшга тўлганида

гольф ўйнашни ўргата бошлади. Саккиз йил
ўтиб ҳам, тўнғичи жисмонан бақувватроқ ва
бошқа спортларда кенжасидан устун бўлса-
да, кичиги каттасидан гольфда анча илга-
рилаб кетди. Уларнинг отаси кичик ўғлиниң
муваффақияти сабабини тушунишга ҳаракат
қилган.

Ягона сабаб – бу унинг қайси спорт турини
эртароқ машқ қила бошлаганидадир.

Бола учун меҳнат ва ўйин бир хил нарса

Сизларга яна бир маслаҳат бермоқчиман: фарзандингиз қанча меҳнат қила олса қилсин, аммо бир шарт билан, унинг ҳаракатлари натижаси сиз учун муҳим бўлмасин.

Гўдак учун иш фаолияти натижаси эмас, жараённинг ўзи муҳимдир. Биз – катталар эса ҳар бир иш охирига етказилишини истаймиз. Бунда иш билан әрмак орасида фарқ кўрамиз.

Бажарилаётган иш қанчалик осон бўлмасин, болага қандай қилишни кўрсатиш керак. Иш кўпинча ўйинда зарур бўлмаган эҳтиёткорлик ва диққат жамлашни талаб этади.

Шунинг учун уйда боланинг оддий меҳнатдаги иштироки унинг ақл-идроқи ва ҳаракатлантирувчи қобилиятларининг ривожланиши учун фойдали. Токио универси-

тети собиқ раҳбари Кая Сеижига болалигіда боғдаги отларни ўргатышларида катта маъно бор әди. Болани скрипка, инглиз тили, мусиқа каби машғулотларга беришдан ташқари яқинимиздаги боғда ўргатса бұладиган меҳнатлар – ўт ўриш, сугориш, пол артиш каби осонгина саналған юмушлар борлигини ота-оналаримиз унудың қўйиши. Буни ўрганиш осон ва кундалик турмушга бевосита алоқаси бор. Албатта, болани ўз ҳолига ташлаб қўйиши мумкин. Болага ўйнашни эмас, уйнинг оддий юмушларини бажарышга ўргатиш анча қи-йинроқдир. Аммо ўз ҳаётини енгиллаштириш учун «кичик болаларни ишлатиш зулм» деб ҳисоблайдиган ота-оналар ўз фарзандларини меҳнатдан маҳрум қиласылар.



Бешинчи қисм

Нимадан үзни
чегараламаслик
керак?
Келажакка назар

Эрта ривожланиш болалар боғчасига тайёрланиш эмас

Мен кўп хатлар оламан. Баъзилар менинг қарашларимга қўшилмайди, аммо қўпчилик уларга хайриҳоҳ бўлади. Афсуски, қўпчилик эрта тарбияни биринчи навбатда қобилиятни тарбиялаш эмас, мактабда болани намунали ўкувчи қилиб камолга етказиш тарбияси деб қарайдилар.

Бир она ёзиби: «Менинг фикримча, асосий муаммо мактаб таълимининг мукаммал эмаслигига, гўдаклиқдаги тарбияда эмас. Менинг фарзандим замонавий мактабда бошланган таълим жараёнини давом эттира олишига шубҳам бор. Мактабдаги асосий ўлчов - бу имтиҳондаги баҳодир. Бу тизим боланинг гўдакликда қисман ривожлантиришга эришилган истеъдодини ўлдирмайдими?»

Мен ҳам болалар олти ёшда мактабга чи-
қиб, бир хил дастур бүйича ўқигандан сүнг
олий таълим тизимиға кирадиган Японияда-
ги таълим тизими оқилона эканлигига шуб-
ҳа қиласынан. Бу тизим истеъдодли болаларга
осонлик қилиши, қобилияты суст болаларга
эса қийинчилик туғдириши билан қониқар-
сиздир. XXI асрда жамият ривожланиши учун
масъулиятни үз бүйнига олишга қодир инсон-
ларни стандарт таълим тарбия қила олмайди.

Таълим тизимининг мукаммал бўлмаган-
лиги боис мен эрта ривожланишга жиддий
эътибор бераман. Гўдакликда тўғри тарбия
олганда бола мактабда ҳам яхшироқ ўқийди.
У мактабда «баҳоларни қўлга киритиш» ти-
зимини енгилроқ бошдан кечиради. Эрта ри-
вожланишнинг муҳим даврида яхши уруғлар
экилган бўлса, бола исталган қийинчи-
ликларга бардоши етадиган ҳолатда улғаяди.

Бундан ташқари, мен мавжуд таълим ти-
зими доимий қолишига ишонмайман. Мен
аминманки, ота-оналар зарур ўзгартириш-
ларга эришадилар. Шундай қилиб, жамият ва
келажак авлод тақдири уларнинг қўлидадир.

**Эрта тарбия
қўшимча вақт
ҳам, маблағ ҳам
талаб қилмайди**

Ота-оналар кўпинча менга: «Фарзандим билан шуғулланишга менинг на пулим, на вақтим бор. Сизнинг фикрларингиз ҳамма нарсаси борлар учундир», – дея эътиroz билдирадилар.

Бола тарбияси вақт ва пул масаласи эмас.

Албатта, ўз фарзандини мусиқа ёки чет тиллари машғулотларига фақатгина обру-эътибор учун олиб борадиган ота-оналар ҳам кам эмас. Шунинг учун кўпчиликнинг эрта ривожланиш бойлар шуғулланадиган машғу-лот деб қарashi ажабланарли эмас.

Бироқ бу фақатгина ташқи таассуротдир. Ҳақиқатан ҳам, маблағи кам ота-оналар учун

айрим машғулотларга вақт ва пул топиш осон әмас. Шуни билингки, мусиқа ёки тил машғулотлари фарзандингиз истеъдодини ри-вожлантиришнинг ягона усули әмас.

Меҳрибон ота-оналар таълимнинг бошқа имкониятларини ҳам топадилар. Агар, кўпчилик ўйлаганидек, вақт ва пул шу қадар катта аҳамиятга эга бўлганида, унда қандай қилиб бой оиласарда уқувсиз, камбағал оиласарда истеъдодли болалар катта бўлишини нима деб изоҳлаш мумкин? Демак, масала бу ерда факат пул әмас, балки ота-она меҳр-муҳаббати ва тиришиб ҳаракат қилишидадир.

Келажакка ишончсизлик билин қараб түғри тарбияни йўлга қўйиш мумкин эмас

Биз юқорида эрта таълим ҳақиқатларини турли хил ҳаётий мисоллар орқали ёритдик. Янги туғилган чақалоқ энг яхши кузатувчи бўлиб, уни ўргатиб ўстирадиган инсон онадан бошқаси эмас. Бола туғилгандан уч ёшгача шахс бўлиб етишишидаги энг муҳим давр она қўлига тўлиқ ишониб топширилади. Бундай ажойиб хазинанинг яшаб қолиши ёки йўқ бўлиши туғилгандан бошлаб онанинг бола таълимини қандай олиб борганлигига боғлиқ. Бу бўлимда мактабгача таълимда кўринадиган ота-оналарнинг роли ҳақида одатдагидек билганларимни очиқласига айтмоқчиман.

Япониядаги замонавий таълим тизимида мактабни битирган барча ёшлар, келиб чиқиши, ижтимоий мавқеи ёки мулкий ҳолатидан қатъи назар, олий таълим муассасасига киришлари мумкин. Бу ўз-ўзидан ажойиб, аммо бу тизим бир ёмон жиҳатни вужудга келтириди – олий таълим асосий мақсад сифатида кўрила бошланди ва ортиқ даражада баҳоланди.

Олий таълимсиз яхши мартабага эришиш мумкин эмас деб қаралади, шунинг учун ҳамма ўқийди. Яхши университет дипломи нуфузли ташкилотдаги ишни кафолатлайди. Ҳамма бир йўлдан боради, бошланғич мактабдан бошлаб имтиҳонларни кетма-кет топширадилар. Шунинг учун эрта тарбияга ота-оналар томонидан имтиҳонларни топширишга асосланган узун йўлдаги биринчи қадам сифатида қаралади.

Бизнинг тез ўзгараётган дунёда ҳозирги қадриятлар қанчалик узоқ туради? Бугун қадрли бўлган нарса эртага ҳеч қандай қийматга эга бўлмаслиги мумкин. Бугунги бола йигирма-ўттиз йилдан кейинги ҳолатдаги қадриятлар ҳақида гапириши қийин.

• Бугунги күн қадриятларидан келиб чи-
киб тарбия қылсанғиз, сизнинг фарзандин-
гиз келажак учун кераксиз кадр сифатида
улгаяди.

Бола тарбиясидан муҳимроқ вазифа йўқ

«Мен бола билан шу қадар бандманки, унинг таълимига вақтим йўқ. Турли идеал назариялар бўлмасин, уни амалга ошириб бўлмайди». Оналар кўпинча менинг маслаҳатларимга шундай жавоб берадилар. Аминманки, бола парваришлиш билан унга таълим бериш – алоҳида-алоҳида ажратилмайдиган битта нарса. Ҳар куни болани парвариш қилишингиз унга таълим бераётганингизнинг айнан ўзидир. Сизнинг муҳаббатингиз, муносабатингиз унга таъсир кўрсатади. Баъзи оналар ўз фарзандлари учун ишлашларини таъкидлайдилар, бошқалари эса энг муҳими болани озиқлантириш деб ўйладилар. Бола учун энг яхши тарбия онасининг меҳр-муҳаббатидир. Ота-оналар учун энг муҳим машғулот

болалар тарбиясидир. Агар улар бунга рози бўлмасалар, нега фарзанд кўрдилар?

Аёлларнинг инсон сифатида ўта жиддийлик билан бирон нарсани ўйлайдиган пайти – бу ҳомиладорлик даври дейишади. Орзу қилган туғилажак фарзанди ҳақида ўйлаб: «Бола учун ота-она бўламиз», деб тайёргарлик кўришади. Аммо туғилгандан сўнг, ниҳоят, битта ишим туғади деган ўйда бўладилар. Лекин фарзанд учун ота-она қуёш каби десак, юқоридагидек ҳолатларда улар ёш ниҳолни ўстира олмайдиган қуёш нурига ўхшайдилар, шундай бўлиб, ота-она бўлиб қолаверадилар. Бир ишимиз битгандан кейин иккинчи катта ишимиз кутиб туради. Аёлларимиз учун болани дунёга келтириб, соғлом вояга етказиш ақл ва тана билан бажарадиган энг катта мажбуриятдир.

Доктор Сузуки кўп ота-оналар билан юзмай юз сухбатлашганда қуидагиларни айтади: «Бошқа ишлар билан банд бўлиб болага қарай олмасангиз, буни нима дейиш мумкин? Бу дунёда болага қарашдан бошқа яна қандай муҳим иш бўлиши мумкин? Агар бундан ҳам муҳимроқ ишингиз бўлса, нега болани дунёга келтирдингиз? Уни эллик йилдами, олт-

миш йилдами, тугатганингиздан кейин болани дунёга келтиринг эди». Ота-онанинг роли қай даражада муҳимлигини бундан лўнда ифодалаган бошқа фикрни мен билмайман.

Эрта таълим деб аталувчи энг катта масъулиятли ишнинг бош ижроиси оталар ҳам, устозлар ҳам, жамият ҳам эмас, болани дунёга келтирган оналардир.

Болаларни тарбиялашдан аввал ота-оналарни тарбиялаш зарур

Бола тарбияси ота-оналар тарбиясидан бошланади. Бу китобнинг мақсади худди шундадир. Ушбу китобни ўқиётган ота-оналар мендан хафа бўлмайдилар деб умид қиласман.

Бола тарбиясини, айниқса, у кичиклигига бошқа шахсга топшириш керак эмас. Фақат ота-она, айниқса, она бу вазифани муваффақиятли бажара олади. Бунинг учун улар доимо илм олишлари ва фикр қилишлари керак. Ота-оналарнинг ўзлари энг ишончли деб билган тарбия усулини танлашлари зарур. Оналар таълими терминини ишлатган бўлсакда, бу уларни ўқитиш керак деган маънони англатмайди. У оналаримиз ўзлари беихтиёр ўрганадиган таълим зарурати деган маънода

берилган. Мустақил ўқиши етарли бўлади. Ўзларини ўқитувчиликка тайёрлаётганлар нафақат таълим бериши керак бўлган фанни, балки болалар психологияси ва педагогикани ҳам чуқур ўрганадилар.

Худди шундай, она ҳам ўз фарзанди учун биринчи ҳамда асосий ўқитувчи саналади. Она билим олиш асносида боланинг тарбияси учун педагогика асосларини ўрганиши зарур.

Ўз фарзандингиздан ўрганинг

Оналар тушадиган тузоқларидан бири ўзиға ортиқ даражада ишонишдир. Албатта, бола учун бу фойдали деб ўйлашлари мумкин, лекин ўргатаётган нарсаларининг тұғрилигини билмай туриб давом эттираверішса, бола шу ҳолда қотиб қолади ва бу унга нисбатан золимлик бүлади. Афсуски, буни одатта айлантириб құяётганларини күп оналаримиз билишмайды. Энг яхши ниятлар билан тарбия қилишни күзлаб она боласининг иродасига қулоқ тутмай, диктаторга айланиши мүмкін. Бу мойиллик кучайишининг сабаби эса она чақалоққа ғамхұрлық қилиш даврида ёлғиз ҳаёт кечиришидадир. Она фақатгина ўз фарзанди учун жавобгар, чақалоққа ғамхұрлық қилиш бүйича масъу-

лият ёлғиз унда деб ҳис қилиши керак әмас. Нафақат турмуш үртоги, балки имкон бўлса, бува ва бувиси ҳам онанинг уйдан ташқаридаги ҳаётида иштирок этишига ёрдам бериши даркор. Аммо, энг асосийси, шахсий тушунчалари ва талабларидан келиб чиқиб ўз фарзандига паст назар билан қараш одатини пайдо қиласлиги, бунинг учун эса боласидан доимо ўрганиши лозим.

«Барчамизниң наслимиз ёшлиқда». Мен ҳаттоқи: «Гўдак – катталар учун ўқитувчидир», – деган бўлардим. Бу нафақат гўдаклик даврига, балки бутун ҳаётимизга тегишлидир деган фикрдаман.

Ҳар бир катта одам гўдакдан бирор нарса ўрганиши мумкин. Қадим замонлардан бери инсон ўзлигини англашга ҳаракат қилган. Шу мақсадда биология, тибиёт, психология каби илмларга асос солинган. Мен ота-оналар биология ёки фалсафа курсларига қатнаши шарт дея олмайман, аммо ўз хатти-ҳаракатини баҳолашда ҳаққонийликни йўқотмаслиги учун эришган натижаларидан хотиржам бўлиши керак әмас. Шунингдек, ўз фарзандингизниң

хиссиётлари ва хатти-ҳаракатини ҳаққоний баҳолаш ҳам муҳим. Бундай ёндашувда она доимо бола тарбиясига ёрдам берувчи янгиликларни очади.

Фарзанд тарбиясида отага нисбатан онанинг ҳиссаси кўпроқ

Тарихдан инсоният ривожланишига улкан ҳисса қўшган кўпгина даҳолар маълум, аммо шахсий ҳаётда улар, одатда, баҳтсиз саналганлар. Чунки жисмонан заиф бўлиб, ҳистуйғуга берилган эдилар.

Одамлар иқтидорли ҳам, омадсиз ҳам бўлиб туғилмайдилар. Буюк шахсларнинг таржимаи ҳолидан аниқланишича, уларнинг шахсий ҳаловатсизлиги ёшликка бориб тақалади.

Масалан, одатда, уларнинг ота-оналари, айниқса, оталари қаттиққўл тарбиячи бўлганлар. Албатта, ўз-ўзидан бу жуда яхши, айниқса, оталари туфайли уларнинг истеъдодлари шу қадар юксак даражада ривожланган. Аммо бундай оталар фойдали машғулотлар учун

вақтни тежаб ўз фарзандларига тенгдошлари билан ўйнашга йўл қўймаганлар, бу эса уларни мулоқот ва жисмоний машқлардан мосуво қилган. Бу инсонлар қай даражада истеъоддли бўлишмасин, шахсий ҳаётда улар нотўғри тарбия туфайли бахтсизликка учрадилар.

Масалан, машҳур «Гоялар» муаллифи француз файласуфи Блез Паскалинг отаси уни қаттиққўллик билан тарбия қилган. Паскалинг отаси унга катта умидлар боғлаган. Ўзини фарзанди тарбиясига бағишлиш учун давлат хизматини ташлаган. Отаси унга география, тарих, фалсафа, тиллар ва математикани ўргатиб, уларни ёдлатган эмас, унинг ақлини эҳтиёткорлик ва изчиллик билан ривожлантирган. Паскал таниқли математик, физик ва диний файласуф бўлиб етишди. Кўпчилик унинг машҳур иборасини эслайди: «Инсон – бу оддийгина заиф қамишпоя, аммо фикрловчи қамишпоя». Аммо бутун ҳаёти давомида бир кун ҳам бахтли бўлмаганлиги ҳақидаги иқорини жуда кам одам эшитган бўлса керак. Блез Паскал фақат 39 йил умр кўрди. Унинг онаси уч ёшлигига вафот этган, шу боис у деярли она меҳрини билмай ўсган.

Тенгдошлари жамоасидан мосуво бўлган ва ўз отасидан бошқа ҳеч ким билан мулоқот қилмаган, доимий қаттиққўлликда, назоратда яшаган. Албатта, бу унинг соғлиги ва руҳиятига таъсир қилмай қолмаган.

Ота гўдакдан даҳони тарбиялаб етишириши мумкин, аммо фақатгина она руҳий ва жисмоний қобилияtlари уйғун бўлган комил инсонни тарбиялай олади.

Мана шунинг учун гўдакликда она тарбияси жуда муҳим.

Гўдакни ўз хоҳиши иродасига қарши қўйманг

Боланинг хоҳиши-истакларини эътиборсиз қолдириб, унинг шахсига нисбатан куч ишлатиш, афсуски, тарбия деб тушунилади. Албатта, гўдак ҳали ўз хоҳишлиарини кўрсатиб бера олмайди, аммо она уларни илғаб олишни ўрганиши керак. Бу унинг асосий вазифаларидан бири.

Болани ўз хоҳишига қарши бирор нарсани қилишга мажбуrlаш билан унинг ўзига бўлган ишончини йўққа чиқарасиз. Таълим билимларнинг ўқитувчидан ўқувчига берилишини англатгани учун ўқитувчи ёки тарбиячи вазифасини бажарувчи шахс ўз-ӯзидан берувчи ҳолатида бўлади. Шахсий фикримга кўра, бу маънода энг яхши таълим биз таълим деб атайдиган чегара ташқарисида. Масалан, ҳеч

бир ота ёки она фарзандига она тилини ўргатмокдаман деб ўйламайди. Шунга қарамай, ота-она билан мулоқот таълим деб аталмаса ҳам, болани гапиришга ўргатади.

Онанинг нутқи, ҳиссиётлари ва хатти-ҳаракатлари ҳар доим болага ўтади, унинг феъл-атвори ва қобилиятлари шаклланишига таъсир этади. Бошқача қилиб айтганда, улар орасидаги мулоқотнинг ўзи «таълим»дир. Болани турли кўникмаларга ўргатиш таълимнинг фақат бир томонидир.

Чиба университети фахрий профессори жаноб Тако Теро сумо дунёсининг машхур одамлари болалик даврини тадқиқ қилди. Яъни онадан бошлаб атрофдаги одамларнинг болага таъсир ўтказувчи чуқур тушунтиришлари ва гамхўрликларидан бола таълими бошланади.

Ҳеч бир мажбурлашсиз болада бирор нарсани бажариш истагини пайдо қилиш ўқитишининг янги самарали усулидир. Шундай қилиб, боланинг эрта ривожланиши она ва атрофдагиларнинг сермулоҳазалилиги ва эътиборига боғлиқ. «Дунёнинг машхурлари» китоби муаллифи олмон кимёгари В.Оствалд

фикрича, истеъдодлар китоблар ва мақтovлар билан тарбияланади. Буюк шахсларнинг ота-оналари уларга китобларни мажбурлаб ўқитган эмас, балки ёшлиқдан мутолаа қилиш муҳитини яратиб, унга меҳр уйғотганлар. Уларга ҳеч қачон: «Сен буюк инсон бўлишингни истайман», – деб айтмаганлар. Аксинча: «Сенинг буюк инсон бўлишингга шубҳам йўқ», – дея уқтирганлар.

Бола тарбиясини ҳеч қачон тұхтатиб қўйманг

Япониянинг ўзида йилига икки миллиондан ортиқ бола туғилади. Қадим замонларда оиласында қатъий қоида – «Кўпайинглар»га биноан, одатда, беш-олтита фарзанд кўриларди. Ҳозир оиласында ўртача икки фарзанд бор. Бошқача айтганда, бу икки миллион боланинг кўпчилиги олдиндан режалаштирилган эди. Бу болалар омадли – уларнинг туғилишини исташган. Аммо уларнинг барчаси зарур парвариш ва таълим олишадими? Афсуски, йўқ. Фарзанд туғилишини ота-оналари олдиндан режалаштиришса ҳам, у дунёга келганида ўз ҳолига ташлаб қўйишади. Шубҳа йўқки, бола умрининг дастлабки уч йилида унинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Хозирда күлгина оналар ҳомиладорликни ҳеч бир жиддий сабабсиз тугатмоқдалар.

Аборт (бала олдириш) – бу ёвузык, ҳаёт-нинг тирик уруғини йўқ қилишдир. Мусаввир Манабе Ҳироши болани дунёга келтириб, тарбиясини ўз ҳолича ташлаб қўйиш ҳолатини «аборт» деб номлади. Жамият abortни қоралайди, аммо унга фақат ҳаёт бериб, унинг тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналарни қораламайди. Фикримча, бу абортдан ҳам даҳшатли ёвузык ва уни ҳеч оқлаб бўлмайди. «Аборт» қилишга қандай сабаб бўлмасин, уни оқлаб бўлмайди. «Аборт» натижасида кейинчалик йигирма йил, ўттиз йил ўтиб уйингизда баҳтсизлик ҳукм суради.

Мисол учун, Америкада қорадорини батамом йўқ қилишга чақирсалар ҳам, бунга эриша олмасликларига сабаб йигирма, ўттиз йил аввал у ерда ота-оналар «аборт» қилдирганлар дейишади. Худди шу ҳолат Японияда ҳам пайдо бўлмаслигини истар эдим. Бунинг учун болани дунёга келтиргандан сўнг ота-онанинг роли қанчалик муҳимлигини таъкидламоқчиман. «Аборт»га зинҳор рухсат берилмайди.

Үрушдан кейин Японияда бошқа мамлакатлардаги каби яшаш жуда оғир бўлган эди. Шунинг учун кўп болалар керакли парвариҳизиз улғайдилар. Ҳозирги шароитда болаларга нисбатан бундай эътиборсизликни сира оқлаб бўлмайди.

Икки ёшгача «таълим онаси» ҳам жуда яхши

Хорижга кетган вақтимдаги воқеа. Бир ресторанга овқатланиш учун борган эдим. Олдиндаги столда икки ёшлардаги боласи билан келган ёш ота-она овқатланаётган эди. Аммо қандайдир ёмон кайфиятдаги бола жаҳл қилиб овқатланмас эди. Шунда ёш она боласини қаттиқ койиб, орқасига тарсаки уришгача борди. Кейин бола йиғлаб бақирса-да, ўзлари овқатланиб бўлгунга қадар болага умуман эътибор бермадилар.

Японияда бундай вазиятда оналар атрофдагиларни безовта қиласман деган ўйда, қандай бўлмасин, болани юпатишга уриниб барча мумкин бўлган нарсалар билан боланинг кайфиятини кўтарадилар. Яна атрофдагилар ҳам онага танқид кўзи билан қарайдилар.

Бу икки мисолни таққослаганимизда хориждаги онани, балки японлар «таълим онаси» деб танқид қилишар. Лекин «таълим онаси» кўп бўлгани яхши. Миядаги ҳужайра тармоқлари ҳали шаклланиб бўлмаган икки ёшгача бўлган болаларни ҳайвонларни қўлга ўргатгандек тарбия қилишда катта маъно бор. Буни амалга оширишда «таълим онаси» усулидан бошқа усул йўқ.

Шунингдек, бунда атрофдаги одамлар ҳам икки ёшгача бўлган боласида интизом ўрнатаётган шижаотли ёш онани қўллаб, илиқ кўз билан қарашларига умид қилади.

Аммо ҳайвонларни такрорлатиб қўлга ўргатгандек болани ҳам ўргатса бўладиган даври икки ёшларда тугайди, сўнг унинг ўз хоҳишлири пайдо бўла бошлайди. Бу оналар «таълим онаси» услубини тугатадиган давр ҳамдир. Бу давр келганда бола истакларини эътиборга олмай ўзингизнинг хоҳишингизни ўтказишингиз унда акс туйғу уйғотиб, аҳамиятли саналган «таълим онаси» бефойда бўлиб қолади.

Лекин боланинг ўз хоҳишини бажара бошлайдиган икки ёшдан ўтгач, Японияда «таъ-

лим онаси» усули қўллаш бирдан кучаяди. «У мумкин эмас, бу мумкин эмас», – деб шу пайтгача меҳрибон, мулойим бўлиб келган она бирдан қаттиққўл онага айланади. Икки ёшгача қаттиққўл «таълим онаси», ундан кейин эса меҳрибон она бўлса, бола таълими учун идеал она тимсоли саналади.

Албатта, бундай аниқ қарорга келиб бўлмайдиyo, лекин оналаримиз асл муносабатларида шу томонларни эътиборга олиши муҳим деб ўйлайман.

Болалар ота-онанинг мулки әмас

Бола әртами, кечми, ўз ота-онасининг таъналарига жавоб бериш ёшига етади: «Мен сиздан бу дунёга келтиришни сўрамагандим. Энди койишнинг кераги йўқ». У ҳақ бўлади. Ҳақиқатан, фарзанд ота-онаси сабаб бу дунёга келади ва улар унга улғайгунга, эркинликка эришгунга қадар тўлиқ жавобгардирлар.

Кўпгина ота-оналар фарзандлари уларнинг қарамоғи даврида ўзлари истаган нарсалари-ни қилишлари мумкин деган тушунчадан узоқ вақт қутула олмайдилар. «Мен уни муҳандис қилишни истайман» ёки «У мусиқачи бўлишини истайман», – деб худди тикувчига кийим буюртма берган каби фикр юритишади.

Оналар доктор Сузукидан: «Менинг фарзандимдан бирор нарса чиқадими?» – деб

сүраганларида у, одатда: «Хеч нарса», – деб жавоб беради. Аммо онанинг умидсизликка тушганини кўриб: «У бирор нарса эмас, балки ажойиб инсон бўлади», – деб қўшиб қўяди.

Ўз фарзандига бундай әгалик ҳиссиёти кенг тарқалган. Бунинг сабаби эса боланинг иродаси инобатга олинмаслигидадир. Гўданнинг шахсий иродаси ривожланишидан аввал ўзига нисбатан бундай туйғу ўрнашса, бутун умр ўз кучига бўлган ишончи тикланмаслиги мумкин. Фарзандингизнинг келажагини режалаштириш ўрнига унга яхшироқ қаранг. Ота-оналарнинг мажбурияти – ўз фарзандига кенгроқ имконият бериш, ким бўлишини эса ўзи ҳал қилиши керак. Ота-она эмас, фарзанднинг ўзи келажагининг хўжайинидир.

Онанинг қатъиятсизлиги болага зарар

Мана 20 йилдирки, Японияда қабул қилинган тарбиянинг янги демократик тизими фаолият кўрсатмоқда. Бу тизим кўп одамларга аввал ёпиқ бўлган соҳаларга киришга имконият яратди. Аммо бу тизимда камчиликлар пайдо бўла бошлади. Аввал ҳеч қачон эрта ривожланишга олий таълимга бўлган қадам сифатида қаралмаган ва яқин-яқингача отоналар фарзандлари қаерда таълим олаётганига эътибор бермасдилар.

Афсуски, ота-оналар тарбия масаласида қанчалик кўп безовта бўлсалар, шунчалик ҳар хил таъсирларга мойил бўладилар. Улар бир янгиликдан иккинчисига ўта бошлайдилар. Тарбиянинг эски тизими инкор этилганида ота-оналар унда ҳамма нарса ёмон эди деб

хулоса қилдилар. Улар ўз фарзандларига исталган нарсани қилишга рухсат бердилар ва бола тарбиясидан бувиларни узоклаштирудилар.

Шубҳасиз, агар демократик тарбияни танқид қилиб, қаноатли (қаттиққұл) тарбияни тарғиб этсалар, ота-оналар болалар тарбиясига яна буви ва буваларни жалб этадилар. Бундай оналар тарбияда ҳам кийинишдаги каби урфга тақлид қиласылар.

Албатта, фойдалы деб күринган тарбия усулини нега синааб күрмаслик керак? Бироқ она мустақил фикрлаш әркинлигига әга бўлмаса, қандай қилиб яхши тарбиячи бўла олади? Ҳам қаноатли, ҳам әркин тарбия турли шароит ва турли ёшда яхшидир.

Оналар ўзларига кўпроқ ишонишлари ва тарбия тизимини танлашда изчил бўлишлари керак. Ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа уриш болага зарар етказиши мумкин. Ўзига ишонч, қатъиятли феъл-автор бола тарбиясида жуда муҳим. Аммо, агар она хато назария таъсирда бўлса ва бунда қаттиқ туриб олса, ҳеч қандай чекиниш қилмаса, бу ҳам болага зарардир.

Шунингдек, она тарбияга эътиборсиз ва юзаки муносабат билдириса ҳам, ҳеч нарса чиқмайди. Бола тарбияси – она учун энг муҳим вазифа ва унда енгил йўллар йўқ. Оналар тарбияга одатлардан, сийқаси чиққан қолиплардан ва енгил усуслардан озод бўлган ўзларининг шахсий ёндашувини ишлаб чиқишилари шарт.

Онанинг манманлиги болага ёлғон түшунчаларни сингдиради

«Менинг болам жуда иқтидорли, бошқа болалардан ажралиб тураси. Мен унга пианинони ўргатаман». «Қўшни бола скрипка чалишни ўрганяпти, менинг болам ҳам ўрганади».

Бундай тарбияга фақат манманлиги бошқараётган оналар йўл қўядилар. Бундан ташқари, эрта тарбия юқори мартабадагилар ёки иқтидорлиларнинг имтиёзи сифатида кўрилган. Ҳақиқатда эса олифта ота-онанинг мусиқа билан шуғулланишга мажбур қилинган фарзандлари кўпинча самимиятсиз ва ғайритабий бўладилар, худди уларга оналари обрў ва рақобат каби ёлғон түшунчалар-

ни сингдиргандек. Боланинг ривожланишига қаратилган мусиқа машқлари руҳий изтироблар манбаига айланади.

Мусиқа машғулотлари бирдан-бир мақсад эмас, аниқ мақсадга эришишдаги воситадир. Сиз бола бу машғулотлардан нима олиши, натижада унинг қайси қобилиятлари ривожланишини аниқ кўра билишингиз керак. Қуруқдан-қуруқ мусиқа машғулотлари ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Доктор Сузукининг дарсида она унинг дарсига юбораётган боласидан ҳам яхшироқ скрипка чаладиган болалар бўлади. Ўз боласининг барчадан яхши бўлишини истайдиган онанинг истагини қондириш мумкин эмас. Шунинг учун у ё кераксиз манманликдан қутулиши, ё болани машғулотларга олиб боришдан тўхташи зарур.

Скрипкада чалиш қобилиятидан ғуурланиш мумкин, албатта. Бу боланинг умумий ривожланишига ижобий таъсир этади. Менинг ўғлим ўз кучига бўлган ишончга скрипка машғулотлари сабабли эришди ва шундан кейин бошқа соҳаларда муваффақият қозонди.

Фарзандни ўзгаришишдан аввал ўзингиз ўзгаришингиз керак

«Ота-она юрагидагини бола билмайди», – деганларидек, боланинг айтмоқчи бўлганини эшитмай туриб «уф» тортадиган ота-оналар бу боланинг ёмон эканлигини кўрсатадими? Мен бунга ота-оналарнинг ўзлари айбдор деб ўйлайман.

Доктор Сузуки ўз фарзанди билан жуда ёмон муносабатда бўлган она ҳақида айтиб берган. Она умидсизлик билан: «Нега Худо менга бундай ёмон фарзанд юборган?!» – деб нолир экан. Бир куни доктор Сузуки унга: «Бунинг сабаби уни доимо уришишингизда. У доим безовта. Агар вақти-вақти билан сиз ҳам ўз хатоларингизни тан олсангиз, болангиз сизни яхшироқ тинглайди ва ҳурмат қила-

ди», – дебди. Бир муддатдан сўнг она доктор Сузуки ёнига жуда мамнун ҳолатда келиб, ўз ўғилчаси билан муносабатини яхшилаганини айтиб берибди.

Виждонли оналар кўпинча уларнинг талабчанлиги норозиликка учрашидан шикоят қиласидилар. «Сизга айтиш яхши, чунки буни ўзингиз қилишингиз керак эмас». Болалар ҳақ! Буйруқ бериш тарбия қилишнинг яхши усули эмас. Агар болалар бутун кучларини ишга солсалару, айни вақтда, катталар отона сифатида қилишлари керак бўлган ишнинг ўндан бири ёки ярмини ҳам қилмасалар, бундан яхшилик чиқмайди. Ота-оналар ҳам бирор нарсани бирга қилиб, унга кўрсатиш йўлини топишлари лозим.

«Буни қил!», «Буни ёдла!» – деб буйруқ бериб отанинг ўзи курсида газета ўқиб ўтириши – бу ялқов кишининг усули. Фарзандни тарбияламоқ ўзини ҳам доимий равишда тарбиялаш демакдир.

Фарзандингиз үзингиздан ҳам яхшироқ бўлсин

«Шогирд ўз устозидан ўзиб кетди», деган нақл бор. Бу тарбиянинг асосий мақсади бўлиши керак.

Кўп маротаба таъкидлаганимдек, иқтидорли бўлиб туғилмайдилар, балки шундай тарбия қилинадилар. Агар аксиома сифатида инсон қобилиятлари 100 фоиз туғма деб олсак, демак, фарзанд, ҳеч бўлмаса, ўз ота-онаси даражасига етиши керак. Агар тарбиянгиз натижасида фарзандингиз сиздан озгина бўлса-да ўзиб кетмаса, демак, сиз ялқов ота-она бўлгансиз.

Бизнинг Истеъодлар мактабимизда болаларга бир пластинкани кўп маротаба тинглашга берардик. Пластинкада улар ўрга-

наётган скрипка учун мусиқа асари бор эди. Сўнг улардан тинглаганларидан кўра уни яхшироқ чалишни сўрадим ва улар қаттиқ ҳаракат қилдилар. Охир-оқибат кўпчилик бунинг уddасидан чиқди, таажжубланиш керак эмас, чунки бу менинг ижроимдаги мусиқа асари эди.

Умуман айтганда, Истеъдодлар мактабининг асосий ғояси – болаларни шундай ўқитиш керакки, ўз ота-оналари ва узтозларидан ўзиб кетсинлар. Энг яхшиларини биз «талаба», қолганларни «талабанинг ўқувчи» деб атамиз. Агар ўқувчилар устозлари даражасига ета олишмаса, сўнг бошқаларни ўқитишиса, бундай жамият таназзулга учради.

Шогирд устозидан ўзиб кетиши шарт, акс ҳолда, тараққиёт бўлмайди.

Албатта, барча ота-она фарзанди ўзидан ўзиб кетишини истайди. Ота-онанинг қобилияти юксак бўлмаса-да, уларнинг фарзандлари илм-фанда муваффақиятларга эриша олади.

XXI асрни кейинги авлодларга ишонадиганлар қуради

Хозир дунё жадаллик билан ўзгариб бормоқда. Техника тараққиёти бизнинг ҳаётимизни ҳайратланарли даражада бойитиб, енгиллаштириб юборди. Компьютерни бир мисол қилиб оладиган бўлсак, авваллари сонларни ҳисоблашни инсондан тез бажарадигани йўқ эди. Хозир эса инсон миясига мос яқинликдаги вазифани бажарадиган компьютерdir. Бироқ техника тараққиёти ўсиб, қулайлашиб бориши билан бирга инсонларнинг фикрлаши ҳам ўзгариб бормоқда. Хозирги дунёда биринчи кўзга ташланадиган нарса – одамлар орасида ишонч етишмаслиги, бу

жамиятда тартибсизлик, зұрлаш, экологик муаммоларни келтириб чиқаради.

Агар одамлар орасыда ишонч бүлмаса, ҳеч қандай бойлик ва ҳаёт қулайліклари бизга тинчлик ва баҳт олиб келмайди.

Японияда ҳар бир ўқувчи одамларға ишониш ва бошқаларға құшимча қийинчилик түгдериш керак әмаслигини билади. Аммо тушуниш - бир масала, гүзәл қоидаларни ҳаётга татбиқ этиш - бошқа масала. Афсуски, бу зиддият инсон табиатига хосдир. Агар бола бу тамойилни фақат назарияда ўрганса, одамларға ишонишни ўрганмайди. Фақат ҳақиқий ҳаётда у одамларға ишонишни ўрганади.

Агар одамларға ишониш тамойили гүдакка она сути билан сингдирилған бүлса, бу бола жамият келажаги учун ўзига масъулиятни оладиган шахс бўлиб улғаяди.

Бошқалардан ақллироқ бўлса-да, одамларға ишонмаса, ҳаётда кўп нарсага эриша олмайди.

Замонавий таълим тизими имтиҳонлар ва баҳоларга ортиқча эътибор берив, одамларга

ишончни эътиборга олмайди ва уни рағбатлантирмайди. Шунинг учун бу сифат эрта ёшда ривожланиши жуда муҳим. Бу мактабгача таълимнинг асосий вазифасидир.

Бугунги болалар совуқ урушлар ва ирқий камситишларга чек құядилар

Биз ҳозирги замон тараққиёт даражасини мақтаб, совуқ урушлар, ирқий хурофот, миллий ва диний низолар ҳақида унүтіпмиз. Бу муаммоларни бартараф этиш учун тузилган БМТ (Бирлашған Миллатлар Ташкилоти) ва бошқа күплаб халқаро ташкилоттарнинг саъи-харакатлари аксарият ҳолларда бесамар кетмоқда. Биз ўзаро ишонч ва тоқатни ўзимизда тарбия қылмагунимизча миллатлар ўртасида тинчликка эришмаймиз. Авлоддан авлодга ўтувчи нафрат, аламзадалик ва тажовузкорлик, зиддият ва шубҳа билан қараш деярли биологик сифатларга айланди. Ёшлиқда бу ҳиссиётларни сингдириб, кейин улардан қутулиш қийин.

Биз, катталар, ўз болаларимизга бу иллатларни сингдирмаслигимиз зарур. Гүдаклар ирқий нафрат билан заҳарланмаган бўладилар. Агар ёшлиқда оқ ва қора рангли болалар биргаликда тенг равишда ўйнашса, улар одамлар ўртасидаги тана ранги худди ташқи кўриниш ва бўй каби табиий ҳолат деган тушунча билан улғаядилар. Улар фақатгина катталарнинг айтиб бериши орқали ирқий ажратишлардан хабар топадилар. Урушларни чин қалдан тўхтатишни истаганлар бугунги дунёдаги сиёсий ҳолат ҳақидагина эмас, балки қанчалик маблағ талаб қилмасин, ёш болалар тарбияси ҳақида қайгуришлари шарт. Бугунги болалар эртанги жамиятни қурадилар.

Бутун дунёдаги тинчлик бизга, ҳозирги катталарга боғлиқ эмас, у ҳозирда йўргакда бўлган авлодга боғлиқ.

Мен эрта тарбиянинг аҳамиятини ошириб юбормаяпман. Менинг сўзларим бирор-бир ҳаракатга сабаб бўладими-йўқми, билмайман. Эҳтимол, кўп танқидларга, ҳаттоки, асосий низомларим, тарбия усусларим ва она вазифасини қандай тушунишим ҳам эътиrozларга сабаб бўлади. Бироқ, умид қиласман-

ки, менинг китобим одамларни дунёда бирор нарсани ўзгартиришга, айниқса, уч ёшгача бўлган даврдаги боланинг эрта ривожланиш муаммосига қизиқиш уйғотади. Ишонаманки, менинг бу китобим шу мақсаддаги биринчи қадамдир.

Ибука ва эрта ёш таълими

**Чиба университети
фахрий профессори
Таго Акира шарҳи**

Масару Ибука 1992 йили раҳбар-муҳандис сифатида илк бор «Маданий мерос» нишони билан тақдирланган. Кичик завод шаҳарчасидан чиқиб «Sony» корпорациясини дунёга машҳур қилган Ибуканинг фаолияти урушдан кейинги японияликларнинг орзу-истакларига бағишенланган эди. Лекин эрта таълим тадқиқоти Япония маданиятига ундан ҳам каттароқ ҳисса қўшди.

Масару Ибуканинг эрта ёш таълими ҳақида ўйлашига сабаб, китобда ҳам қайд етиб ўтилганидек, 1960 йилларда Япониянинг ҳар

бир ҳудудида юз берган талабалар исёнидир. Бу вақтда таълимдаги муаммолар ҳақида баёнот берган тадқиқотчилар кўп бўлган. Лекин буни Ибукачалик жиддий ўйладиган одам йўқ эди. У ёшларни тарбиялаш учун эрта таълим муҳим деб ўйлаб 1969 йили «Эрта ривожланиш уюшмаси»га асос солган.

Мен уюшмага асос солинган вақтдан бошлаб руҳшунос сифатида таъсир ўтказиб келмоқдаман. Биринчи навбатдаги ишимиз Ибукаанинг эрта таълимидаги муҳим жиҳатларни очиш бўлса-да, бу ҳақиқатлар маъносини тушунтириб берувчи одамлар кўп эмас. Айниқса, доно инсонлардан гўдаклар таълими ҳақида сўраганимизнинг ўзида бунга қарши чиқувчилар кўп бўлди, билимли инсонлар орасида сўзга ҳам, назарияга ҳам тушунмайдиган болаларга таълим беришдан маъно йўқ дейдиганлар топилди.

Лекин Ибукаанинг «Болаларда қобилиятнинг шаклланишида уч ёшгача бўлган таълим муҳимдир», деган қарашлари эътиrozларга бўйин эгмади. 1971 йили эрта таълим ҳақида биринчи китоби – «Учдан кейин кеч» нашр қилинди. «Ибука назарияси» дунёга ёйилди.

Ҳозирга қадар эрта ёш таълими табиий жараён сифатида танилиб, кенг тарқалди. Таълим ва маданият вазири ҳам эрта ёш таълимига қизиқиш билдиримоқда. Японларнинг эрта ёш таълими ҳақидаги қарашлари ўзгарган бўлса, бу Ибука сабаблидир.

Ибука учун ҳозир энг хавотирланарлиси – эрта таълим тўғри қўлланиляптими, йўқми? Китобни ўқиб тушунганингиздек, Ибука таълимдаги кўп жиҳатларни инкор қиласди. «Фақат билим даражасини кўтариш, яхши ўқувчи бўлиш, яхши боғчага бориш учун таълим» кабилар Ибуканинг қарашларига тамомила зид. Дунёда бундай тушунмовчиликлар ҳали жуда кўп.

Эрта ёш таълимининг туб моҳиятини очиб берувчи бу китоб бола тарбиясидаги бош манба сифатида келажакда ҳам ўз қадрини сақлаб қолишига шубҳа йўқ.

Изоҳ ва қайдлар учун

Маърифий-оммабон нашр

Масару Ибука

УЧДАН КЕЙИН КЕЧ

Нурмуҳаммад Наргиза Ҳамидулла қизи
таржимаси

Муҳаррир: Абдулла ШАРОПОВ

Бадиий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ

Техник муҳаррир: Диљшод НАЗАРОВ

Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ

Мусаҳҳих: Адолат АБДУЛЛАЕВА



Теришга берилди: 05.12.2020 й.

Босишига рухсат этилди: 01.12.2021 й.

Офсет қозози. Қозоз бичими: 84x108¹/₃₂.

Lora гарнитураси. Офсет босма.

Хисоб-нашриёт т.: 6,85. Шартли б.т.: 15,1.

Адади: 5 000 нусха.

Буюртма № 117/1204-21

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди.
Тошкент шаҳри Сўгалли ота 5-уй.

«Credo Print» МЧЖ китоб фабрикасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри Богишамол кўчаси 160-уй.

Tel.: (+99899) 433-16-77
e-mail: info@akademnashr.uz
web: www.akademnashr.uz

"Бу китоб – ёзилган китобларнинг энг муҳимларидан бири. Менинг фикримча, уни Ер куррасидаги барча өта-оналар үқишилари керак". Глен Доман



Масару Ибука

"Sony" корпорацияси асосчиларидан бири. Унинг муҳандислик ғоялари дунёни ўзгартириди ва Япониянинг етакчи мамлакатлардан бирига айланишига ёрдам берди.

Масару Ибука бошқа соҳада ҳам ҳурматга сазовор бўлган: бир неча ўн йил аввал унинг гўдаклик давридаги болалар ривожланиши тўғрисидаги янги назарияси анъанавий тушунчаларни бутунлай ўзгартириди. Масару Ибука доим таълим ва жамиятнинг шаклланишида унинг аҳамияти билан қизиқсан. Секин-аста унинг қизиқиши болаларнинг гўдаклик давридаги таълимига қаратилди. Бу масалани чуқур ўрганиб, бир қатор китоблар ёзди. Улардан энг машҳури – "Учдан кейин кеч". Унда ҳар битта гўдакда эрта ривожланишга табиий талаб мавжудлиги, унинг келажақдаги муваффақияти бу талабнинг қондирилишига боғлиқлиги баён қилинган. Масару Ибуканинг хизматларига "Япония эрта ривожланиш уюшмаси" ва "Иқтидорларни үқитиш" мактабини ташкил этиш ҳам киради.

ISBN 978-9943-5652-7-2

9 789943 565272

